

**Кўлдош Пардаев**

**“АЛ-ИСЛОҲ” ВА XX АСР  
БОШЛАРИ ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлдош Пардаев

“АЛ-ИСЛОҲ” ВА XX АСР БОШЛАРИ  
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ


Монография



“Mahalla va Oila” нашриёти

Тошкент – 2021

36079





КБК: 83.3(5Ў)

П 21

УЎК: 821.512.133.09

ISBN 978-9943-7632-8-9

Пардаев, Қ.

“Ал-ислоҳ” ва XX аср бошлари ўзбек адабиёти [Матн]:  
монография / Қ. Пардаев. – Тошкент: Mahalla va Oila, 2021. –  
148 б.

Монографияда XX аср бошларидаги нуфузли матбуот  
нашрларидан бири – “Ал-Ислоҳ” журналида нашр этилган  
адабий ва бадиий-публицистик материаллар тадқиқ этилган.  
Ушбу журналнинг дунё юзини кўриши, адабиёт материаллари  
таснифи ва талқини, шунингдек, давр тараққийпарварларининг  
адабий-эстетик баҳс-мунозаралари ҳамда ижтимоий-сиёсий  
мавзуларга оид даврнинг долзарб муаммоларига бағишланган  
материаллар тадқиқ этилган.

Монография матншунослик ва адабий манбашунослик,  
жадид адабиёти билан қизиқувчи тадқиқотчилар ва филолог  
мутахассисларга мўлжалланган.

**Масъул муҳарир:**

**Н.Жабборов** – ф.ф.д., проф.

**Тақризчилар:**

**Ш.Хожиева** – ф.ф.н., доц.

**Ш.Амонов** – ф.ф.н., доц.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил  
26 июндаги 7-сонли қарорига асосан чоп этилди.

© Пардаев Қ.

© “Mahalla va Oila” нашриёти, 2021.

*Ушбу китобимни қўлларимга илк бор қалам тутқазиб,  
илмга йўллаган валинеъматим отажоним Узоқ Бекмурод ўгли  
ҳамда мунис ва муштирапар онажоним Ойсора Ўтапулат ҳожи  
қизининг пок руҳларига таъзимлар ила бағишлайман.*

## КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин илгари ўрганиш таъқиқланган манбаларни тадқиқ этиш учун кенг имконият пайдо бўлди. Уларни илмий-тадқиқот доирасига киритиб, олинган натижаларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш адабиёт илмининг, хусусан манбашунослик ва матншуносликнинг устувор вазифаларидан биридир. Айни пайтда, бу адабиётимиз тарихида мавжуд бўлиб келаётган муайян кемтикликни тўлдириши ҳам шубҳасиздир. Зеро, адабий-тарихий манбаларни ўрганиш бой ўтмишимизнинг бизга номаълум саҳифаларини очишда, адабий матн ва талқиндаги хатоларни тузатишда муҳим аҳамият касб этади. 1915-1918 йилларда нашр этилган “Ал-Ислоҳ” журнали ҳам ана шундай манбалар сирасига киради.

Маълумки, XX аср биринчи чораги Туркистон ижтимоий ҳаётида жадидчилик ҳаракати ўзига хос мавқега эга бўлган. Унга муайян маънода муҳолиф саналган “қадимчилик” ҳам ижтимоий заминига, фаол ҳаракатда бўлган кучларига эга эди. Жадидчилик ҳаракатининг ғоя ва фикрлари XX аср 10-йилларидан сўнг “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Бухорои шариф”, “Турон”, “Самарқанд”, “Хуррият” каби газеталарда, “Ойна” журналида акс этган бўлса, қадимчиларнинг қарашлари маълум даражада “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ” журналларида ўз ифодасини топган, тарзидаги қарашлар мавжуд. “Ал-Ислоҳ”га оид бу фикрнинг ҳақиқатга қанчалик мувофиқлиги ҳақида унинг барча сонларини тадқиқ этиш асосида хулоса чиқариш илмий ва мантиқий жиҳатдан тўғри экани шубҳасиздир. Айни замонда, мазкур манбани синчиклаб ўрганиш жадидлар билан қадимчилар муносабатининг моҳияти нимадан иборат бўлганини аниқлашга ҳам муайян даражада кўмаклашади.

“Ал-Ислоҳ” журнали Туркистон халқлари тарихининг мураккаб даврида нашр этилиб турди. Биринчи жаҳон уруши,

Туркистонда мардикорликка олиш сиёсати ва унга қарши маҳаллий халқнинг оммавий чиқишлари, феврал ва октябр тўнтаришлари, Туркистон мухториятининг юзага келиши ва йўқ қилиниши, шўролар тузумининг ўрнатилиши ва секин-аста куч ола бориши, янгича мустабидлик кўринишига қарши маҳаллий аҳолининг қўзғалиши – булар “Ал-Ислоҳ” нашр этилган даврдаги йирик ижтимоий ҳодисалар бўлган. Журналнинг мана шу турфа ҳодисаларга нисбатан тутган позициясини белгилаш ҳам энг янги тарихимизнинг мукамалроқ ёритилишига кўмак беради.

Мазкур журналда миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндаларининг турли жанрларга оид асарлари босилган. Уларнинг аксарияти ҳамон адабий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шу билан бирга, журнал саҳифаларида ҳам бевосита, ҳам билвосита адабий-эстетик фикрлар юзасидан мунозаралар бўлган. Бу қарашларни тадқиқ этиш ва улардан чиқадиган хулосаларни умумлаштириш адабиётшунослигимиз учун муҳим аҳамиятга моликдир.

“Ал-Ислоҳ” саҳифаларида янги ижтимоий воқелик шароитида диний арконлар, ақидалар таҳлил ва талқин этилди, зарур ўринларда уларга ислоҳ киритиш юзасидан таклифлар билдирилди. Натижада, мазкур нашрнинг диний-маърифий қарашлар ривожидида ҳам муайян аҳамиятга молик бўлгани шубҳасиздир. Бу жараёни кузатиш маънавий-руҳий тафаккуримизнинг тадрижини аниқлашга кўмаклашади. Айни пайтда, журналнинг даврий нашр сифатида ўрганилиши унинг журналистикамиз тарихидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашда ҳам муҳим илмий қийматга эга.

“Ал-Ислоҳ”да чоп этилган адабий, маърифий ва ижтимоий-сиёсий мавзулардаги материаллар бугунги кунга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас. Шундай бўлса-да, бу даврга оид йирик тадқиқотларнинг биронтасида журнал фаолиятига кенг тўхталинмаган. Унга мурожаат қилинган камдан-кам ҳолларда эса, шўро мафкураси нуқтаи назаридан талқин этилган. Журнал ҳақида дастлабки маълумотлар Абдулла Авлоний, Чўлпон, Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев, Фулом Каримов, А.К.Боровков, З.Ражабов тадқиқотларида



учрайди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнггина С.Аҳмедов, Н.Абдуазизова, М.Худойкулов, К.Воҳидова, Р.Тожибоев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида “Ал-Ислоҳ” ҳақида ижобий фикрлар билдирилган.<sup>1</sup> Ушбу тадқиқотларда “Ал-Ислоҳ” журналини махсус ўрганиш вазифаси қўйилмагандан, унинг фаолиятига умумий тарздагина баҳо берилган.

Мазкур монографияда юқоридаги ишлардан фарқли ўларок, мавзу илк бор монографик йўсинда ўрганилмоқда.

---

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш ва филология масалалари (Нашрга тайёрловчи Шўҳрат Ризасев). - Т.: Университет, 1993. - Б. 122; Чўлпон. Туркистонда матбуот // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 1998, №2. - Б. 56; Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Улуғ октябрь социалистик революциясининг арафаси ва граждандар уруши даврида ўзбек поэзияси. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат университетининг асарлари, янги серия. - Самарқанд.: ЎзДУ, 1958. - Б.10; Каримов Ғ. Муқимий. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. - Б. 18; Боровков А. К. Узбекский литературный язык в 1905-1917г. - Т.: 1940. - Б. 108; Ражабов З. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа. Сталинабад, 1951г. - С. 409; Аҳмедов С. Мунавварқори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2003.-Б. 32; Дўскораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. - Б. 186; шу муаллиф Бехбудий “Шўро” журналида // Филология масалалари. - Тошкент, 2005, №1. - Б. 88; Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. - Т.: Академия, 2000. - Б. 197; Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари. - Т.: Университет, 1995.- Б. 45; Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. - Т.: Ўқитувчи, 2001. - Б. 19; Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фанлари номзоди..... дисс-я. - Т.: 1993. - Б. 108.

## ЎЗБЕК МАТБУОТИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Кўйилган илмий муаммо ечимига киришишдан аввал ўзбек миллий матбуоти тарихига назар ташлаш зарурати сезилади. “Тошкентда 1870-йилдан чиқа бошлаган “Туркистон вилоятининг газети” Туркистонда маҳаллий тилда чиққан биринчи матбуот намунаси эди. Газетада Ш.Иброҳимов (1872), Х. Чанишев (1881) каби ерли татарлар, И.Худоёрхонов (1893) сингари ўзбеклар маълум муддат муҳаррирлик қилган бўлсалар-да, унинг асл эгаси, йўриқчиси Н. Остроумов эди. Шунга кўра унинг миллий газета бўлиши имкондан ташқарида эди”<sup>2</sup>.

Янги ўзбек адабиётини Остроумов муҳити таъсиридан кутқаришга уринган Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Муин, Ашурали Зоҳирий каби зиёлилар миллий матбуотга эга бўлиш фикри билан ҳаракатга ўтдилар. Рус инқилоби бунга маълум даражада йўл очиб берди. Чоризмнинг рус халқига сўз ва матбуот эркинлиги бериш ҳақидаги 1905 йилги Манифест натижасида турли газеталар чиқариш имкони туғилди. Ўзбек халқи Манифестдан илҳом ва мадад олиб, қисқа муддатда катта босқични босиб ўтди ва туркий дунёнинг эътиборли давралари назарига тушди<sup>3</sup>. Матбуот ҳақида илк бор фикр билдирган Чўлпон<sup>4</sup> бўлди. Абдулла Авлоний “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласида 1905-1917 йиллар оралиғида ўлкада ўзбек тилида 22 газета, 8 журнал нашр этилгани ҳақида хабар беради<sup>5</sup>. 1927 йилда “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927)” тадқиқотини чоп эттирган Зиё Саиднинг аниқлашича, ўтган оралиқ даврда 45 газета, 36 журнал дунё юзини кўрган. Ушбу маълумотларнинг ўзиёқ бу даврда миллий матбуотнинг нечоғлик фаоллашганини кўрсатади.

---

<sup>2</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Жабборов Н., ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти дарслиги, Т.: Маънавият, 2004.-Б.209.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Т.: Маънавият, 2002.-Б.58.

<sup>4</sup> Қаранг: Чўлпон. Туркистонда матбуот. // Жамият ва бошқарув, 1998.-№2. (Нашрга тайёрловчи Тоғаев Т).

<sup>5</sup> А. Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. (Нашрга тайёрловчи Ризаев Ш). Китобда: Миллий уйғониш. Т.: Университет, 1993.-Б. 115-123.

Булар ҳақида матбуотшунослик билан боғлиқ ишларда анчагина маълумот берилган.<sup>6</sup>

Мутахассислар яқдил эътироф этганидай, биринчи миллий газетамиз “Тараққий” бўлди. Газета 1906 йилнинг 27 июнида дунё юзини кўрди. “Тараққий” ўз даврида катта шухрат қозонди. Ҳатто унинг муҳаррири Исмоил Обидийни “Исмоил Тараққий” деб атаганлар.

“Тараққий” ўзининг қисқа фаолияти давомида чоризмнинг барча сиёсатига қарши чиқди ва айниқса миллатимизнинг дини, удумлари топталаётганини жасорат билан ошкор этиб, мавжуд ҳукуматнинг нафратига учради.<sup>7</sup> “Тараққий” газетасини ташкил қилишда Мунавварқори Абдурашидхонов ва Абдулла Авлонийларнинг хизмати катта бўлган<sup>8</sup>. Лекин кўп узоққа чўзилмаган, 20-сони чиққач, ҳукумат томонидан тўхтатилган.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, бу борада янги тадқиқотлар яратилди. Ўзбек матбуоти тарихининг тадқиқотчилари Т.Пидаев ва Б.Дўстқораевларнинг “Тараққий” – илк ўзбек миллий газетаси<sup>9</sup> – деб номланган мақоласида шу газета чоп этилган санани ўзбек миллий матбуоти куни, деб эълон қилиниши ҳақида фикрлар билдирилди.

Мунавварқорининг “Хуршид” газетаси (1906 йилнинг 6 сентябридан чиқиб, 10 сондан сўнг ёпилган) ва бошқа миллий матбуот нашлари ҳам турли сабабларга кўра оз умр кўрди. Бу

---

<sup>6</sup> Қаранг: Пидаев Т. Р., Ҳалимова С. “Садои Туркистон” ва Убайдулла Асадуллаҳўжаев. // Ўзбекистон матбуоти, 1997.-№1,2,3,4; Эрназаров Т. Э. Ўзбекистонда вақтли матбуот (1870-1924). Т.: 1959; Эрназаров Т.Э., Акбаров А. И., История печати Туркестана (1870-1925). Уч. пособие, Т.: Ўқитувчи, 1976; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.- Б. 186; шу муаллиф. Мунавварқори Абдурашидхонов // Жаҳон адабиёти, 1993, 3-сон; Сирожиддин Аҳмад. Мунавварқори. Эссе, // Шарқ юлдузи, 1992, 5-сон; Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли, Т.: Фан, 1993; Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари. Т.: Университет, 1995; Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2001. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикасининг шаклланиш ва равнақи (XIX аср охири – XX аср), Т., 1998; яна шу муаллиф: Туркистон матбуоти тарихи (1870-1912). Т.: Академия, 2000.

<sup>7</sup> Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1912). Т.: Академия, 2000.-Б.76.

<sup>9</sup> Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Адабиёт ва инқилобий ҳаракат (айрим мулоҳазалар), // Шарқ юлдузи, 1984-№1.

<sup>10</sup> Пидаев Т., Дўстқораев Б. “Тараққий” – илк ўзбек миллий газетаси. // Халқ сўзи, 1993, 14 июнь.

<sup>11</sup> // Шухрат. 1908 йил, 7 январ, 5-сон.



газеталар ўзбек халқининг маънавий ҳаёти, маданияти ва адабиётининг равнақида, маърифатпарварлик ғоялари тарғиботида муҳим роль ўйнади.

1907 йилнинг 1 декабридан Авлониининг “Шухрат” газетаси чиқа бошлади. Газета таҳририяти унинг уйида жойлашган эди. Газетанинг йўналишини муҳаррир шундай белгилайди:

*Жаҳонда иттифоқу илм учун оворадур “Шухрат”,  
Зухури рўшноийи илм учун маҳфорадур “Шухрат”.  
Вужудин сарф қилгон илм учун бечорадур “Шухрат”,  
Дили миллат гамидин дам-бадам садпорадур “Шухрат”.*

*Каломи хуштакаллум тўтийи зебосифат сўзлар,  
Мақоми хурриятда булбули шайдосифат сўзлар,  
Замона гулшанида қумрийи танҳосифат сўзлар,  
Гулистонларда доим сайр этар тайёрадур “Шухрат”.*<sup>10</sup>

Бу газета ҳам кўпга бормай ҳукмат томонидан ёпилган. Унинг фақат номигина ўзгариб, “Осиё” номда чиқиб турди ва у ҳам узоқ давом этмаган. Авлониий ўз таржимаи ҳолида: “6-номеринда ҳукмат жонворлари келиб, буни ҳам мусодра қилиб, беркигиб кетди”,<sup>11</sup> - деб ёзади.

1913 йилдан Туркистон шаҳарларида газеталар яна чиқа бошлади. Беҳбудий “Самарқанд” газетасини йўлга қўйди. Атрофига Сиддиқий-Ажзий, Ҳожи Муин, Нусратулла Кудратулла, Саид Ризо Ализода каби тараққийпарвар қалам эгаларини тўплади. Газета моддий қийинчилик туфайли 45-сон чиқиб тўхтади.

Энг машхур газеталардан бири “Садои Туркистон” эди. Газетанинг биринчи сони 1914 йилнинг 4 апрелидан чиққан. Расмий муҳаррири адвокат Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев (1880-1938) эди. Зиё Саид унга Мунавварқори ва Абдурауф Музаффарзода яқиндан ёрдам бериб турганини хабар қилади. Газетанинг деярли ҳар бир сониди Авлониининг шеър ёки мақоласи босилиши, “Турон” труппаси билан ҳамкорлик унинг ҳам таҳририятда мавқеи баланд бўлганлигини кўрсатади. Газета саҳифаларида Мунавварқори, Мискин, Хислат, Таввалло каби

<sup>11</sup> Миллий уйғониш. – Т.: Университет, 1993. - Б. 110.

тошкентлик ижодкорларнинг шеърлари сингари Самарқанддан Васлий, Ҳожи Муин, Форғона водийсидан Сўфизода, Ҳамза, Чўлпон, Лутфулла Олимий, Иброҳим Даврон каби ўнлаб қалам эгаларининг асарлари чоп этилган эди. Газета бир йилча чиқиб, 66-сондан кейин моддий танглик туфайли тўхтади.

Сайёра Ҳалимованинг “Садои Туркистон” газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари” мавзuidaги номзодлик диссертациясида бошқа тадқиқотлардан фарқли ўларок газета монографик йўсинда ўрганилган.

Обиджон Маҳмудовнинг “Садои Фарғона” газетаси (1914 йил 3 апрель - 1915 йил 26 май) “Садои Туркистон” билан бир вақтда чиқди. Фаол муаллифларидан Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Чўлпон, Таввало, Васлий, Иброҳим Даврон эди.

1917 йилнинг Февралидан кейин “Нажот” (Мунавварқори), Шўройи ислом” (А.Баттол), “Турон” (Авлоний), “Ҳуррият” (Фитрат), “Кенгаш” (Заки Валидий), “Эл байроғи” (Б.Солиев, А.Зоҳирий), “Улуғ Туркистон” (К.Бакир) каби кўплаб газеталар чиқди. Булар орасида, айниқса, “Ҳуррият” адабий куч-қуввати билан, “Эл байроғи” Туркистон мустақиллиги йўлидаги курашнинг ёрқин саҳифаси бўлган мухторият ғояларини ифода этганлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Октябр тўнтаришидан кейин чиққан “Иштирокиюн” (1918–1919), “Қизил байроқ” (1920-1921), “Туркистон” (1922 - 1924 ), “Меҳнаткашлар товуши” (Самарқанд, 1918 - 1922), “Бухоро ахбори” (1920-1922), “Меҳнат байроғи” (1921), “Фарғона” (1921) каби ўнлаб газеталар дунё кўрди.<sup>12</sup>

1905-1920 йилларда жадидлар ва қадимчилар ўртасидаги мунозаралар бир қанча журналларнинг юзага келишига сабаб бўлди, “Ойна”, “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Чаён”, “Изҳор ул-Ҳақ” шулар жумласидандир. Туркистонда чиққан биринчи журнал “Ойна”дир. У Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ғайрат ва ташаббуси билан 1913 йилнинг 20 августидан 1915 йилнинг 15 июнигача чиқди. “Ойна” журнали адабиётнинг қандай бўлиши кераклиги, қайси ғояларни талқин этиши зарурлиги масаласига жиддий эътибор қаратди. Журнал ўз атрофида даврнинг илғор зиёлилари,

<sup>12</sup> Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002.-Б.63.

ижодкорлари, педагоглари, жамоат арбобларини бирлаштирган эди. Фитрат, Ажзий, Камий, Саидахмад Васлий, Ҳожи Муин, Саидризо Ализода, Рожий, Ақобир, Мансурий, Қозизода, Тавалло, Шавкат каби ижодкорлар журналда фаол қатнашгани бунинг далилидир. Бу журнал Кавказ, Татаристон, Афғонистон, Эрон, Туркия ва Ҳиндистонгача тарқалган. “Ойна” туркий тилда нашр этилди. Баъзан форс-тожик тилда ҳам шеърлар, мақолалар эълон қилинган. Журнал “Миллати исломиянинг саодат ва салоҳиятига, мусулмонларнинг маданият ва фанни замониадан фойдаланишларига ходимлик” деб белгиланди<sup>13</sup>.

Туркистондаги илк ҳажвий журнал эса “Чаён”дир. 1917 йили 1 июнида татар зиёлиси Иброҳим Тоҳирий ва Халаф Тўлаков томонидан 16 кунда бир чиқарила бошланган. Жамият ҳаётига оид касалликларни қаттиқ танқидга олиб, овоза қилган. Шунингдек, янги тузум тартиботларининг куч ишлатиши ва зўравонлик билан муваффақиятга эришиш йўлларини танқид қилар эди.

Абдулла Авлоний бу журнал ҳақидаги фикрларини куйидагича баён этади: “Бу журнал кулги журнали эди. Журналнинг масъул муҳаррири Иброҳим Тоҳирий эди. Бу журнал кўпроқ маҳаллий халқ масалаларига аҳамият бергани учун пул йўқлиги ва тили татарча бўлишига қарамасдан халқ орасида анчагина эътиборга эга бўлди...”<sup>14</sup>.

Хуллас, XX аср бошларида нашр этилиб турган матбуот нашрлари ўзбек миллий уйғониш адабиётининг тараққий этишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу нашрларда хабарлар билан биргаликда ўзбек халқининг тарихи, жўғрофияси, фольклори ва кўплаб шеърлар, адабий мақолалар, хикоя ва ҳатто қисқа романларга ҳам жой берди. Газеталар ҳажман кичик (2-4 саҳифа орасида) бўлса ҳам, XX асрнинг дастлабки 10 йилида озодлик, гўзаллик ва илм-фан ўчоғига такрор қайтишнинг тимсоли ҳамда янги бадиий турларнинг ўзбек адабиётига кириши учун восита бўлди. У тўфонли йилларнинг долзарб масалаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>13</sup> Қаранг: Худойкулов Мухтор. Ўзбек ҳажвий публицистикаси шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари. – Т.: Университет, 1995. – Б. 45.

<sup>14</sup> Худойкулов Мухтор. Кўрсатилган асар. –Б.98.



## “АЛ-ИСЛОҲ”НИНГ МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Жадид матбуоти ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Лекин 1915-1918 йиллари тўрт йил мобайнида нашр этилган “Ал-Ислоҳ” журнали деярли ўрганилган эмас. Ундаги адабиётнинг вазифаси, жамият ҳаётига таъсири масалаларига бағишланган баҳслар ханузгача ўз илмий баҳосини олгани йўқ. Шу боис журналдаги адабий ва ижтимоий-сиёсий мақолаларни ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

“Ал-Ислоҳ” жадидларнинг “Ойна” каби нуфузли журналларидан эди. Журнал Абдурахмон Сайёҳ ва Мунавварқори Абдурашидхоновлар ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан 1915 йил 14 январда Тошкент шахрининг Ўрда даҳасида Г.Я.Яковлев типо - литографиясида дунё юзини кўрди. 1915 йилги сонлари шу нашриётда 1916, 1917, 1918 йиллари О.А.Порцев литографиясида чоп этилди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 1918 йилги 5-сони Асқархон Паҳлавонов муҳаррирлигида нашр қилинган. 1915, 1916, 1917 йилдагилари ҳар бир сони 32 саҳифадан, 1918 йилги сонлари 16 саҳифадан иборат бўлиб, бир ойда икки марта нашр этилган<sup>15</sup>.

“Ал - Ислоҳ”нинг мақсад ва вазифалари ҳақида журналнинг 1915 йилги 2-сонида қуйидагилар ёзилган: “Ислоҳ”и замон мусулмонларга диний ва дунёвий хизмат қиладурғон мажалладур. “Ислоҳ” мусулмонларни Китоб ва суннат тарафига чақирадурган мажалладур. “Ислоҳ” мусулмонларни номашруъ ишлардан қутқарадурғон мажалладур. “Ислоҳ” мусулмонларни масалайи фикҳ ва эътиқоди заруриятдан хабардор қиладурғон мажалладур”.

Мазкур журналда диний-исломий ҳамда дунёвий мавзуларга оид мақолалар нашр этилган. Журналда Ҳамза, Саидахмад Васлий, Каримбек Камий, Сидқий Хондайлиқий, Исҳоқхон Ибрат, Тавалло Хўжамёров, Маҳмуд Ализода Тошкандий,

<sup>15</sup> Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Нодир китоблар бўлими, инв. №226 - 23; ЎзРФАШИ.Инв № 5938,5997, 1086, 1085, 1575 ва Ойбек уй - музейида. Инв № Р-1, ПВ-276 рақамлари остида сақланади; Сирожиддин Аҳмедов. Мунавварқори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 32.

Абдурахмон Сайёх, Зафархон Жавҳарий, Баҳриддин Азми, Мубашширхон, Мулла Холмуҳаммад Тўракули, Иброҳим Тоҳирий, Саид Аҳрор Махзум, Аҳмадхўжа Эшон, Зухриддин Эшонхон, Мулла Ҳошим Ҳайратий, Шамсиддин Хоиб ва бошқа ижодий фаолияти шу пайтгача деярли ўрганилмай келган кўплаб муаллифларнинг асарлари чоп этилган. Журнал ўз номи ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда диний-дунёвий ислохотчилик йўлини тутди. Жамиятда рўй бераётган бидъат, хуруфотларни тузатишга катта аҳамият қаратди. Ўлкада миллий ғояларнинг тарқалишида муҳим вазифани бажарди.

Халққа исломий илмлар ҳақида ҳаққоний тасаввур бериш мақсадида Туркистон уламолари жамоатчилиги томонидан ташкил этилган журнал дин тарихи, диний асос – Қуръон ва ҳадисларга таяниб, ўз даври воқеа-ҳодисаларига шарият талаблари нуқтаи назаридан баҳо берди. Миллатни маърифатга, тараққийга даъват этди. Журналнинг чиқишини жаҳид зиёлилари хурсандчилик билан кутиб олди. Масалан, Саидахмад Васлий, Исҳоқхон Ибрат, Баҳриддин Азми, Каримбек Камий, Сидқий – Хондайлиқий ва бошқа замон шоирлари журналнинг мақсад ва вазифалари, миллий матбуот равнақида тутган ўрни ҳақида шеърлар, таърихлар ёздилар.

Журналнинг 1915 йил 1-сонида Камийнинг “Ал-Ислоҳ” деб номланган шеъри чоп этилган бўлиб, шоир бундай ёзади:

*Сайёх афанди нашри кўрсатди саъйу ғайрат,  
Тоқим зухура келди бу навъ яхши хизмат.  
Неча адиби комил ҳамасру ҳам афозил,  
Ёрдамчисидур онинг бо сидқи дил баҳиммат.  
Ҳар ким тараққийдин истар ривожу ислом,  
Ўзи ва отасига анинг ҳазор раҳмат.<sup>16</sup>*

Ушбу мисралардан кўринадики, Камий бир неча миллий газеталар Чор ҳукумати тарафидан ёпилган бир пайтда “Ал-Ислоҳ”нинг чиқишини қувонч билан кутиб олган. “Сайёх афанди нашри саъйу ғайрат кўрсатган”и, миллат равнақи йўлида яхши хизмат зухура келган”и ҳақидаги эътироф ҳам буни тасдиқлайди.

<sup>16</sup> // Ал-Ислоҳ, 1915, 1-сон.

Худди шу мазмунда журналда Исҳоқхон Ибрatнинг “Ислох”га изҳори ташаккур” сарлавҳали шеъри босилган:

*Аҳли Туркистон бу кунда, шукр, беислоҳ эмас,  
Интишори маърифат хаттида беимло эмас.  
Миллатимизда маориф ўрнига ваҳшат эди,  
Маданият таълимин этгай эмди беиншо эмас....  
Шукрлар айттим йўлдан халқ бепарво эмас.  
Маслакдин кўрдим, шариатдин тажовуз этмаган.<sup>17</sup>*

Шоир бу тарихий воқеани завқ - шавқ билан қаршилади. Унингча, бу журнал энди маърифат ўчоғи бўлади, диний ва дунёвий илмларнинг юксалишига, миллатни тараққиётга олиб чиқишга муносиб хизмат қилади.

Ибрat ва Камийнинг мазкур шеърларига ҳамоҳанг “Ал-Ислох”нинг 1917 йил 1-сонида Баҳриддин Азмийнинг “Ташаккур” сарлавҳали шеъри босилди. Туркистон халқининг фаровон яшашини орзу қилган, Ватанда жаҳолат ҳукмронлик қилаётганидан изтироб чеккан шоир барча бахтсизликларнинг сабаби маърифатсизликда деб билди. Миллатнинг жаҳолат гирдобида қолишига эса ўзаро ихтилофлар сабаб бўлаётир. Журналнинг шу ихтилофларни ислоҳ этишини, ва маърифат тарғиботчиси бўлишини истаб, у бундай ёзади:

*Муддате биз ихтилоф ила яшардук субҳу шом,  
Ихтилоф ила қоршиқон шайху мулла ўзгача.  
Ўзгалар журнолу рўзнома ривожин истаса,  
Биз этардук неча юз гавғони барпо ўзгача.  
Шукри садки ушбу дам топдук нишони иттиҳод,  
Чунки ул Сайёҳ афанди этди ифшо ўзгача<sup>18</sup>.*

“Ал-Ислох” журналининг дастлабки сонлари нашрдан чиқар экан, бу ҳақда “Садои Фарғона” газетасида эълон қилинган “Янги асар” номли мақолада қуйидагича маълумот берилган: “Ўтган ойлarda “Вақт”, “Юлдуз” газеталарига Туркистонда чиқадурғон диний газета ва журналлардин кўркуб, зорланиб ёзиб юрганликлари газета ўқиғувчиларни маълумларидур. Мана шу чиқмасдан аввал шухратгинаси баъзиларини кўркутган

<sup>17</sup> //Ал-Ислох, 1915, 4-сон.

<sup>18</sup> //Ал-Ислох, 1917, 1-сон ; ушбу шеър Баҳриддин Азмийнинг “Янги шукуфа ёхуд миллий адабиёт” шеърин тўпламида ҳам эълон қилинган. 1917, Т. - Б. 23.



журналдан бириси Тошкентда “Ал-Ислоҳ” исминда нашр бўлиб, биринчи нўмири китобчиларга келгани маълум эди. Бу журнал 32 саҳифада битта қаламда, қоғози кўп яхши, ҳам ерли тилли Туркистон шеvasида бўлиб туркистонликлар учун кўп марғуб журналдир”<sup>19</sup>.

“Туркистон вилоятининг газети” 1915 йил 5-сонида муҳаррир томонидан “Ал-Ислоҳ” ҳақида ижобий фикр билдирилади<sup>20</sup>. “Садои Туркистон” газетасининг 1915 йил 57-сонида таҳририят аъзоларидан адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Мирмуҳсин Шермуҳаммедовлар “Ал-Ислоҳ” ва унинг Туркистон ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, мазмуни ва ғоявий йўналиши хусусида фикр юритади<sup>21</sup>.

“Ал-Ислоҳ” таҳририяти ҳам бунга бефарқ қарамади. Жумладан, журналнинг 1915 йил 3-сонида чоп этилган “Ташаккур” сарлавҳали мақолада бундай фикрлар учрайди: “Туркистон” газетининг 5-нўмирида муҳтарам муҳаррир афандининг “Мажаллаи “Ислоҳ” давоми учун қилган дуолариға ва “Садои Туркистон”нинг 57-нўмирида муҳтарам муҳаррир адвокат афандининг мажаллаи “Ислоҳ” учун ёзгон табриклариға ва муҳтарам Мирмуҳсин Шермуҳаммедов жанобларининг табрикларина “Ислоҳ” идораси ташаккур изҳор этар”<sup>22</sup>.

Кўриниб турибдики, “Ал-Ислоҳ” ҳақида бошқа матбуот нашрларида ижобий фикрлар билдирилган. Шунинг ўзиёқ журналнинг ўша давр матбуотида муҳим ўрин тутганини, мавқеи баланд бўлганини кўрсатади.

Хўш, журнал муҳаррири Абдурахмон Сайёҳ ким эди?

“Абдурахмон Сайёҳ ибн Ҳожи Муҳаммад Содиқов (1879, Тошкент -1918, Кўкон) – маърифатпарвар, ношир. Арабистон, Туркия, Ҳиндистон, Япония мамлакатларига саёҳат қилгани учун ўзига “Сайёҳ” тахаллусини олган. Ўн ёшида ота-онаси, ака-синглиси билан Маккага кетади, ўша ерда оила аъзоларининг барчасидан айрилади. Кейинчалик Ҳиндистоннинг Ражпур шаҳрига келиб, 5-6 йил мадрасада таҳсил олади. 1906 йилда

<sup>19</sup> Имзосиз. Янги асар . // Садои Фарғона, 1915, 12 февраль.

<sup>20</sup> Қаранг: // Туркистон вилоятининг газети, 1915, 5-сон.

<sup>21</sup> Қаранг: // Садои Туркистон газетаси, 1915, 57-сон.

<sup>22</sup> //Ал-Ислоҳ, 1915, 3-сон.

заргарлик буюмлари билан савдо қилиб, Хитойга боради. Хитойдан Манжурия орқали Бухорога келмоқчи бўлади. Аммо Россия ва Япония ўртасида уруш бораётгани сабабли Япония ҳукумати уни Мукден шаҳрида ҳибсга олади. Ва Порт–Артур шаҳрида сақлайди. Уруш тугагач, Гонконг орқали Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрига юборилади. У Бомбей шаҳрига келиб, Россия бош консулига мурожаат қилади. Ҳинд, хитой, араб, форс, турк тилларини билгани учун 1907 йил консулхонага ишга олинади. 1908 йил Тошкентга қайтиб келади ва Туркистон ҳарбий округи штабида ишлайди<sup>23</sup>. Шу орада Мунавварқори Абдурашидхонов билан дўстона муносабатда бўлиб, ҳамкорликда “Ал-Ислох” журналини чиқара бошлайди. 1912-13 йилларда ношир ва муаллиф сифатида ислом одоб-ахлоқи, муқаддас шаҳарлар тарихи, шунингдек, кезиб чиққан мамлакатлари ҳақида кўплаб саёҳатномалар чоп эттирган. У “Тарихи ислом”, “Тухфат ул аном тарихи байт ул-Ҳаром”, “Тарихи изолат ул-ғайн ан-киссат ил-Зулқарнайн”, “Танвир ул-аҳдоқ фи макорим ил-ахлоқ”, “Меъёр ул-ахлоқ” каби асарлар муаллифидир. Ҳамда Ҳиндистондан Фаҳриддин Розийнинг “Тафсири кабир” асарини келтириб нашр этган<sup>24</sup>.

“Ал-Ислох”нинг фаол муаллифларидан Саидахмад Васлий даврнинг долзарб масалалари юзасидан “Тараққий”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Ойна”, “Ал-Изоҳ” нашрларида ўз мақолалари ва шеърлари билан фаол иштирок этди. Васлийнинг “Ал-Ислох”даги мақолалари билан “Садои Фарғона” газетасида босилган мақолалари муштарак ғояни ифодалаб, бир-бирининг изчил давом эттирганини кузатиш мумкин. Масалан, “Ал-Ислох”даги “Ислоҳи тадрис ҳақинда”, “Ҳар мусулмоннинг араб тилига ошно бўлиши”, “Илмнинг ҳар кимга кераклиги ва шарофати” ва бошқа мақолалари “Садои Фарғона”даги “Шеър ва илми балоғат”, “Маданият”, “Тараққий йўли”, “Жарида ва усули жадида” мавзуларидаги чиқишларининг муқоясаси бунинг тасдиғидир.

<sup>23</sup> Аҳмедов С. Сайёҳ. Ўзбекстон Миллий энциклопедияси. 7-том. - Б. 428.

<sup>24</sup> Бу ҳақда қаранг: Аҳмедов С. Йўқолган одам. // Гулистон. – Тошкент, 1999. - №4.-Б. 41; // Ал-Ислох, 1915, 11-12-14 - сонларида “Янги асарлар” рукнида таништириб борилган.

“Садои Фарғона”даги бошқа муаллифларнинг ҳам бунга ҳамоҳанг мақолалари нашр этилди. Шокир Мухторовнинг “Ислоҳни нимадан бошларга”, Мулла Абдуллабек ҳожи ўғлининг “Ислоҳ”, Ашурали Зоҳирийнинг “Она тили”, Яҳё қорининг “Ҳозирги, эски ва янги мактабларимиз” каби мақолалари шулар жумласидандир<sup>25</sup>.

“Ал-Ислоҳ”ни “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари билан қиёслаганда улардаги, мақолаларнинг моҳияти, йўналиши, мавзулар кўлами, ҳатто муаллифларининг ҳам муштарак эканини кузатиш мумкин.

“Ойна” журналида ҳам “Ал-Ислоҳ”даги каби танқидий мақолаларга кенг ўрин берилди. Масалан, адабий-эстетик баҳслар иккала журналда ҳам бирдай ёритиб борилган. XX аср бошларидаги адабиётнинг жамият ҳаётига таъсири масалаларига бағишланган бу каби мунозаралар ижтимоий воқеликда ҳам муайян из қолдиргани маълум. “Ойна”даги баҳсларда фаол иштирок этган муаллифлар: Ҳожи Муин, Маҳмудхўжа Бехбудий, Саидахмад Васлий каби маърифатпарварлар эди. Масалан, “Жавонбозлик сабаблари” (1914, 27-сон), “Бухорода жавонбозлик”, “Театр анвои ўйин ва лубийётлар” (1915, 7-сон), “Театр надур?” (1914, 29-сон) сингари мақолаларда долзарб муаммолар кўтарилиб чиққан.

“Ал-Ислоҳ”даги баҳсларда муаллифлар Мақсудхўжа муфти “Жавонбозлик тухмини миллати ислом оралариға сочадурғон шоирларимиз” (1916, 12-сон), Мулло Баҳриддиннинг “Ўратепали Мулла Баҳриддин тарафиндин саволлар” (1916, 11-сон), Абдурахмон Муфтизода “Жавонбозлик балоси” (1916, 21, 22-сонлар), Сидқий Хондайлиқий “Бақияи рафъи иштибоҳ мулла Завқий афанди” (1916, 20-сон) каби мақолалари билан фаол иштирок этдилар.

Тил ҳақидаги танқидий қарашлар, айниқса кескин тус олди. Бу мавзудаги мақолалар иккала журналда ҳам мунтазам чоп этилиб, бир-бирининг давоми бўлган. “Ал-Ислоҳ” ва “Ойна”даги “Мулоқот” рукни ҳар жиҳатдан муштарак эканини таъкидлаш

<sup>25</sup> Қаранг: Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи.-Т.:Академия, 2000.-Б. 130.

керак. “Ойна”даги “Мулоқот” рукни журнал билан муштарийлар ўртасидаги ёзишмалардан иборат.


“Ал-Ислох”да ҳам тахририятга журналхонлардан келган мақолаларнинг тили, журнал ҳажми, муаллифларнинг исмини тўлиқ ёзиш, саводхонлик ҳақидаги мақолаларга муносабатлар мунтазам босилган. Журналнинг “Янги асарлар” рукнида миллий уйғониш даври маърифатпарварларининг янги нашрдан чиққан асарлари ва бошқа тиллардан қилинган таржималар доимий равишда чоп этилган. Масалан, Ҳамзанинг “Янги саодат” асарига идора томонидан шундай тақриз берилган: “Янги саодат” исмли 46 саҳифали туркий ва Туркистон шеvasида бир миллий рўмоннинг янгидан таъб бўлуб нашр қилинуви бизни кўп масрур этди. Халқни ўқув ва ёзув тарафига тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шеvasинда бунингдек таъсирли рўмон нашр ўлинмамиш, десак муболаға бўлмаса керак. Бу рўмоннинг муҳаррири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жаноблари ва ношири Хўқандда “Мадоро” кутубхонасидур<sup>26</sup>”.

Ҳақиқатан ҳам, Ҳамзанинг ушбу асари миллий адабиётдаги янгилик ўлароқ қабул қилинган. Бу асар Ҳамза маърифатпарварлигини мужассамлаштиргани билан ажралиб туради. Асар тасвирининг оригиналлиги, образларининг ҳаётийлиги, илм-маърифатнинг қаҳрамон тақдирига жиддий таъсири жиҳатидан миллий уйғониш даври адабиётида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан ҳам бу асарга “Ал-Ислох”нинг бир неча сонларида қайта-қайта тақризлар босилган.

Журнал Туркистон халқини ўзбек адабиётига салмоқли хисса қўшган мутафаккир адиб Абдурауф Фитратнинг “Мухтасар тарихи ислом” асарини ўқишга даъват этади. Журналнинг 1915 йил 13-сонидан идора томонидан асар бундай таништирилади: “Мухтарам Абдурауф Фитрат асарлариндин, форсий лисонда “Тарихи ислом” исмли ажойиб рисоладур. Самарқандда мухтарам Ҳожи Муин афанди тарафлариндин таъб қилинуб нашрға қўйулуви ҳар кимга боис”.

“Ал-Ислох” тахририятида Аҳмадхўжа эшон адабий-ижтимоий мавзуидаги мақолалар чоп этиш баробарида

<sup>26</sup> Идора. //Ал-Ислох, 1915, 12, 14, 16-сонлар.



таржимонлик ишлари билан ҳам шуғулланган. Журналнинг 1916 йил 6-сонида Қоримирзо Аҳмад Тошкандий шундай ёзади: “Муҳтарам Аҳмад Ҳодий афандининг мартабатиндин татар тилида “Ибодати исломия” номли китобини кимдурки назардан кечурмишдур. Мана шу китоб бугун муҳтарам мударрис мулла Аҳмадхўжа тарафиндин Туркистон шеvasинда ғоят осон, ҳар бир ёш ва кекса ва ҳар бир дарсдон ва мактабхон ўқиғудек ва англағудек таржима қилинубдур”.

Таъкидлаш керакки, миллий уйғониш даври уламолари ёш авлодга “маъруф ҳадис китоблари ва ислом уламолари асарлари” асосида таълим беришга катта хизмат қилган. Журнал муҳаррири Абдурахмон Сайёҳ асарлари айти шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Сайёҳ асарлари қандай асарлар эди? “Тухфат ул аном тарихи байт ул-Ҳаром” асарида Маккаи мукарраманинг тарихи, географик иқлими, ислом маърифати ва маданияти ривожиди тутган ўрни масалалари қаламга олинган. Мусулмон оламининг XX аср бошидаги қоқоқлик гирдобига тушиши сабаблари очиб берилган. “Меъёр ул-ахлоқ” асари икки бўлимдан иборат бўлиб, одоб-ахлоққа бағишланган.

“Тарихи ислом” асарида ислом дини тарихи, пайғамбарлар ҳақида маълумот, ислом дини ҳақидаги ривоятлар баён қилинади.

Журналда ёзилишича, “Танвир ул-аҳдоқ фи макорим ил-ахлоқ” асари одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган бўлиб, Туркистон шеvasида, ўзбекча. Ушбу рисолада маърифат ва ахлоқ уйғунлиги ҳаётий мисоллар асосида очиб берилган. Одамларнинг маданият, тижорат ва бошқа ишларида зарур қўланма ҳисобланган.

“Тарихи изолат ул-ғайн ан-қиссат ил-Зулқарнайн” Искандар Зулқарнайннинг ҳаёти ҳақида, унинг Яъжуж-маъжужларга қарши кураши, улардан ҳимояланиши учун курдирган девори тарихига бағишланган асар.

Булардан ташқари, журналда Абдурахмон Сайёҳ Фахриддин Розийнинг “Тафсири кабир” асарини туркчага таржима қилиб,

нашр эттирган. Унда ўрганилиши муҳим бўлган олтмишта илми санаб ўтади<sup>27</sup>.

Журналнинг ҳар бир сонида биринчи ёки охириги саҳифаларда “Ислоҳ” кутубхонаси ҳақида маълумот берилган. Унда жаҳид адиблари ва шоирларининг асарлари, Қуръони карим, “маъруф ҳадис китоблар ва ислом уламолари асарлари” моҳияти ҳақидаги фикрларни ўқиш мумкин. Кутубхонада мактаб ва мадрасаларга зарур бўлган қоғоз-қаламгача бўлган. Кутубхона ўз даврида катта шуҳрат қозонган. Журнал муштарийларининг кутубхонадан мамнун эканлари изҳорига бағишланган мактублари шундан далолат беради<sup>28</sup>.

Журнал фаолияти мустамлака маъмурияти хизматининг мунтазам назоратида бўлган<sup>29</sup>. Бунинг натижасида журнал ва унинг таҳрир ҳайъати қораланган. Бинобарин, “Ал-Ислоҳ” журналига шўро мафкураси нуқтаи назаридан баҳо берилиши илмий холисликка мувофиқ эмас. Ҳукмрон мафкура таъсирида ҳатто Абдулла Авлоний ва Чўлпон ҳам журнал ҳақида ҳақиқатга зид фикрларни айтишга мажбур бўлган эди: “Бу журнал эски ҳукумат айғоқчиси ҳамда Туркистонда бобий мазҳабининг бонийси бўлган Абдурахмон Сайёҳ томонидан чиқарилиб, бир қанча давом этиб тўхтади<sup>30</sup>...”

Профессор Ғулом Каримовнинг бу журналга берган баҳосини замон тақозоси сифатида тушуниш керак: “Ал-Ислоҳ” журнали чоризм ҳимоясига суяниб ўзларининг “Шўрои ислом” номли инқилобга қарши ташкилотларини тузиб олган ашаддий реакционер руҳонийлар органи эди<sup>31</sup>.

Адабиётшунос олимлар Воҳид Абдуллаев ва Ботирхон Валихўжаев қарашлари ҳам ҳукмрон мафкура талабини акс эттирган эди: “Буржуа идеалоглари-жаҳидлар прогрессив

---

<sup>27</sup> //Ал -Ислоҳ, 1915, 17-сон.

<sup>28</sup> Қаранг: //Ал -Ислоҳ журналининг ҳамма сонларида бундай мактублар билан таништириб борилган.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 461-фонд, 1-рўйхат, 1784-иш, 5-варақ.

<sup>30</sup> Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш ва филология масалалари. (Нашрга тайёрловчи Шухрат Ризаев.) Т.: Университет, 1993; Чўлпон. Туркистонда матбуот. //Жамият ва бошқарув., 1998.-№2.-Б.16.

<sup>31</sup> Каримов Ғ. Муқимий. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.-Б. 18.



демократик тенденциядаги адабиёт ва унинг вакиллари Ҳамзага қарши чиқдилар.... Бу ҳол “Ал-Ислоҳ” журнали саҳифаларида кўринди...”<sup>32</sup>

Аслида-чи? Аслида ҳам бу журнал “қора гуруҳ” фаолиятининг маҳсули эдими? Масалага холис ёндашув бошқача хулоса чиқариш имконини беради. “Ал-Ислоҳ”ни янгича кўз қараш асосида ўрганиш натижалари Авлоний ва Чўлпон фикрларининг ҳукмрон мафкура талабини ифода этганини кўрсатади. Бинобарин, журнал муҳаррири Абдурахмон Сайёҳ ва барча муаллифлар бобий мазҳабининг Туркистонга кириб келишига қарши чиқиб, журналнинг бир неча сонларида танқидий мақолалар чоп эттирганлар. Жумладан, “Туркистонда бобийлар”, “Умум уламоларнинг таважжуҳларина жалб этадурғон хабарлар” шундай мақолалардан эди. Фикримиз далили учун куйидаги жумлани келтирамиз: “Бобий мазҳаби Туркистонга кируб келувидин чоралар изланмаса ғариб, авомларимизнинг тезлик ила бобий мазҳабина кируб кетувлари шубҳасиздир... бунлар дин бузғувчилар эмишлар<sup>33</sup>...” дея куйиниб ёзади тахририят аъзолари.

Ўша давр зиёлилари орасида ҳам “Ал-Ислоҳ”га холис муносабат билдирганлари бўлган. Жумладан, Зиё Саид “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар” номли асарида “Ал-Ислоҳ” ҳақида ижобий фикр билдириб, шундай ёзади: “Ал-Ислоҳ” журнали ислом динини хурофотдан тозалашга уриниб, Қуръон ва ҳадислардан асосий далиллар келтиради. Журнал жадидларнинг ҳам қадимларнинг ҳам мақолаларини бирдай босди”<sup>34</sup>... Кўриниб турибдики, Зиё Саиднинг муносабати ҳам бизнинг фикримизни қувватлайди.

В.Абдуллаев ва Б.Валихўжаев мулоҳазаларига келсак, шуни таъкидлаш керакки, “буржуа идеологлари нашри” дея танқид қилинган “Ал-Ислоҳ” журнали “прогрессив демократик тенденциядаги адабиёт вакили” Ҳамза асарларига кенг ўрин

<sup>32</sup> Абдуллаев В., Валихўжаев Б. “Улуғ октябр социалистик революциясининг арафаси ва граждандар уруши даврида ўзбек поэзияси”, Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат университетининг асарлари, янги серия. –Самарқанд.: ЎзДУ, 1958.-Б. 10.

<sup>33</sup> Идора. //Ал-Ислоҳ, 1915, 16-сон.

<sup>34</sup> Зиё Саид. Танланган асарлар (Тўпловчи Шерали Турдиев). Т.:Ўзбекистон, 1974.-Б. 47.

берган. Унинг бир қанча асарлари журнал саҳифаларида эълон қилинган. “Янги саодат” миллий романига юксак маҳорат билан ёзилган дея, қайта-қайта тақризлар берилган.

Шўро тарихшунослигида ҳам дастлабки маълумотлар А.К.Боровков ва З.Ражабов, рисолаларида келтирилган бўлиб, муаллифлар ўз тадқиқотларида “Ал-Ислоҳ”ни ҳукмрон шўро мафкураси талаблари асосида атеистик нуқтаи назардан баҳолаганлар, ҳамда уни диний - хурофий журнал сифатида талқин қилганлар<sup>35</sup>.

“Ал-Ислоҳ” биринчи бўлиб, профессор Мухтор Худойкулов томонидан бошқа тадқиқотларга қараганда муфассал ўрганилган. “Ал-Ислоҳ” журнали ижтимоий ҳаётдаги қатор соҳаларда ислоҳот ўтказиш тарафдори бўлиб чиққан”ини алоҳида таъкидлаган олим “журнал фақатгина диний мажалла бўлиб қолмасдан, балки ўз саҳифаларида замоннинг ижтимоий, сиёсий, маданий-манавий ҳаётини ҳам турли кўриниш ва жанрларда ёритиб борган”<sup>36</sup>- деган муҳим назарий хулосага келади.

Назира Абдуазизова тўғри таъкидлаганидек: “Ал-Ислоҳ” журнали жадиличлик ҳаракатининг илғор фикрли уламоларга яқин ўнг қаноти вакиллари томонидан чоп этилди. Журналда, асосан, жадиждар дунёқарашига оид материаллар бериб борилди. Унда Абдурахмон Сайёҳ, Ҳамза, Садриддинхон, Муфтизодалар иштирок этишди...<sup>37</sup>”

Юқорида айтилганидек, “Ал-Ислоҳ”нинг ижобий баҳоланишига чор маъмуриятининг, кейинчалик шўролар тузумининг ҳаддан ташқари тазйиқи асло йўл бермаган. Динимиз, удумларимизни топташ бўлган ҳаракат бунинг далилидир. Бугунги кунга келиб, мустақиллик шарофати билан миллий матбуот тарихини холис илмий баҳолаш, бу мавзуда кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб бориш имкони яратилди. К.Воҳидованинг “Ал-Ислоҳ” журналининг Туркистон ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги “Туркистон маданияти

---

<sup>35</sup> Бу ҳақда қаранг: Боровков А.К. Ўзбекский литературный язык в 1905-1917г Т.: 1940; Ражабов З. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа. Сталинабад, 1951г, стр 409;

<sup>36</sup> Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. – Т.: Университет, 2001. – Б. 20.

<sup>37</sup> Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. Т.: Академия, 2000.-Б. 95.

тарихи ҳақида<sup>38</sup>” номли мақоласи худди шундай имконият самарасидир.

Жадидлар фаолияти тадқиқи билан мунтазам шуғулланиб, бу ҳақда мунтазам равишда мақолалар чоп эттираётган Сирожиддин Аҳмедовнинг Мунаввар Қори Абдурашидхонов “Танланган асарлари”га ёзилган сўзбошида ва “Гулистон” журнали 2000 йил 4-сонидаги “Йўқолган одам” сарлавҳали мақоласида Абдурахмон Сайёҳ ҳамда у муҳаррирлик қилган “Ал-Ислоҳ” журнали тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Олим журнални ташкил қилишда Мунаввар Қорининг ҳам катта хизмати борлиги ҳақида тўхталиб, бундай ёзади: “Бир қарашда фақат шаръий саволларга жавоб беришга мўлжаллангандек туюладиган бу диний журнал ҳадис ва оятлар воситасида истиқлол ғояларини тарғиб этган. Охранканинг Мамедов, Мустафин, Киясбеков, Илькин каби таржимонлари, Остроумов сингари маслаҳатчилари “Ал-Ислоҳ”нинг ҳар бир мақоласини синчиклаб ўқиб, Охранка бошлиғи Волковга таъкиднома ва баённомалар ёзиб турганлар. Охранка тегишли жумла, ҳадису оятлар остига қизил қалам билан чизиқ тортган, “Ҳой, сарт, нима қиялпсан?!” деб айюҳаннос солган. Масалан, журналнинг 1915 йил 4-сонида босилган “Бонklar хусусида саволга жавоб” номли мақола сабаб ана шундай тўполон кўтарилган. Себзор даҳасининг қозиси, шоир Ғафур Ғуломнинг устози Мулла Саид Аҳроп махзум Абдуллаевнинг мазкур мақоласи Туркистон генерал-губернаторлиги, охранка ходимлари ва айниқса, “Россия – Осиё банки” хўжайинларининг ўтакасини ёрган. Чунки мақолада банкка кўйилган омонатдан тушадиган даромад судхўрлик сифатида баҳоланиб, судхўрлик ҳаром бўлгани каби, фоизи ҳам ҳаромдур, деган хулоса чиқарилган эди..<sup>39</sup>”

Мана шундай сабабларга кўра чор маъмурияти журнални дарҳол тўхтатмоқчи бўлган, аммо Мунавварқорининг усталик билан ёзган жавобидан сўнг журнал жазодан омон қолган.

<sup>38</sup> Қаранг : Воҳидова К. Туркистон маданияти тарихи ҳақида. // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2000.-№ 2-Б.50.

<sup>39</sup> Аҳмедов С. Йўлбошчи . // Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2003.-Б.32.

Мана, ўша сатрлар: “Туркистон генерал-губернаторининг фармойишлари бирлан цензура низомининг ўн биринчи ва 116-бобиға мувофиқ ушбу тубанда ёзилмиш баённомани “Ислоҳ” воситаси ила умумфуқароларга эшитдурмак учун фармойиш қилиб айтадурларки: чунончи; “Ал-Ислоҳ” журналининг 4-нўмирида бонка хусусидағи саволға жавоб ёзилгон экан, ул саволларда мусулмонларнинг бонка ишиға оралашмоғлари хилофи шаръий деб ёзилубдур. Бу тариқа мусулмонларнинг ижараға пул қўйиб пул олмоғлари нодуруст деганлари тўғри бўлмай, бонка бирлан муомала қилиб турган кўп мусулмонларни шубҳаға тушурса керак. Аммо мусулмонобод шариат жорий бўлиб турган мамлакатларда ҳам мусулмон бонка хазиналари бордур ва ҳаттоки, вақфға махсус бонка ҳам бўлиб, ул бонкалар бирлан халифа ўзи ва шайх - ул ислом бошлиқ улуғ руҳонийлари муомала қилиб турубдурлар”.<sup>40</sup>

Мазкур жавоб журналда цензура номидан босилган. Аммо Мунавварқори ва Абдурахмон Сайёхнинг “фаросатинг етса, уқиб ол” қабилидаги кесатиғини на охранка, на унинг таржимонлари тушунган. Бундай ҳоллар табиийки, чор маъмурияти ходимларига, айниқса Волковға хуш келмас эди. Шу боис у Мунавварқорини сургун қилиш пайига тушади. “Ал-Ислоҳ”да босилган мақола унга яхши баҳона бўлган эди. Чор маъмурияти ходимлари ҳарчанд уринмасин, саволларига кўнгилдагидек жавоб ололмайди. Мунавварқори “Ал-Ислоҳ”да баён қилинган фикрларға қўшилмаслигини айтар экан, Қуръони каримда “судхўрлик қилманглар” деган оят бор, деб зимдан барибир мақолада айтилган фикрни маъқуллайди.

“Волков ҳам, Нарискин ҳам жавобдан қоникмагач, Мунавварқоридан куйидагича тилхат ёздириб олишади: “Ал-Ислоҳ” журналини нашр этишда иштирок этиб, унинг саҳифаларида Россия империясининг манфаатларига зид, хусусан, “Бонklar хусусидағи саволға жавоб”ға ўхшаш мақоаларни жойлаштираман, мен Туркистон ўлкасидан сургун қилинадурман. Мунавварқори Абдурашидхон ўғли<sup>41</sup>”.

<sup>40</sup> Имзосиз. //Ал-Ислоҳ, 1916, 12-сон.

<sup>41</sup> Ахмедов С. Йўлбошчи. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар.-Т.: Маънавият, 2003.-Б. 34.

Бундай фидойи маърифатпарварларнинг савобли ишларини қанчалик гапирмайлик оз, албатта. Мунавварқори Туркистон халқи учун фидокорона ишлар олиб борди. У нафақат дунёвий илмлар, балки диний илмлар бобида ҳам эътироф этилган олим эди. “Ал-Ислоҳ”да биронта мақоласи босилган бўлмаса-да, у журнал фаолиятини зимдан кузатиб, ҳимоя қилиб борди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, журналнинг бош ташкилотчиси Мунавварқори бўлган. Унинг Ислом динига бўлган эътиқоди баланд, Ватан ва миллатга муҳаббати чексиз эди. 1914 йил март ойида “Туркестанский курьер” газетасида Қуръони каримни таҳқирловчи бир шеър босилганда, Мунавварқори ҳуқуқшунос дўстлари билан келишиб, газета муҳарририни судга бергани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Бироқ Тошкент округ суди прокурор талабномаси билан танишиб чиқиб, уни оқибатсиз қолдиради<sup>42</sup>.

Умуман, “Ал-Ислоҳ” журналида жадидлар ҳам, қадимчилар ҳам беистисно ўз мақолалари билан иштирок этган. Бу икки йўналишни бирлаштирувчи куч эса маслакдаги бирлик, яъни Туркистоннинг мустақиллик ғояси бўлган. Ўша давр Туркистони турмуш тарзига оид кўплаб масалаларга ойдинлик киритиш мақсади турли мунозараларни келтириб чиқарган. Ҳар икки тараф фикрларининг мунтазам нашр этиб борилгани журналнинг бир қадар демократик йўналишда фаолият олиб борганини кўрсатади. “Ал-Ислоҳ” ҳақиқатан ҳам XX аср биринчи чораги Туркистон ижтимоий ҳаёти тарихини ҳар томонлама ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>42</sup> Кўрсатилган китоб. -Б. 36.

## “АЛ-ИСЛОҲ”ДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ МАВЗУ КЎЛАМИ

“Ал-Ислоҳ”да мунозарали, баҳсли мақолаларга кенг ўрин берилган. Савол-жавоб рукнидаги танқидий мақолалар бунинг исботидир. Худди шундай ҳолни “Садои Туркистон” газетасида ҳам кузатиш мумкин. Гарчи бири журнал, иккинчиси газета бўлса ҳам, “Ал-Ислоҳ” ва “Садои Туркистон” нашрларининг қиёсий таҳлили муҳим умумлашмалар чиқариш имконини беради. “Садои Туркистон” ҳам замон ва жамият олдига жуда кўп саволлар қўйди. Гарчи уларга кўп ҳолларда жавоблар топилмаса-да, лекин муҳими, шу саволлар атрофида баҳс ва мунозараларни қизитди. Натижада, миллат учун чин маънода хусну қабиҳини кўрсатадиган ойна мақомига кўтарилди<sup>43</sup>.

“Садои Туркистон”нинг илк сонларидан бирида Чўлпоннинг “Туркистонли қардошларимизга” деган шеъри босилган бўлиб, унда ўлка халқининг аҳволи шундай тасвирланади:

*Илму маориф ҳам ҳунардан қолди маҳрум бизни халқ,  
Маърифатсизлик балосига йўлиқгон бизни халқ,  
Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар “даҳрий” деб,  
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ<sup>44</sup>.*

Маърифатсизлик танқидига оид бу каби мисралар “Ал-Ислоҳ”даги шеърларга ҳар жихатдан ҳамоҳангдир. Жумладан, журналнинг 1916 йил 6-сонида чоп этилган Саййидхон эшоннинг<sup>45</sup> мухаммасида мана бундай мисраларни ўқиш мумкин:

*Хоби зафлатда ётурсен маст ўлиб, тугён уруб,  
Ҳеч бир аҳли маърифат бедор этолмас дод уруб,  
Олами шаръ аҳли сувар<sup>46</sup> шаръ бирлан сур уруб,  
Кетдилар бедор этолмас ҳасрато ҳам оҳ уруб,  
Эй замона зиллатинг жам ўлди кам ўлгонича йўқ.*

Маълум бўляптики, “Ал-Ислоҳ” ва “Садои Туркистон”даги танқидий қарашлар ўзаро уйғун бўлиб, халқнинг маърифатсизлигини ислоҳ қилишга қаратилган.

<sup>43</sup> Қаранг: Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. – Т.: Академия, 2000.-Б. 130.

<sup>44</sup> Шу жойда.

<sup>45</sup> Саййидхон эшон баъзи шеърларига Мубашширхон таҳаллусини қўллаган.

<sup>46</sup> Аҳли сувар-сурат аҳли, мутаассиблар.



“Ал-Ислох” журнали фаолиятини махсус ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдик: журнал жадидчиликнинг гоёвий асосларига, миллий уйғониш жараёнининг долзарб масалаларига алоҳида эътибор берди.

Журналнинг тўрт йил давомида чиққан 77 та сониди 606 та материал босилган. Материаллар тасниф этилганда, мақолалар, шеърый ва насрий асарлар - 538та, хатлар-23та, хабарлар-37та, фотосуратлар-8та экани маълум бўлди. Материалларнинг мавзулар бўйича таснифи куйидагича:

№		ўзбекча	форсча	жами
1.	Адабиёт материаллари	78	23	101
2.	Тарих	36	2	38
3.	Таълим-тарбия	56	7	63
4.	Сиёсий	36	-	36
5.	Матбуот хулосаси	31	2	33
6.	Диний-тарихий	46	15	61
7.	Диний-маърифий	63	20	83
8.	Хабарлар ва эълонлар	100	23	123

Кўриниб турибдики, журналдаги материаллар асосан икки – ўзбек ва форс-тожик тилларида босилган. Лекин журналдаги аксарият материаллар ўзбек тилидадир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, “Ал-Ислох”да татар матбуоти материалларидан унумли фойдаланилган. Масалан, “Шўро”<sup>47</sup> журналидан-10 та, “Дин ва маишат”<sup>48</sup> журналидан-8 та, “Вақт”<sup>49</sup> газетасидан-9 та мақола кўчириб босилган.

Адабиётшуносликка оид мақолаларда Туркистон матбуотининг миллий уйғониш билан боғлиқ долзарб масалалари акс этган. Шунингдек, журналда ўлка адабий ҳаёти

<sup>47</sup> Бу журнал 1908 йилдан 1918 йилгача Оренбургда ҳар ойда икки марта чиққан. Унга машҳур маърифатпарвар ва дин олими Ризоуддин Фахриддин муҳаррирлик қилган. Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Т.: Маънавият, 2002.-Б. 54.

<sup>48</sup> Журнал 1906 йилдан бошлаб Оренбургда татар уламолари томонидан чиққан. Қаранг: Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. - Т.: 2000.-Б. 50.

<sup>49</sup> Бу газета Оренбургда таникли адиб Фотих Каримий муҳаррирлигида 1906 йил февралдан 1918 йилнинг 26 январигача чиқиб турди. (Кўрсатилган Қосимов Б. китоби.).

ҳақида қайдлар, янги китоблар хабари, муайян асар ёхуд ижодкор ҳақида адабий-танқидий мулоҳазалар, турли жанрларга оид назмий ва насрий асарлар чоп этилган. Саидахмад Васлий “Ислоҳи тадрис ҳақинда” (1915, 17-сон), Камийнинг “Сахийларким” (1915, 13-сон), Мубашширхондан мухаммас” (1916, 6-сон), Ҳамзанинг “Таассуф” (1915, 20-сон), Маҳмуд Ализода Тошкандийнинг “Миллий алоқа” (1916, 3-сон), идора номидан “Адабий шижоат” (1917, 4-сон), Мулла Ҳошим Ҳайратийнинг “Танбех” (1917, 5-сон), Бахриддин Азмийнинг “Туркистон шоирларина хитоб” (1917, 5-сон), Иброҳим Тоҳирийнинг “Очиқ ҳақиқат” (1917, 1-сон), Абдурахмон Муфтизоданинг “Жавонбозлик балоси” (1916, 20-сон) асарлари шулар жумласидандир.

Тарихга оид мақолаларда юртимиз ўтмиши, буюк аجدодларимиз ҳаёти, осори атиқаларимиз, машҳур одамлар ҳаёти ва фаолияти акс этган. Масалан, Холмуҳаммад Тўракулининг “Тарихи Бухорои шариф”, (1915, 5-сон), имзосиз “Туркистонликларни Туркистон тарихи ила табрик этурмиз” (1915, 17-сон), идора номидан “Тарихимизга бир назар” (1916, 9-сон), Мулла Олим Тошкандийнинг “Бобийларнинг тарихи” (1915, 18-сон) сингари мақолалари бунинг далилидир.

Таълим-тарбияга доир чиқишларда мактаб-мадрасаларнинг аҳволи, уларнинг замон талабига жавоб бермай қолгани, ўқув дастури, молиявий аҳволи, ўқитиш савияси, тил-имло бирлиги билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилган. Ушбу масала юзасидан қуйидаги муаллифларнинг мақолалари чоп этилган: Васлий “Ҳар мусулмоннинг араб тилига ошно бўлиши” (1916, 5-сон), Холмуҳаммад Тўракули “Таълим ва тарбия” (1916, 8-сон), Зиёвуддин маҳдум “Инсоннинг бир неча вазифаси ва саодати” (1915, 17-сон), идора “Ислоҳи талаба” (1915, 11-сон), Аҳмадхўжа Эшон “Усули таракқий” (1915, 11-сон), Зухриддин Фатҳиддинзода “Уйғонмак” (1915, 11-сон), Мулла Абдулғаффор “Ўқув ва ёзувларнинг ҳақиқий боислари” (1915, 8-сон), идора “Ҳар кимга кераклик” (1915, 10-сон) ва ҳоказо.

Сиёсий мақолаларда эса, Туркистоннинг сиёсий аҳволи, давлат қурилиши, идора усули билан таништириб борилган. “Жаноб подшоҳга ҳамдардлик” (1916, 8-сон), “Ишчилар

диққатина” (1918, 4-сон), “Ишчи талаб қилмок” (мардикорлик воқеалари ақс эттирилган) (1916, 14-сон), “Хуррият ҳақида” (1917, 16-сон) мақолалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, “Ал-Ислоҳ”да Туркистонда чиқиб турган газета ва журналларнинг, ижтимоий муҳитда тутган ўрни, улар фаолиятининг тўхтатилиш сабаблари, фаол муаллифлари, уларда ёритилаётган мақолалар ҳақидаги фикрлар ҳам чоп этилиб турган. “Ойна” журнали, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газеталари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, “Шўро”, “Маълумот”, “Дин ва маишат” журналлари, “Вақт” газетаси каби нашрлар билан таништириб борилган.

Дин тарихига оид мақолаларда Ислом дини тарихи ва унинг асосчиси Муҳаммад пайғамбар оила аъзолари ҳақида, саҳобалар ва тобеъинлар, уларнинг ислом динига қўшган ҳиссалари хусусида ҳикоя қилинади. Шунингдек, фикҳий масалаларга алоҳида эътибор берилади. Жумладан, Олимхон Тўра исмлик муаллиф ўзининг “Урватул вусқо” (1916, 6-сон) номли мақоласида гумон қилишнинг гуноҳ эканлиги ҳақида фикр юритади. Бу ҳақда мақолада қуйидагича ёзилган: “Масалан, фасод ва бузуқлиги очиқ билинган кишига яхши сувратда, ҳусни зан қилиб, они хийла ва фасодларига ўзни гирифтор этмак дуруст эмас”. Ёки: “бир-бирингизнинг ботиний – важҳий ҳолларингиздан жосуслик этмангизлар ва бир-бирларингиз орқаларингиздан айбжўлик этмангизлар”,– деб таъкидлайди. Мақола сўнгида ҳадисларга асосланиб, бир-бирларингизнинг қонингизни тўкманг, бир-бирингизнинг молингизга хиёнат қилманг, бир-бирингизни обрўсизлантирманг, деб насиҳат қилинади.

Шунингдек, журналда мусулмон ахлоқига оид мақолалар кўп учрайди. Масалан, “Ислоҳи қавм” (1915, 1-сон) номли мақолада муаллиф ахлоқ ҳақида фикр юритиб, қавмнинг дурустлиги қавм ахлоқининг дурустлиги билан белгиланиши, балойи нафсининг йўқолиб боришида ахлоқнинг икки марта кучли бўлишига эришиш кераклиги, кимки ўз қавми ахлоқига эътиборсиз бўлса, ўшал қавм таназзулга юз тутиши таъкидланиб, бунга мисоллар келтирилади. Бунинг олдини олиш учун биринчи навбатда замон билан ҳамнафас бўлиш

кераклиги уктирилади ҳамда фақиҳ олимлар фикрларидан иқтибос келтиради. “Биздурмизки, на ўзимиздан хабар олурмиз ва на замонага қулоқ солурмиз” – дейиши билан миллатни огоҳликка, замон билан ҳамнафас бўлишга даъват этади.

“Хабарлар ва эълонлар” рукнида Туркистон билан боғлиқ 123 та савол ва уларга жавоблар берилган. Ушбу савол-жавоблар уламолар ўртасидаги низолар, бўлинишлар ва четдан кириб келаётган ҳар турли нотўғри ақида, хурофот ва бидъатлар юзасидан бўлиб, уларни ислоҳ этишга катта аҳамият қаратилган. Унда, асосан, иймон, эътиқод, шариат қонун – қоидаларига оид мусулмончилик амаллари бўйича кенг фикр юритилган. Идора номидан берилган “Иймон надур?” (1915, 4-сон), “Ислом надур?” (1915, 4-сон), Фазлулваҳҳоб қорининг “Зарурий саволлар” (1915, 6-сон), Сидқий Хондайлиқийнинг “Йиртилган Қуръонни нима қилмоқ керак?” (1916, 14-сон), Мулла Олимхоннинг “Мулла Ҳошим саволига жавоб” (1916, 8-сон) мақолалари шулар жумласидандир.

Ушбу мақолалар ўша давр олимларининг мусулмон Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётига бўлган муносабатларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги мақолалардан ташқари “Ал-Ислоҳ” журнали таҳририятига муштарийлардан 23 та хат келган. Хатлар журнал саҳифаларида чоп этилиб борган. Журналнинг моддий имконияти танглиги боис айрим муаллифлар хатларга қўшиб пул ҳам юборганлар. Мана, ўша хатлардан бири: “Ал-Ислоҳ”нинг давоми учун ҳамда муҳаббатномамизнинг намунаси ўлароқ ушбу мактуб баробари эллик сўм юборяпман”. Холмуҳаммад Тўрақули (1915, 5-сон).

Саккизта фотосуратда мактаб ва мадрасалар тасвири берилган. “Хабарлар” бўлимида янги чиққан асарлар таништирилиб, Туркистонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот, обуналик қарзларингизни вақтида тўлашни унутманг, каби огоҳлантиришлар эълон қилиб борилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Ал-Ислоҳ” журнали миллий уйғониш жарчиси сифатида майдонга чиқиб, оғир моддий ва маънавий қийинчиликларга қарамай, миллат ҳаётини ислоҳ этишга, унинг маърифатини юксалтиришга муносиб ҳисса

қўшди. Журнал мақолалари мавзулар бўйича шартли равишда таснифланди. Чунки мақолаларнинг аксарияти у ёки бу мавзунинг ўзигагина тегишли бўлмай, балки муштарак масалаларни қамраб олган. Шу сабабли ҳам мақолалар таснифида асосий тамойил сифатида мақолада етакчилик қилаётган мавзу олинди.

## “АЛ-ИСЛОҲ” ЖУРНАЛИДА АДАБИЁТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Жадидчилик давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ қилиш ва миллатга ўзлигини англатиш орқали, умуман, жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган, шунга доир ғояларни мужассамлаштирган ҳаракат эканлиги маълум.

Кун тартибига қўйилган асосий муаммоларни ҳал этишда жадидлар матбуотни асосий восита деб билдилар. Улар матбуот воситасида миллат раўнақига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш, мутараққий миллатлар даражасига етиш мумкинлигига каттиқ ишондилар. Шу боис матбуот фаоллаша борди. Янги адабиёт, санъат ва шу каби соҳалар ривожига матбуот асосий омил бўлиб хизмат қилиши ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Аслида ҳам, маърифатпарвар жадидларнинг мақсади тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларга, миллатни таназзул гирдобига тортаётган иллатларга қарши курашишда матбуотдан фойдаланиш эди. Бу даврдаги бошқа нашрлар сингари “Ал-Ислоҳ” журналида ҳам Туркистоннинг мустамлака ҳолатига тушиш сабаблари, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи ҳақида мақолалар эълон қилинди. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари даражасига кўтарилиш зарурати кун тартибига қўйилди. Жаҳон тараққиёти тажрибасидан фойдаланиб, тезликда бу инкирозли ҳолатдан чиқиш йўлларини излаб топиш эҳтиёжи публицистиканинг бош мавзуга айланди.

Янги адабиёт юзага келди. Профессор Б.Қосимов бу давр адабиёти матбуот билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланганини таъкидлайди. Тошкентда ўтган асрнинг 10-йилларида “Садои Туркистон” (1914, муҳаррири Убайдулла Хўжаев), Фарғонада “Садои Фарғона” (1914, муҳаррири Обиджон Маҳмудов), “Тирик сўз” (1915, муҳаррири Обиджон Маҳмудов), Бухорода “Турон” (1913) каби газеталар қатори Тошкентда “Ал-Ислоҳ” журнали (1915-1918) чиқиб турганини, “адабий кучлар кўпроқ ана шу газета-журналлар атрофида уюшган”ини қайд этади<sup>50</sup>.

<sup>50</sup> Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Жабборов Н., ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти дарслиги. – Т.: Маънавият, 2004.-Б. 210.



Абдулла Авлоний тил ва адабиётни “Миллат ойнаси” деб атайди. Мирмуҳсин Шермуҳамедов “Қани замонага муносиб миллий шеърлар майдонга чиқсун” деган фикрни ўртага ташлайди, анъанавий шеърятдаги ишқ мавзуи ижтимоий воқелик талқини билан ўрин алмашади. Сиддиқий-Ажзий маърифатга муҳаббат эълон қилади. Маъшуқанинг анъанавий сифатларини маърифатга кўчиради.

Маълумки, адабий муҳит, жараён XX аср бошларида миллий матбуотда, газета ва журналлар, китоб ва рисолаларда акс этди. Ўша давр ўзбек миллий матбуотининг нуфузли нашрларидан бўлган “Ал-Ислох” журналининг адабий манба сифатидаги хизмати катта эканини таъкидлаш керак.

XX аср бошидан то 20-йилларнинг ўрталаригача бўлган давр ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётида ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бу даврда илм-маърифатни, мактаб-мадрасаларни жўшқин тарғиб қилиш, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзгариш яшаш учун курашиш ўлароқ кун тартибига чиқди. Табиийки, жамиятнинг кенг қатламларида содир бўлаётган бу уйғониш ҳаракатининг бошида маърифатпарвар жадидлар турдилар. Улар янгича тафаккур, янги дунёқараш шаклланиши учун ўз ижодий ва амалий фаолиятлари билан курашдилар. Адабиёт ана шу курашда асосий омил бўлиб хизмат қилди. Профессор Б.Қосимов таъбири билан айтганда: “Бу адабиёт моҳиятан янги адабиёт эди. Чунки у қарашларни янгилади, ўзликни қайтарди”<sup>51</sup>. “Ал-Ислох”да нашр этилган адабиёт материаллари бу фикрни тасдиқлайди.

Журналнинг 1915-1918 йилги сонларида 101 та адабиёт материаллари босилган. Буларнинг аксарияти назмий асарлардир. Шу йиллари нашр этилган 101 асардан 74 таси шеърӣй, қолган 27 таси эса насрий асарлар экани бунинг далилидир.

“Ал-Ислох”да чоп этилган соф адабий асарлар таснифига ўтишдан аввал, таъкидлаш керакки, бу адабиёт намуналарининг барчаси ҳам юксак бадиият талабларига жавоб бера олмайди. Бинобарин, жадид адабиёти ҳақида ёзар экан, профессор

<sup>51</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002.- Б. 124.

Б.Қосимов бу хусусиятни алоҳида қайд этган эди: “Бу адабиётнинг илк намуналари бадииятига кўра у қадар юксак эмас, ғоялар яйдоқ берилади. Ялонғоч даъват ва чақириқлар, шиорбозлик кўзга ташланади. Жаҳид адабиёти 10-йилларнинг охири, 20-йиллар бошидагина тўлақонли адабиётга айланди”<sup>52</sup>.

Шу маънода, “Ал-Ислоҳ” журналидаги адабиёт материалларини бадий савиясига кўра икки гуруҳга тасниф этиш мумкин. Биринчиси, ғояга бирламчи аҳамият берилган асарлар, иккинчиси, юксак бадиият намуналари.

Таъкидланганидек, журналда нашр этилган адабиёт материаллари орасида салмоқ жиҳатдан шеърий асарлар етакчи ўринда туради. Журналдаги шеърий асарларни мавзуга кўра қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- а) маърифий шеърлар;
- б) диний шеърлар;
- в) ижтимоий-сиёсий шеърлар;

Биринчи гуруҳга оид шеърлар: “Кўрмадим”, “Иттифок хусусинда”, “Ислоҳи тадрис ҳақида”, “Миллий алоқа”, “Мубашширхондан мухаммас”, “Ислоҳ ҳақида”, “Баҳор”, “Туркистон шоирларина хитоб”, “Камийдин Тошхўжа Асирийга марсия”, “Таассуф”, “Танбех”, “Ташвикот”, “Азмийдан ташаккур”, “Мана шеърий жавоб”, “Очиқ ҳақиқат”, “Таълим даркор”, “Сахийларким”, “Заруратдин”, “Таълими ислоҳ”, “Муносиб замон”, “Ҳайратийдин мухаммас”, “Васлийдин Тошхўжа Асирийга марсия”, “Жавҳарийдин Асирийга марсия”, “Мирза Аҳмаддин шеър”, “Ибратдин “Ислоҳ”га изҳори ташаккур”, “Бахтсиз миллат” ва шу қабилар.

Бу сингари шеърларнинг деярли барчаси маърифатга тарғиб этувчи асарлардир. Маърифат миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг бош мавзуси экани аён. Бу ўша замон билан унинг миллат олдига қўйган муаммолари инъкосидир. Бинобарин, маърифатга тарғиб этиш ўша давр шеъриятининг етакчи хусусияти эди.

Иккинчи гуруҳга доир шеърлар: “Мавлуди шариф”, “Муножот”, “Ҳижоб хусусинда”, “Тасаттури нисвон”, “Тажвиди

---

<sup>52</sup> Шу китоб. -Б. 128.

Қуръон”, “Мавлуди шариф ҳақинда”, “Диний мухаммас”, “Очиқлик”, “Ҳоибдин ҳижоб тўғрисида”, “Уламодин эмас, шоирдин Тўлаган Хўжамёровга шеърӣй жавоб” ва ҳоказо.

Учинчи гуруҳга оид шеърлар: “Хуррият ҳақинда”, “Хуррият”, “Муҳтарам Шўро идорасига”, “Замона аҳволи”, “Хуррият замонаси”, “Туркистон идораларига”, “Ишчи талаб қилмоқ” ва ҳоказо.

Маъкур шеърӣй асарларнинг нашр санаси, жанри ва муаллифи ҳақидаги маълумотлар қуйидагича ифодаланди:

1915-1916 йилги

Муаллиф	1915 йил сонлари	1916 йил сонлари	Саҳифа	Жанр	Ўзбек ча	Форс- тожик	Мисра сони
Саидахмад Васлий	1,6,17,2 2,18	10	29,191, 514,546, 668,330	2 ғазал 2 мусалдас 1 марсия 1 таърих	4	2	227
Каримбек Камий	1,13, 16	11	30,380, 506, 363	2 ғазал 1 марсия 1 таърих	3	1	58
Сидқий Хондайлиқий	1	14,20	430, 555, 31	3 ғазал	1	2	110
Зафархон Жавҳарий	-	15,11 17,19	361, 362, 498,524	1 ғазал 2 марсия 1 қасида	1	4	140
Ҳамза	20	-	619	1 мухаммас	1	-	50
Шамсиддин Ҳоиб	24	2	733, 334	1 ғазал 1 мухаммас	2	-	85
Бахриддин Азмий	-	20	544	1 ғазал	-	1	28
Исҳоқхон Ибрат	4	-	128	1 ғазал	1	-	20
Тавалло Хўжамёров	-	6	179	1 ғазал	1	-	18
Мирзо Аҳмаджон	19	13,15, 18	428,476, 524,578	3 ғазал 1 мусалдас	2	2	72
Абдурахмон Муфтизода	22	-	696	1 ғазал	-	1	16
Абдуқодир Муҳаммад Ҳасан Мутриб	-	13,12,1 4	369, 424, 432	3 ғазал	2	1	38
Фазлুল- вахҳоб қори	-	19	538	1 ғазал	1	-	22
Маҳмуд Ализода	-	3	94	1 ғазал	1	-	22

Тошкандий							
Мулла Абдухолик	-	10	328-29	1 таърих	1	-	14
Мулла Абдужалил	-	10	330	1 ғазал	-	1	16
Мирсардор кори	-	13	399	1 ғазал	-	1	24
Мулла Толибжон	16	-	502	1 ғазал	1	-	8
Идора номидан	10	-	317	1 ғазал	1	-	8

1917-1918 йилги

Муаллиф	1917 йил сонлари	1918 йил сонлари	Саҳифа	Жанр	Ўзбекча	Форс-тожик	Мисра сони
Мулла Ҳошим Хайратий	15,8,6,4,5,1,9,14,20,22	-	659,740,798,800,767,895,640,1124	2 ғазал 1 мусаддас 7 мухаммас	8	2	326
Бахриддин Азми	1, 5, 16, 15	-	643,668,672,1063	3 ғазал 1 мусаддас	3	1	100
Саидахмад Васлий	1, 20, 7	-	853, 634, 1022-24	1 ғазал 2 мусаддас	2	1	72
Зафархон Жавҳарий	1, 4, 10, 12, 3, 6, 7	-	730-31, 679-84, 622, 510, 969, 842	2 ғазал 5 мухаммас	4	3	328
Тўлаган Хўжамёров Тавалло	7	2	826, 39	1 ғазал 1 мусаддас	2	-	64
Саидаъзам Марғилоний	10	-	923	1 ғазал	1	-	53
Нусрат Абдушоқир	7	-	820-22	1 ғазал	1	-	30
Абдуқосим	14,12	-	1020-22, 965	2 ғазал	1	1	48
Мискин	11	-	958-59	1 ғазал	1	-	24
Сидқий Хондайлиқий	1	-	641	1 ғазал	1	-	48
Каримбек Камий	14	-	1020-22	1 ғазал	1	-	27
Мулла Топилди	1	-	652	1 ғазал	1	-	16
Идора номидан	13, 8, 9	-	740,975, 870	3 ғазал	2	1	42

Юқоридаги жадваллардан англашиляптики, журналда нашр этилган 74 та шеърдан 51 таси ўзбекча, 23 таси эса форс-тожик тилида. Уларда анъанавий мумтоз шеъринг жанрлардан ғазал—45 та, мухаммас—14 та, мусаддас 7—та, таърих 3—та, марсия—4 та, қасида—1 та бўлиб, шеърларнинг умумий ҳажми 1077 байт (2154 мисра)ни ташкил этади.

Муаллифлардан; Саидахмад Васлий—8 та, Каримбек Камий 5—та, Сидкий Хондайлиқий—4 та, Зафархон Жавҳарий 12—та, Ҳамза—1 та, Шамсиддин Хоиб<sup>53</sup>—2 та, Баҳриддин Азмиё—5 та, Исҳоқхон Иброт—1 та, Тавалло Хўҷамёров—3 та, Абдурахмон Муфтизода—1 та, Мирзо Аҳмаджон —4та, Муҳаммад Ҳасан Мутриб<sup>54</sup>—3 та, Маҳмуд Ализода Тошкандий—1 та, Фазлулваҳҳоб қори—1 та, Мулла Абдуҳолиқ—1 та, Мулла Толибжон—1 та, Мулла Абдуҷалил—1 та, Мирсардор—1 та, Мулла Ҳошим Ҳайратий<sup>55</sup>—10 та, Саидаъзамхон—1 та, Абдушокир Нусрат—1 та, Мулла Топилди—1 та, Абдуқосимхожи—2 та, Мискин—1 та шеър нашр эттирган. Идора томонидан имзосиз 3—та ғазал эълон қилинган. Шеърларнинг ичида энг кўп учрайдиган ғазалдир.

Маълумки, ғазал шарқ халқлари классик поэзиясининг энг кўп тарқалган лирик жанрларидан. Фақат мумтоз шеърятда ғазал асосан ишқ-муҳаббат мавзуида битилган бўлса, XX аср бошида ғазал миллат дардини ифодалади, юрт истиқболи учун қайғуриш, унинг таназзул гирдобига тушганидан изтироб туйғуларини акс эттирди.

---

<sup>53</sup> Бу шоир ҳақида дастлабки маълумотлар Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Турмуш урунишлари” (Бир мулла боланинг хотира дафтари. Т., Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1926.-Б.315.) китобида учрайди. Жумладан, у шундай ёзди: “.. бир неча ёш фикрлилардан Шамсиддин қори ўшал чокда миллий шоир тахаллуси “Хоиб”, ўзгарилдан кейин “Хўршид” тахаллуси билан ижод этди.”

<sup>54</sup> “Тазкираи Қайюмиё”да ёзилишича, Муҳаммад Ҳасан Мутриб Хоразм шоирларидандир. Адабий ҳаракатнинг янги даврдаги кўзга кўринган намояндаларидан бўлиб, исми Муҳаммад Ҳасандир. Хиванинг машҳур кишиларидан Ҳожи табибнинг ўғли бўлган. У 19-асрнинг ўрталарида Хива шаҳрида туғилган. Мутриб бошланғич мактабданок мусиқага қизиққан. Шашмакомни пухта эгаллагани билан элга танилади. Тахаллуси ҳам шунга мувофиқ танланган кўринади. 1923 йилда 70 ёшида Хивада вафот этади.

<sup>55</sup> Бу шоир Шаҳрихонлиқ бўлиб, 1873 йилда туғилган. Исми Мулла Ҳошим домулла бўлиб Солих ўғлидир. Шоир Оразийнинг шогирди бўлган. Ҳайратий оқ пўстли тўларок гавдали киши бўлган. Бир вақтлар судялик лавозимида ҳам ишлаган. У 1938 йили, Катта Фарғона каналига бағишлаб шеър ёзган. Унинг вафот этган йили маълум эмас. (Пўлатжон Домла Қанонов. Тазкираи Қайюмиё. 3 жилд.- Т., 1998.-Б. 592).

Баҳриддин Азмиёнинг “Кўрмадим”<sup>56</sup> радифли ғазали таҳлили ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Бул жаҳон боғида, бир ши фароғат кўрмадим.  
Ҳар на кўрдим, эгри кўрдим, тўғри ҳолат кўрмадим.*

*Бул жаҳонда ҳар кими мағзури иззу жоҳидур,  
Миллатнинг қайғусига ҳеч кимга ҳоҷат кўрмадим.*

*Илмнинг дурдонасин термай жаҳолат кўйига,  
Бизни миллат ўғлидин илму маҳорат кўрмадим.*

*Турфа ҳолатким улусга тўғри келгай эгрилик,  
Эгриликдин бу замонда ўзга ҳолат кўрмадим.*

Ғазалнинг қофияланиш тартиби анъанавий тартибда, яъни а-а, б-а, в-а тарзида. Фароғат, ҳоҷат, маҳорат, ҳолат сўзлари ўзаро қофияланиб келган. Радиф ғазалда ифодаланган фикрни таъкидлашга, мазмун таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Хуқуқсизлик, маърифатсизлик изтироб туйғуси ифодаланган ушбу ғазални бадиий жиҳатдан мукамал деб бўлмайди.

Ижтимоий мавзудаги шеърлар орасида табиат тасвирига бағишланганлари ҳам бор. Саидахмад Васлийнинг “Баҳор” шеъри бунинг исботидир. Зоҳиран табиат тасвири ифодаланган шеър моҳиятан шоирнинг ички, руҳий ҳолатини акс эттирган. Бу шеърда табиат тимсоллари ҳам ўз маъносида, ҳам рамзий маънода келган.

Васлий табиатнинг реал тасвирини мақсад қилмаган. Миллат дардини, жамиятдаги инқироз ҳолатини рамзлар воситасида таъсирчан ва ёрқин ифодалайди. Шоир:

*Бир ёнда гул чечаклар отуб нур чаман,  
Бир ёнда булбул оҳ чекур эътибордан.*

*Агёринг олди гулнинг гулобин териб-териб,  
Гулшан хазона дўнди тушиб эътибордан, —*

дея мустамлака сиёсатининг оғир оқибатларини гул, булбул, гулшан, хазон сингари анъанавий тимсолларга янгича мазмун юклаш орқали тасвирлайди.

<sup>56</sup> //Ал-Ислох, 1917, 15-сон. -Б. 164 - 65 .



Журналда Тошхўжа Эшон Асирий вафотига бағишлаб ғазал жанрида ёзилган 4 марсия нашр этилган. Бу марсиялар Каримбек Камий, Саидахмад Васлий, Зафархон Жавҳарийлар қаламига мансуб. Шундан 2 таси Жавҳарийга тегишли бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида битилган. Жумладан, Каримбек Камий ёзади:

*Тошхўжа Эшон номи мулаққаб ба Асирий,  
Йўқ эрди жаҳон ичра одили ва назир.  
Афсус бевақт вафотидин у зотнинг,  
Дог ўлди Хўжанд аҳли сагирию кабири.  
Кел эмди дуои фотиҳа руҳига онинг,  
Билгилки киши қолмагай оламда охири.*

Камий Тошхўжа Асирий билан жуда яқин дўст ва адабий ҳамкор бўлган. У 1912-1914 йиллар давомида шогирди Хислат билан бирга бир неча бор Хўжандга Тошхўжа Асирий ҳузурига борган. Мактублар орқали бир-бирларидан аҳвол сўраб турган.<sup>57</sup> Тошхўжа Асирий вафот этганида, Камий, шоирга бўлган чексиз ҳурматини изҳор этиб, таъзия билдириб, шу марсияни ёзиб таърих туширган.

Журналда босилган қасида жанрига мансуб асар битта бўлиб, муаллифи ўратепалик Зафархон Жавҳарийдур<sup>58</sup>. Қасида шарқ шеърятининг хос жанрларидан экани маълум. “Ал-Ислох” журналида босилган қасида журнал идорасига ва Абдурахмон Сайёх номига бағишланган.

Журналда босилган шеърлар бадиий жиҳатдан мукамал бўлмаса-да улардан айримларида бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган. Айниқса, Васлий, Азмий, Жавҳарий, Ҳайратий, Хоиб шеърларида бадиий санъатлар ўринли ва кўп қўлланган. Айниқса, талмеҳ, ташхис, муболаға, истиора, тазод каби санъатлар журналда нашр этилган шеърларнинг бадиий-эстетик қимматини оширган. Масалан, Васлийнинг “Ислох” тадриси ҳақида<sup>59</sup> мусаддасида “Бу замонда олим ўлмоқга керакдур умри Нуҳ” каби талмеҳ санъати воситасида фикрнинг

<sup>57</sup> Қаранг: Жалалов А. Ўзбек маърифатпарвар демократик адабиёти. 1905-1917. – Т.: Фан, 1978. -Б. 168; Асирий Тошхўжа. Мактуб, “Баёзи мужалла”, Т., О.А.Порцев типолитографияси.-Б. 104.

<sup>58</sup> //Ал-Ислох, 1916, 15-сон.-Б. 164 - 65.

<sup>59</sup> //Ал-Ислох, 1915, 17-сон.-Б. 514 -516.

ёркин ифодалангани кузатилади. Талмеҳ шоирга бир ишора билан чуқур маънони ифодалаш имконини берувчи санъатдир<sup>60</sup>. Профессор А.Ҳожаҳмедов тўғри таъкидлаганидек: “Шеърый санъатлар бадий асардан ўрин олган ғояларнинг ҳаётийроқ, таъсирчанроқ ифодаланишига, лирик ва эпик образларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, байтлар, бандларнинг муסיкийлиги, жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилади”<sup>61</sup>.

Булардан ташқари, мухаммас жанридаги назмий асарларда мумтоз шеърятига хос тахмис, тазмин каби бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган. Жумладан, Мутриб Абдурахмон Жомий ғазалига мухаммас ёзган. Жавҳарий эса Бедил ғазалига тазмин боғлаган. Форс-тожик тилида битилган бу асарлар мумтоз шеърятдаги зуллисонайилик анъанаси XX аср бошида ҳам юксак савияда давом этганини кўрсатади.

Мутрибнинг мазкур мухаммаси етти банддан иборат бўлиб, илм-маърифатга тарғиб этиш руҳида ёзилган. Журналдаги ижтимоий мавзуда ёзилган шеърлар ичида бу мухаммас бадий савияси баланд экани билан алоҳида ажралиб туради. Бу мавзудаги шеърларнинг аксариятида шакл ва мазмун уйғунлигини, анъанавий шеърый шакл янгича моҳият касб этганини кузатиш мумкин.

Журналда нашр этилган диний мавзудаги шеърлар асосан форс-тожик тилида ёзилган. Таъкидлаш керакки, журналда форс-тожик тилидаги асарларга кенг ўрин берилган. “Ал-Ислоҳ”даги мақолалар ва бадий асарларнинг учдан бир қисми форс-тожик тилида экани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Диний мавзудаги шеърлар ичида биронта анъанавий ишқий ва ҳажвий шеърлар учрамайди. Чунки бундай шеърлар уламоларнинг кескин танқидига учраган.

“Ал-Ислоҳ” журналида чоп этиш жараёнида насрий асарлар ҳам давр руҳидан келиб чиққан ҳолда маълум даражада сараланган ва шундан кейингина журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган. Назмий асарларда бўлгани каби насрдаги

<sup>60</sup> Қаранг: Ё.Исҳоков. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: 2006.-Б. 70.

<sup>61</sup> Ҳожаҳмедов А. Мумтоз бадиият малохати. – Т.: Шарқ, 1999.-Б. 5.

ижод намуналарида ҳам бадийликдан кўра ижтимоийлик биринчи ўринда турган.

Журналда асосан ахлоқий мавзудаги ва дин тарихига оид ҳикоятлар, ҳикматли сўзлар билан биргаликда адабиёт назарияси ва адабий танқидга доир адабий мақолалар босилган. Жумладан, “Одил киши” (1915, 2-сон), “Қойил қилмоқ” (1915, 1-сон), “Саъй ва кўшиш” (1915, 1-сон), “Музокараи “Ислоҳ” (1915, 4-сон), “Усули тараққий” (1915, 10-сон), “Уламои салаф ва толиби илм” (1915, 1-сон) каби ахлоқдан баҳс юритувчи ҳикоятлар шулар жумласидандир. “Дунё ва охираатнинг саодати” (1915, 2-сон), “Дин ва дунёнинг баробарлиги” (1915, 1-сон) “Муҳаммад пайғамбарнинг туғилиши” (1915, 2-сон), “Хадича ойим” (1915, 2-сон), “Қуръони карим надур?” (1915, 2-сон), “Тарихи ислом” (1915, 2-сон), “Иймон надур?” (1915, 3-сон) сингари ҳикоятлар эса дин ва жамият, дин ва дунё мавзуларини ёритишга бағишланган.

Бу ҳикоятларнинг барчасида муаллиф номаълум бўлиб, имзосиздир. Масалан, “Усули тараққий” ҳикоятини кўришимиз мумкин: “Қадим замонда бир ёввойи одам ила бир инсон сафарда йўлдош бўлдилар. Йўлдошлиқдин айрилмасликка, бир-бирларини алдамаслигини шарт қилдилар. Қиш фасли эди, эрта бирлан совуқдан инсон ўз бармоқларини иситмоқ учун пуфламоққа киришди, ёввойи одам сўрадики: “На учун ўз бармоқларингни пуфлаюрсен?” Инсон: “Бармоқларимни иситурмен”- деб жавоб берди. Ёввойи одам ҳайрон қолди. Бир оз фурсатдан сўнг емак ҳозирланди, дастурхон ёйилди, шўрбо емак учун кўйилди. Инсон шўрбони совутмоқ учун идишни кўтариб пуфламоққа бошлади. Ёввойи одам ҳайрон бўлиб сўрадики: “Буни нима учун пуфлаюрсен?” Инсон: “Шўрбони совутурмен деб жавоб берди..”. Ҳикоятда маданий инсон илмлилик, ёввойи одам эса илмсизлик тимсолидир. Унда инсон камолоти ва жамият равнақи учун маърифатнинг нечоғлик зарур эканлиги ҳаётий мисоллар орқали тасвирланади.

Журналда нашр этилган насрий асарларнинг бадий тафаккур савияси юқори бўлмаса-да, улар миллатни фикрий уйғоқликка чақариши, ўша замоннинг долзарб ижтимоий

муаммоларини муолажа этишга қаратилгани, энг муҳими, самимияти билан алоҳида ажралиб туради.

“Ал-Ислоҳ” журналида соф бадиий асарлар билан бирга адабиёт назариясига оид ва адабий-танқидий мақолалар ҳам чоп этилган. Шубҳасиз, бу мақолалар ҳам адабий жараён, адабий муҳит тарихини ўрганишда муҳим адабий манба вазифасини ўтайди.

Адабиёт назариясига оид “Адабий шижоат нимада?” деб номланган мақола журналнинг 1917 йил 5-6-11- сонларида чоп этилган. Унда миллий адабиётимизнинг XX аср бошларидаги ва ўтган асрлардаги аҳволи қиёсий таҳлил этилган. Асар яратишда ижодкор маҳорати масаласи ва асарнинг қай даражада халқ маънавиятига хизмат қилиши зарурати муаммоси тадқиқ қилинган. Ўтган замон файласуфларидан Арасту, Афлотунлар назариясига аҳамият қаратилиб, араб, эрон олимларининг илмий асарларидан иқтибослар келтирилган.

Журналдаги адабий танқидга доир мақолалар ҳам эътиборга моликдир. Иброҳим Тоҳирийнинг “Матбуот ва ислоҳ” (1915, 5-сон), “Матбуот ва ислоҳ бақияси” каби адабий мақолалари (1915, 6-сон), “Шўро” журналдан кўчириб босилган “Интиқоднинг (танқид) шартлари” деган адабий танқид назариясига оид тадқиқот “Ал - Ислоҳ”нинг 1917 йил 1-2-3 сонларида идора номидан босилган; Мулла Баҳриддиннинг “Шоирларга савол” (1916, 11-сон), Мақсудхўжа муфтининг “Жавонбозлик тухмини миллати ислом оралариға сочадурғон шоирларимиз” (1916, 12-17 сонлар), Завқийнинг “Иштибоҳ” (1916, 17-сон), Абдурахмон Муфтизоданинг “Жавонбозлик балоси” (1916, 21-22) сингари мақолалари шулар жумласидандир.

Ушбу мақолаларни адабий-танқид, илмий баҳс-мунозара намуналари сифатида баҳолаш мумкин.

Иброҳим Тоҳирийнинг “Матбуот ва ислоҳ” мақоласида Туркистонда нашр этилаётган асарлар ва газета-журналлар тили танқид қилинади, муаллиф “Тўй” ва “Падаркуш” драмалари хусусида “адиблик мағрурияти ила ёзилган” мактаб болаларининг иншо ва имлоларидан буларнинг фарқи борми?” - деган саволни қўяди.

Бундай янги асарлар ҳақидаги фикрлар “Ойна” журналида ҳам чоп этилиб турди. Масалан, “Тўй” драмасининг муаллифларидан Ҳожи Муин асардаги камчиликларни иқрор этиб, “Ойна” журналида (1915, 14-сон) “Танбеҳга ташаккур” сарлавҳали мақола эълон қилади ва бундай ёзади: “Бу хатоларнинг энг биринчи сабаби ўзумнинг мубтади ва ноқислигимдандир. Ҳар мубтади танбеҳ ва таълим ила бора-бора камолотга етишмоғи янги ўсмир адабиётимиз ҳам фақат танқидлар соясунда ишлануб, тараққий топиши ва “Адабиёт” деярлик мартабага чиқмоқлиги зарурдир”.

“Ал-Ислоҳ”да чоп этилган замонавий адабий танқиднинг илк куртаклари бўлган танқидий мақолаларда адабий жараёнга, янги асарларга фикр билдириш билан бирга, ўша асарнинг бадиий савияси, имло ва тилида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилган. Бу танқидий мақолаларни юксак маҳорат билан ёзилган дея олмасак ҳам, XX аср бошидаги адабий жараёнда фикрлар хилма-хиллиги, янги яратилган асарларга нисбатан ўқувчиларнинг бефарқ бўлмагани каби омиллар бу турдаги асарлар қимматини оширади.

Журналда жами 101 та адабиёт материали босилган булиб, 77 та шеърӣ асарлар, 27 таси насрий асар шундан, 13 таси ҳикоят, 3 таси адабиёт назариясига оид, 11 таси эса танқидий мақолалардир. “Ал-Ислоҳ” журналидаги адабий материалларнинг барчаси ҳам бадиияти юксак бўлмаса-да, ўша адабий жараёнда майдонга келиб, ўзининг ютуқларига эришган реалистик адабиётнинг илк намуналари сифатида қимматлидир.

## АДАБИЙ МУНОЗАРАЛАР

Журналдаги адабиётга оид материаллар орасида баҳс-мунозаралар алоҳида ўрин тутади. Бу мавзудаги мақолалар муаллифлари адабиётнинг жамият ҳаётига, кишилар ахлоқига кўрсатадиган таъсири масаласига жиддий эътибор қаратган. Жумладан, журналнинг 1916 йилги 11-сонида “Ўратепали Мулла Баҳриддин тарафиндин саволлар” ташланади. Унда жамиятда рўй бераётган катта ижтимоий ҳодисалар замон шоирларининг ишқий ва ҳажвий шеърларига боғлаб талқин этилади. Муаллиф матбуот нашрларида чоп этилаётган анъанавий адабиётга хос ошиқона шеърларни танқид қилади. Мулла Баҳриддин ушбу масалани бутун Туркистон уламолари эътиборига ҳавола этиб, бундай ёзади: “Ушбу замонимизда буюк – буюк шоирларимиз ўрталарина камоли тафаккур ва мулоҳаза илан ранжлар тортиб бир кимсани маъсум гўзал ўғли исмина “мувашшаҳ” исмли шеър ёзибдур... шоирларимизи ушбу ишлари шариати изоми набавий ва мазҳаби муҳаззиби байзойи ҳанафийга нечукдур (жоизму, ё жоиз эмасму?). Жоиз ўлган тақдирда мазкур маъсум бола ушбу алфозларни эшитиб ... ахлоқи бузилиб, баъзи ношоиста ишларга майл этиши шоён эмасму?<sup>62</sup>”. Муаллиф бутун Туркистон уламоларидан бу саволларига жавоб ёзишни сўрайди.

Шундан кейин бу масала миллат зиёлилари, уламолар ўртасида кенг муҳокама қилина бошлади. Тошкентлик Мақсудхўжа муфти мазкур масала юзасидан қизгин баҳсга киришиб, “Ал-Ислоҳ”нинг бир неча сонларида мақолалар чоп эттирган. Жумладан, журналнинг шу йилги 12-сонида “Жавонбозлик тухмини миллати ислом оралариға сочадурғон шоирларимиз” номли мақоласида замон шоирларининг ишқий мавзудаги мувашшаҳларини назарда тутиб, бу каби шеърларни ахлоқсизлик ва тубанлик манбаи сифатида талқин этади. У бундай ёзади: “Афандим, шуарои замонимиз жон қулоғи бирла эшитсунлар, бул тариқада мувашшаҳ ёзганларига тавбау истиғфор этсунлар, минбаъд мўъминларнинг фарзанди

<sup>62</sup> //Ал – Ислоҳ, 1916, 11- сон. – Б. 349.



солиҳларини бузукликқа еткурадургон ва ҳаром ишларга қизиқтурадургон моляъни шеърларни тўқимасинларки, ҳаромдур ва ушбуга ўхшаш шеърларида беҳаёлиғ ёки мусулмонларнинг ҳажви бўлса, ёки Худойи таолога ё анинг Расули (с.а.в.)га саҳобалар ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъийнларга кизб бўлса, ёки ўзини мақтамоқ ёки ёлгон гапурмак ёки ямон феълларни қилгонлиғига фаҳр қилмак ёки одамларнинг насабларига сарзаниш ва маломатларини демак шеърларида бўлса – ҳаромдур...”<sup>63</sup>.

Мақсудхўжа муфти бутун халққа ишқий ва ҳажвий шеърлар ёзиш ҳам, ундай шеърларни ўқиш ҳам гуноҳ деган фатво беради.

Бундай танқидий мақолалар шеърият аҳлини бефарқ қолдирмади. “Ал-Ислоҳ”да бошланган бу қизгин баҳсга шоир Завқий ҳам қўшилди. Журналнинг ўша йилги 17-сонида у Мақсудхўжа муфтига жавобан кескин фикр билдириб, “Иштибоҳ” номли мақоласи билан чиқди. Завқий Мақсудхўжа муфти ва мулла Баҳриддиннинг ишқий шеърлар ҳақидаги мулоҳаза-муҳокамаларининг нотўғри, фатвосининг асоссиз эканлигини айтиб, мунозарага киришади. У муфтига оят ва ҳадислар асосида жавоб беради. Ишқий шеърлар билан ахлоқсизлик ўртасида фарқ борлигини тушунтирмоқчи бўлади. У “мусулмон кишининг қилмишини текширмасдан туриб, гуноҳкорликда айблаш жоиз эмасдур” мазмунидаги ҳадиси шарифни келтириб, муфтининг фатвосини инкор этади. “... Афдининг шахси номаълумга хитоб қилиб ёзилган матни кўрилди... Қайси шоир олуца бўлиб шаръи шарифда муттаҳам бўлиб экан...”<sup>64</sup> дея куйиниб ёзади шоир.

Завқийнинг бу мақоласи уламоларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Журналнинг 1916 йил 17-сонида Мақсудхўжа Завқийга жавобан “Хўқандлик мулла Убайдулла иштибоҳларига рафъи иштибоҳ” номли мақоласида яна ўша масалага қайтади. Унингча, бугунги авлод тарихнинг шундай бир чорраҳасида турибдики, жамиятнинг бахту иқболга эришиши ёки ҳалокатга учраши уларнинг қандай йўлни танлашига боғлиқ. Муаллиф замон шоирларининг баёз ва шеърий мажмуаларни дўконларга

<sup>63</sup> //Ал – Ислоҳ, 1916, 12 - сон. – Б. 379.

<sup>64</sup> //Ал – Ислоҳ, 1916, 17 – сон.-Б. 430.

чиқариб сотувини, уларга безак бериб, ахлоқсиз суратлар туширишини танқид қилади. Завқийнинг мақолада ўтган давр шоирлари ёзган ишқий мавзудаги шеърларни далил қилганлигини ноўрин билиб, унга қарата бундай ёзади: “Ва ажабо, қачон ул жаноблар бул баён қилинган тарзда сурат қилиб, аҳли исломнинг хоналарига тарқатдилар ва қайси замондаги шоирлар фосикни асбобини тайёрлаб бозору дўконларда сотдилар. Агар ул жаноблардан бул мазмунларга ўхшаган шеърлар бор десангизлар, ул сўзларингиз шариатга далил бўлмайду...”<sup>65</sup> Мақсудхўжа мақола сўнггида Муқимий, Фурқат, Нозил Хўжандий,<sup>66</sup> Насриддин,<sup>67</sup> Ноқис,<sup>68</sup> Хислат ва Камий асарларидан мисоллар келтиради, уларнинг ишқий мавзудаги шеърлари ҳақида кескин танқидий мулоҳазаларини билдиради. Муаллиф биринчи навбатда Завқий қаламига мансуб шеърларни таъна қилиб бундай ёзади: “Шеърингизни балоғатга етган ўғул ва қизларнинг ўқимоғи шаръийми, ўзингиз мутолаа қилинг:

*Қулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг,  
Янги келин, қизлар каби бизга салом айлаб келинг.  
Ошиқларинг шайдо қилиб, душманларинг расво қилиб,  
Кундузлари савдо қилиб, аср ила шом айлаб келинг.*

Мақсудхўжа бу билан қаноат ҳосил қилмай, яна бошқа шеърдан иқтибос келтиради:

*Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг,  
Яна кўнглим олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг.  
Фироқинг торта – торта ёшлигимда кетди дармоним,  
Кўзим нури, танимни қувватисан, эй дилоромим<sup>69</sup>.*

<sup>65</sup> //Ал-Ислох, 1916, 17-сон.-Б. 400.

<sup>66</sup> Бу шоир хўжандлик бўлиб, отасининг исми Саъдулла Маҳмуд Солиҳдур. У форсий ва туркий китъалар ҳам ёзиб турган. Нозил Хўжандийнинг кўлэзма девони ҳозир ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номли Кўлэзмалар институтига мавжуд. ( Пўлатжон Домла Қаюмов. Тазкираи Қайюмий. 2-жилд. - Т.: 1998.-Б. 409).

<sup>67</sup> П.Қаюмов ёзишича, бу шоир Қўқон тумани Сулаймон номли кишлоқда туғилиб шу ердаги масжидда ўқиб савод чиқаради. Шаҳарга келиб Муҳаммад Алихон мадрасасида сарф, наҳвларни тўла ўзлаштиради. Шу вақтдан бошлаб қасида, ғазаллар ёза бошлайди.1918 йилда 66 ёшида ўз кишлоғида вафот этади. (Тазкираи Қайюмий. III жилд. - Т.: 1998.-Б. 471).

<sup>68</sup> Бу киши Каттакўрғон шаҳридан бўлиб, Бухорода таҳсил олган. Кейинчалик бош мударрис ва катта муфти бўлиб элга танилади. У катта уламолар қаторидан ўрин олади. Асл исми домла Абдулқодирдир. (Тазкираи Қайюмий. III жилд.-Б.331).

<sup>69</sup> Шу жойда.

Маълумки, бу шеър ишқий мазмунда бўлиб, 1898 йилдан буён машхур ҳофизлар томонидан қуйланиб келинган ва юксак мавқега эга бўлган. Завқийнинг ҳаёт йўлига назар ташласак, уни мусулмончиликка зид иш қилишда айблаш ўринли эмаслиги аён бўлади. Шоирнинг усули қадим мактабида таълим олганлиги ва исломнинг арконларидан бири – ҳаж амалини адо қилганлиги ҳам бунинг далилидир<sup>70</sup>. Мақсудхўжа замон шоирлари шеърларидан қуйидаги тартибда кетма-кет иқтибослар келтиради:

Камий айтадур:

*Мен сари оҳиста-оҳиста хиром айлаб келинг,  
Билмасун агёр, жоно, вақти шом айлаб келинг.  
Воҳ ўлуб қолмай камоли шодлигдин эй пари,  
Бехабар қўйманг мани аввал паём айлаб келинг.*

Муқимий айтадур:

*Келиб аввали юзини очиб,  
Олибон кўнгил кетибон қочиб,  
Борур ўзгага қошини қоқиб,  
Учурурга бизга уёладур<sup>71</sup>.*

Нозил Хўжандий айтадур:

*Ўлгунча мен харидор сен этма гайри бозор,  
Жон нақди қўлда тайёр савдо қилайму қилмай.*

Насриддин айтадур:

*Шаби висолида бир дам кучоқлаганимда,  
Тополмадим они кўнглини шекиллик.*

Нокис шоир айтадур:

*Ўлдим жамолинг шавқида дардинг ололмадим,  
Бошингдин, эй санам, нега мен ўргулолмадим,  
Лаъли лабингни қандини бир дам сўролмадим,  
Ҳажрингда дарду гам билан ҳасратда догман.*

Шулар қатори Фуркат, Хислат шеърларидан ҳам мисоллар келтиради. Бу сингари назмий асарларнинг мусулмон ахлоқиға зид эканини, ислом миллатига мансублик даъвосида бўлган шоирлар бундай асарлар ёзишдан сақланиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

<sup>70</sup> Қаранг: Пўлатжон домла Қаюмов. Тазкирани Қаюмий. 3-жилд, – Т.: 1998.-Б. 489.

<sup>71</sup> //Ал-Ислох, 1916, 12-сон. – Б. 405.

Завқий ўз чиқишларида замон шоирлари ижодини ҳимоя қилди. Унга матбуот саҳифаларидан жой бермай қўйганларидан сўнг эса бевосита халқ оммасига, адабиётнинг ҳақиқий мухлиси эканлигини кўрсатишга киришди. “Афандилар” шеъри ана шундай воқелик ҳосиласидир. Шеърда мунозараларга мана бундай муносабат билдирилган:

*Фарқ айламай яхши – ёмон,  
Ким арпа – буғдой, ким – сомон,  
Тухмат, ҳақоратлар ҳамон,  
Не муддао, сиз афандилар.*

*Доим Муқимий, Фурқатий,  
Ёдимда меҳру шафқати,  
“Ислоҳ”да бошлаб тухмати,  
Кўп норасосиз, афандилар.*

*Сидқийки, “Рафъи иштибоҳ”  
Журналингизга бир гувоҳ,  
Наъра урарким оҳ – воҳ,  
Айланг даво сиз афандилар<sup>72</sup>.*

Шеърият ҳақидаги бу сингари танқидий мақолалар Мақсудхўжа муфти билан чегараланиб қолмади. Кўп ўтмай журналнинг кейинги сонларида ҳам босилиб чиқди. Шундай мақолалар муаллифи бухоролик Абдурахмон Муфтизода эди. Журналнинг 1916 йил 21-22-сонларида унинг “Жавонбозлик балоси” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Муаллиф Мақсудхўжа мақоласини қўллаб-қувватлайди, ундан катта қаноат ҳосил қилиб, муаллифдан мамнун бўлганлигини айтади, Завқийга эса хужум қилиб, нодонликда айблаб, “Шуарои сухафодан бири” деб атайди: “Туркистон шоирларининг шеърлари хусусида шуарои сухафодан бирисининг иштибоҳина

---

<sup>72</sup> Мадаминов А. Завқий. Т.: Шарқ, 2003.-Б. 130. Бу адабий мунозараларнинг тафсилотлари ҳақида қаранг: Раззоқов Х, Завқий. Т.: Ўз ФА нашриёти, 1958.-Б. 66-68; Каримов Ф. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан, Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек адабиёти, Т.: САГУ нашриёти, 1957.-Б. 15-17; Қаюмов Л. Инкилоб ва ижод. – Т.: Ўзадабийнашр, 1964.-Б. 125.

жавоб ўлароқ тошкентлик Мақсудхўжа ҳазратларининг мақолалари манзуримиз ўлуб суюна-суюна карротла ўқидим...<sup>73</sup>”

Муфтизода фикри ҳам Мақсудхўжа нуқтаи назари билан мутаносиб. Унинг эътироф этишича, замон шоирлари файласуфлик даъвосида бўлсалар ҳам одоб - ахлоққа тарғиб этувчи сўзлар йўқ. Муаллиф ота – оналарга мурожаат қилиб, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик зарурлигини уқтиради. Шу билан бирга, ўтган замонлардаги файласуфлар ҳақида фикр юритиб, бундай ёзади: “Олингиз овруполилардан Шиллер ила Шекспири. Боқингиз, арабларнинг ал-Мааррийларина<sup>74</sup>. Нақадар буюк инсоният дохийлари ўзимизнинг-да адабиёти миллиямиза таҳқиқ этмак истифода айламак йўлинда назар этсак, Бедил каби шоири дохийимизнинг абёти файласуфоналари олдида тиз чўкиб таъзим этмак лозимдур<sup>75</sup>...”

Бундай танқидий фикрлар уламолар мақолалари билан чегараланиб қолмади. Жадиждлар асарларида ҳам акс этиб, кенг муҳокама қилина бошлади. Бу мунозараларга Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий ҳам қўшилди. У “Ал-Ислоҳ” журналининг 1916 йил 20-сонида “Бақияи “Рафъи иштибоҳ”и мулла Завқий афанди” сарлавҳали тожик тилида ёзилган шеърини чоп этди. Унинг шеърида шу нарса равшан сезилиб турадики, гап асосан замон шоирлари ёзадиган сатирик адабиёт (ҳажвгўйлик) устидадир. Муаллиф замондош ижодкорларнинг сатирага қизиқишларига норозилик билдиради ва куйидаги мисраларда Завқийга таъна қилади:

*Ба фан ҳижоғўйи ронам суҳан,  
Ба танг андарояд зи ман анжуман.  
Агар марди фарҳангию ақлу ҳуш,  
Дар ондам бидонад, ки ман кистам.*

<sup>73</sup> Абдурахмон Муфтизода “Ал-Ислоҳ” 1916, 21-сон. – Б. 702 (Бу иктибос Ф.Каримовнинг “Муқимий” номли асарида ҳам келтирилган).

<sup>74</sup> Бу араб мутафаккир шоирнинг асл исми Абу Аъло ал – Маарийдур (1165-1240). Унинг “Ал-Лузумат” номли китобини татар маърифатпарвари Мусо Бегиев татарчага таржима қилган. Унда ислом дини ақидаларига бағишланган асарлар ҳамда ғазалларидан намуналар ўрин олган. Қаранг: Дўстқораев Б. Маҳмудхўжа Бехбудий “Шўро” журналида. //Филология масалалари, 2005.-№ 1.-Б. 46.

<sup>75</sup> Кўрсатилган Абдурахмон Муфтизода мақоласи.

Таржимаси:

*Агар мен ҳажвчилик соҳасида сўз бошласам,  
Бундан мажлис аҳли тангликка тушади.  
Агар мен бирор одамни ҳажв қилишга киришсам,  
Ўша заҳоти у киши менинг ким эканлигимни билади<sup>76</sup>.*

Сидқийнинг ҳажвиёт танқидига қарши қаратилган бу шеърлари таъна оҳангида ёзилган бўлса ҳам, аслида замон шоирларининг сатирик шеърлар ёзишига эътироз мазмунини билдирар эди. Бу ҳол муаллиф шеърининг қуйидаги мисраларида яна ҳам очикроқ ифода қилинган:

*Агар марди фарҳангю ақлу хуш,  
Суханҳойи аҳли шариат наюш.  
Гар иърози дори қавли китоб,  
Маломат кунандат машав печу тоб.*

Таржимаси:

*Агар киши билимдон ва ақлу-хуш эгаси бўлса,  
Шариат аҳлларининг сўзларига қулоқ солади.  
Агар китоб сўзларидан, шариат буйруқларидан юз ўгирсанг,  
Сени танқид қиладилар, у ҳолда ўзгалардан шикоят қилма<sup>77</sup>.*

Ижод аҳлига қаратилган бундай танқидий қараш Баҳриддин –Азмий асарларида ҳам яққол намоён бўлади. Жумладан, “Ал-Ислоҳ”нинг 1917 йил 5-сонида шоирнинг “Туркистон шоирларина хитоб” деб номланган тожик тилида ёзилган шеъри босилган бўлиб, у замондошларига қарата бундай ёзади:

*Эй шоирони Турон, дар қайди зам чароед?  
Бо хатту холи хўбон то кай газал сароед?  
Фикре номуда якдам бинид кори олам,*

*Нику ажойибот аст, то чашими худ кушоед.  
Бинид Оврупоро, кони санъати худ оро,...*

<sup>76</sup> Ф.Каримов ўтган аср бошидаги сатирик шеърларни таҳлил қила туриб, Сидқийнинг мазкур антисатирик шеърини ҳам келтириб ўтган эди. Қаранг: Каримов Ф. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан. – Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек адабиёти. – Т.: САГУ нашриёти, 1957.-Б. 16.

<sup>77</sup> //Ал-Ислоҳ, 1916, 20-сон. – Б. 555; Каримов Ф. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан. – Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек адабиёти. – Т.: САГУ нашриёти, 1957. – Б. 17.



Таржимаси:

*Эй Турон шоирлари, гам тузогида қалайсизлар?*

*Гўзалларнинг хатту холи ҳақида қачонгача газал куйлайсизлар?*

*Бирпас фикр қилиб, дунёнинг ишига боқинг.*

*Дунё ажойиб, олижанобдир, кўзингизни очинг.*

*Оврурони қаранг, санъат кинини кўринг...<sup>78</sup>*

деб замон шоирларини огоҳликка чорлайди, уларни билимсизликда, фақатгина гўзалларнинг чиройини куйлаш билан овора бўлиб қолганликда айблайди. Азмий шеърларида илм-маърифат тарғиб қилинган байтлар ҳам бор. У “Миллатнинг тараққийси тўғрисида сиз ҳамият кўрсатинг” дея шоирларни ижтимоий фаолликка чорлайди.

Бундай баҳсли мақолалар биргина “Ал – Ислоҳ”да эмас, жадиждларнинг бошқа нуфузли журнал ва газеталарида ҳам мунтазам чоп этилган. “Ойна”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” каби нашрлар ҳам бу мунозараларга бефарқ бўлган эмас.

1914 йилнинг 20 майида “Садои Туркистон” газетасида Авлонийнинг “Гапурманглар” шеъри чоп этилган. Муаллиф фикрича, миллат таназзулдан изтироб чекаётган, мустамлака гирдобидида қолиб, эрку озодликдан маҳрум бўлган бир замонда ишқий мавзуларда шеър ёзиш муносиб эмас эди.

*Сизга арзим будур, эй шоирон, ишқия назм этманг,*

*Қалам қош, зулфи сунбул, сарви қоматдан гапурманглар.*

*Келинг, эмди ёзайлик, сўзлашайлик камчиликлардан<sup>79</sup>.*

Бу каби шеърларга яқин – яқингача шўро мафкураси тазйики билан бир томонлама баҳо бериб келинди. Улардан синфий кураш аломатлари изланди. Шу маънода, адабиётшунос олимларнинг “Абдулла Авлоний “Қаламқош зулфи сунбул, сарви қоматдан гапурманглар”, - деб ўшқиришига қарамай замон шуаросининг лирик қахрамони жононага дил беради,

<sup>78</sup> //Ал-Ислоҳ, 1917, 5-сон, 766-бет; қаранг: Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. ном...дисс. –Т.: 1993.-Б. 32.

<sup>79</sup> //Садои Туркистон., 1914, 20 май. Бу ҳақда У.Жўракулов ҳам “адибнинг мавжуд эстетик тамойиллардан қониқмаган”лиги муносабати билан ушбу шеърни таҳлил қилган (Қаранг: У.Жўракулов. Худудсиз жилва. –Т.: Фан, 2006.-Б. 79).

унинг ҳусни, ахлоқини мақтайди”, сингари қарашларини ўша давр тақозоси ўлароқ ёзилган, деб ҳисоблаш мумкин.

Авлоний нима учун “Ишқия назм этманг”, яъни ишқий шеърлар ёзманг демоқда? Бу билан у дунёвий муҳаббатга қарши чиқмоқдами? Табиийки, бундай эмас. У Туркистон шоирларини ҳадеб ишқий шеърлар ёзавермасдан ўлкада ҳал қилиниши лозим бўлган камчиликлар, муаммолар ҳақида ёзишга даъват этади<sup>80</sup>. Маърифатпарвар шоирнинг “Ёзайлик, сўзлашайлик камчиликлардан”, дея таъкидлаши сабаби шунда.

Ҳамза асарлари орасида ҳам худди шу мазмундаги шеърлар кўплаб учрайди. Унинг қарашлари юқоридаги фикрлар билан мутаносиб. “Садон Туркистон” газетасининг 1914 йил 23 август сонидида “Гапур” номли шеърида Ҳамза бундай ёзади:

*Кўй эски боғу эски толу шўразор афсоналар,  
Янги кўчат асорию янги чаманлардан гапур.  
...Исми журнолу китоб, яхши рўмонлардан гапур<sup>81</sup>.*

Ҳамза янги адабиёт намояндаси эди. Унинг фикрича ҳам анъанавий ишқ – муҳаббат мавзуи эскирган. Энди замонга мувофиқ янги журналлар, китоблар, ҳаётни кенг тасвирлаш, муаммоларни рўйи рост, очиқ – ойдин ёритиш имкониятига эга бўлган янги жанрлар, хусусан, романлар керак, дейди у.

Ошиқона шеърлар жамият ахлоқига салбий таъсир кўрсатади, деган қараш Мирмуҳсин Шермуҳамедов асарларига ҳам хосдир. Унинг “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган “Шоир жанобларига илтимос” номли мақоласида қайд этилишича, ишқий мавзудаги мувашшаҳлар жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайди, аксинча, зарари бор<sup>82</sup>. Ёшларнинг одоб-ахлоққа оид китоблар ўрнига ахлоқни бузғувчи ошиқона мувашшаҳларни ўқиётганидан изтиробга тушган адиб бундай ёзади: “Кимга дод этармиз шоирларимизни дастидан, қай растага оёқ ташласам ёш-ёш ўсмир болаларни газета ва мажалла

<sup>80</sup> Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. ном... дисс. –Т.: 1993.-Б. 32.

<sup>81</sup> //Садон Туркистон, 1914 йил, 23 август.

<sup>82</sup> Қаранг: Жалолов.А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни. Филол.фан.док...–Т.:1993.-Б. 45.

ўрнига дўконга тўнқойиб, ишқий баёз ўқиб турғонларига кўз тушади<sup>83</sup>”.

Ҳожи Муин “Ойна”даги “Жавонбозлик сабаблари” мақоласида ўз даври адабий жараёни тўғрисида фикр юритиб, адабиёт нотўғри йўлдан бориб, халққа кутилган таъсирни эмас, акс таъсир, зарарли таъсир кўрсатаётганидан шикоят қилади. У бундай ёзади: “Шоирларнинг энг яхши ғазаллари бесоқол жавонларни мақтаб, исмларини муваъшшаҳ, яъни мисра ва байт бошига солгани ва шундай ғазалларни баъзи жавонларга пулга сотгани тўғри эмас<sup>84</sup>”. Унингча ҳам, Туркистондаги зиддиятлар, маънавий таназзул маърифатсизлик, яъни ахлоқ бузувчи шеърлар таъсирида юзага келаётир. Жаҳолат ҳақида фикр юритиб, жадид ва қадим низоларининг келиб чиқишини ҳам шунда, деб бонг уради: “Оҳ! Золим жаҳолат, биз туркистонлиларнинг юз тарафиндин эздинг! Иккинчи тарафдан жадид ва қадим номи ила орамизга тафриқа ва адоват солдинг! Маълумки, сени йўқ қиладурғон нарсалар: илму фан, жаҳду ғайрат ҳам маданияти ҳозирадур...<sup>85</sup>”

Тарихнинг кескин бурилиш давридаги бу каби баҳс-мунозараларнинг ижобий ечимини топиш кишилар тафаккурида эврилишлар юз беришига олиб келиб, хур жамият пойдеворини тиклашга олиб келиши зарур эди.

Хур жамиятнинг ўзлиги ва алоҳида миллат бирлигини таъмин этган ҳодисалардан бири – тил масаласи ҳақидаги тортишувлар ҳам жадидларнинг тийрак нигоҳлари олдида турган. Бинобарин, улар миллий тилнинг софлиги учун кураш олиб борган эдилар. “Ал-Ислоҳ” журналидаги тил масаласига оид мунозаралар ҳам бунинг исботидир.

XX аср бошларида ўзбек адабий тилининг қандай ривожланмоғи кераклиги, бунинг учун қандай йўллардан бориш лозимлиги муҳокама қилина бошлади. Бу борада энг тўғри йўл сифатида халқ жонли тили имкониятларидан кенг фойдаланиш, ўзбек тилини бошқа тиллар таъсирига тушиб қолишдан муҳофаза қилиш масаласи кун тартибига қўйилди.

<sup>83</sup> //Туркистон вилоятининг газети, 1914 йил, 72 – сон.

<sup>84</sup> //Ойна, 1914 йил, 22 – сон.-Б. 637.

<sup>85</sup> Ўша жойда.

Айни пайтда мунозараларда ғоявий ижодий принциплар учун кураш ҳам борди. Жадиждлар миллий тилимизнинг бошқа бегона тиллар таъсирида бузилишига қаршилиқ кўрсатди. Мактаб ва мадрасалар дарсликлари тили ва матбуотда чоп этилаётган мақолаларнинг соф ўзбек тилида бўлиши учун курашди. Тил масаласига оид бундай танқидий мақолалар вақтли матбуотда мунтазам эълон қилиб борилди. Жумладан, “Ал-Ислоҳ”, “Ойна”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” нашрлари шулар жумласидандир.

Иброҳим Тоҳирийнинг “Ал-Ислоҳ”да чоп қилинган “Матбуот ва ислоҳ” сарлавҳали мақоласи бу жиҳатдан ҳарактерлидир. Муаллиф Туркистонда нашр қилинаётган асарлар ва газета-журналлар тили ҳақида сўз юритади. У матбуот хусусида фикр юритиб, уни ахлоқий –маънавий озуқа берувчи омил сифатида талқин этади: “Бир халқнинг матбуоти ўшал халқнинг кўнглида ёширинғон, кўкрагида сақланган тилақларини, орзуларини энг очиқ суратда кўрсатадурғон ойнасидур. Бир халқнинг матбуоти ўшал халқнинг ўтганини, келажакгини ва андо ўлғон ва ўлажақ умидларини, фарзларини, йўлларини, қайғуларини сўзлайдурғон бир тилдур...”<sup>86</sup> Мақоланинг кейинги сатрларида тожик тилининг ўзбек тилига таъсири масаласига тўхталиб, “Садои Туркистон” газетасининг номланиши ва унинг муҳаррири Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаевнинг юрист бўла туриб тожик тилидан сўз олиб газетага ном қўйишини танқид қилиб бундай ёзади: “Ҳар бир газетанинг буюк бир вазифаси миллий тилга, “имло”га аҳамият беруб ва шуларни ислоҳ қилишдур... газетанинг бошинда юрист Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев кишиларини муҳофаза эдар кўзи очиқ ҳуқуқ олими турса-да, бу газета муҳтарам миллий тилимизнинг ҳуқуқина недандур масоҳила этмиш, эҳтиромсизлик кўстармишдур. Ўз тилимизда бор бир сўзни ташлаб иккинчи тилдан сўз олиб газетага исм берса ҳам, оз – чўқ фасоҳати ўлур эса-да, муқаддас миллий тилимизга албатта хиёнат ўлур, жиноят ўлур”<sup>87</sup>.

<sup>86</sup> //Ал - Ислоҳ, 1915 йил, 5 – сон.-Б. 141.

<sup>87</sup> Шу жойда. –Б.144 – 145.

Миллат эртасини ўйлаб жон куйдираётган маърифатпарварларнинг барчаси жаҳолатдан чиқиш йўлларини излади ва бундай нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилди. Иброҳим Тоҳирий Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш”, Нусратулла Қудратулла ва Ҳожи Муин ҳаммуаллифлигида ёзилган “Тўй” драмаларининг тил хусусиятларига аҳамият қаратиб, кескин танқид қилади. Ҳатто мактаб болаларининг иншо ва имлоларига менгзайди. “... “Падаркуш”, “Тўй” рисолачаларина қарангиз”, –деб ёзади муаллиф. – “Туркистонлиларнинг ўз шевалярина ёзуб нашр этгон асарларинда тил жиҳати ила дурустлик ва поклик йўқдир...”<sup>88</sup>

Тўғри, бу асарлар ўз даврида кенг муҳокама қилинди. Ҳатто “Тўй” драмасининг муаллифларидан Ҳожи Муин бу камчиликларни тан олиб, “Танбеҳга ташаккур” сарлавҳаси билан иқрорнома тарзида мақола ёзди. “Тўй” пьесаси ўзбек драматургияси тарихида “Падаркуш”дан кейин яратилган иккинчи асар ҳисобланади. Асарнинг босилиб чиқиши адабиёт оламида катта қувонч билан кутиб олинди. “Тўй” чоп этилганлиги ҳақида қисқача тақриз берган “Ойна” асарни “ибратомуз” деб таърифлайди<sup>89</sup>. “Садои Туркистон” муаллиф шаънига “яшасун бундай ёш фикрли зотларимиз!”<sup>90</sup> дея хитоб қилди. “...Тил тўғрисидаги, баъзи камчиликларни истисно қилганда, ўз турмушимиз дурустгина тасвир қилинган”, деб ёзди<sup>91</sup>. “Ал-Ислоҳ” эса асар тилидаги нуқсонларни танқид қилди.

“Ойна” журналидаги кейинги тақризда эса асарнинг тил хусусиятлари анча кенг таҳлил этилган<sup>92</sup>. Муаллиф асарнинг лаҳжа ва имлода нуқсонлари борлигини таъкидлайди. Масалан, “Эшак”, “Олуфта”, “Ўша валад” каби сўзларни ғайриахлоқийлик деб ҳисоблайди. Ва асарнинг қайта нашрида бу сўзларни ислоҳ қилиш заруратини таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, “Ал-Ислоҳ”дан бошқа нашрларда ҳам “Тўй” драмасининг камчилик томонлари кўрсатилган. Бироқ бу масалада ҳам муайян мунозаралар бўлиб ўтган. Жумладан,

<sup>88</sup> Иброҳим Тоҳирий. Магбуот ва ислоҳ. // Ал – Ислоҳ, 1915, 6 – сон.-Б. 178.

<sup>89</sup> // Ойна, 1914, 2-сон.

<sup>90</sup> // Садои Туркистон, 1914, 5-ноябрь

<sup>91</sup> Ўша манба.

<sup>92</sup> Қаранг: // Ойна, 1914, 3-сон.

Иброҳим Тоҳирийнинг “Ал-Ислоҳ” журналидаги “Матбуот ва ислоҳ” номли мақоласига зид равишда “Ойна” журналининг 1915 йил 12-сонида имсосиз “Лоф” сарлавҳали мақола чоп этилган. Мақолада Иброҳим Тоҳирий фикрларига зид мулоҳазалар учрайди. Иброҳим Тоҳирийга мурожаат қилиб, “Падаркуш” асарининг камчилик жиҳатини кўрсатинг, деган саволни қўяди номаълум муаллиф. Шундан сўнг эса “Падаркуш” драмасида айрим русча сўзлар борлигига иқроор бўлиб, бу ҳол асарнинг қимматини туширмаслигини таъкидлайди. Тожик тили аралашувини эса ота – боболар ёзган диний ва ахлоқий китоблар ва мадраса тили таъсири сифатида изоҳлайди. Шу билан бирга “Ал-Ислоҳ” журналидаги Иброҳим Тоҳирий мақоласига таъна қилиб, бундай ёзади: “Бурунги замонда турк шеvasини тожик тилидан тозалаб, соддалиғина ва поклиғина қайтарув ул қадар қийин бўлмаса керак, Тоҳирий бу икки хатлик жумласида ўн уч калима туркий, тўққиз калима арабий – форсий ёзибдурки, ўз сўзиға ўзи амал қилмайдур..<sup>93</sup>.”

Тил ҳақида “Ойна” журналида ҳам танқидий мақолалар чоп этилган. Жумладан, 1914 йил 11-сонида имсосиз муаллиф томонидан “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар” номли мақола босилиб чиққан. Мақолада худди юқоридаги фикрларга мутаносиб мулоҳазалар бор. Муаллиф таассуф қилиб, бошқа миллатларни мисол қилиб кўрсатади. Қайси миллат ўз она тилини ташлаб бошқа бегона тиллардан сўз олади, дея нолийди. Мисол қилиб, русча калималарнинг халқ тилида тез – тез тилга олинуви, ҳатто драма, вақтли матбуот тилида ҳам русча, арабча ва тожикча сўзларнинг аралашувини танқид қилади: “Ушбу Туркистонимизда қайси бир рус, ё қайси бир арман ўз тилини қўйиб бир-бирови ила туркча сўйлайдур. Аммо бизнинг сўзлашганимиз вақтда ҳар бир жумлада бир калима рус сўзи эшитилур. Масалан: “Манго бир оз помогот қилинг”, “они мунча иштираф қилдилар”, “Фалон одамнинг дўкони печат қилинди”. Ваҳоланки бул сўзлар ҳаммаси мусулмонча адо бўлина олур. Масалан, помогат – ёрдам, иштираф – жарима, печат – муҳр... Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай

<sup>93</sup> //Ойна, 1915, 12-сон.-Б. 321.



анга ажнабий луғат ва сўзларни қўшаберсак бир оз замонда тил ва миллатимизни йўқотурмиз. Миллатимизни йўқотганда диёнатимиз ўз – ўзи ила албатта йўқолур<sup>94</sup>”.

Бу масалада Ашурали Зоҳирийнинг “Садои Фарғона” газетаси 1914 йил 13 апрель сонидаги “Она тили” номли мақоласи диққатга лойикдир. Мақола “Она тили” деб номланган бўлса – да, унда миллий адабиётнинг ўша даврдаги аҳволи, миллий адабий тил ҳақида фикр юритилган. Муаллиф мақоланинг бошидаёқ адабиётнинг кенг маъносига мана бундай таъриф беради: “Бир миллатнинг ўз тилидаги китоб, рисола, ғазета, журнал ва бошқалариға бир сўз билан “адабиёт” дейилур. Шунинг учун арабча китоб ва рисолаларға “адабиёти арабия”, турк, татарча бўлгонлариға “турк адабиёти”, “татар адабиёти” дейилур<sup>95</sup>”.

Мақолада муаллиф тили ва адабиёти бўлмаган ёки етарлича тараққий топмаган миллатнинг бошқа халқлар олдида ҳурмат ва эътибори ҳам юқори бўлмайди, деган фикрни илгари суради: “...адабиёти бўлмагон, бўлса ҳам борлиқ-йўқлиқ ёки адо бўлгон чироғдек ўчар-ўчмас бўлса, ул қавмнинг бошқалар олдида ҳурмат ва эътибори бўлмас ва ҳар навъ ҳаёти ижтимоия ва маданиядин баҳра ололмайди”<sup>96</sup>.

Зиёлилар, уламолар умуман ўқимишли ёшлар муқаддас она тилимизни ривожлантирмоқ у ёқда турсин, балки йўқотмоқликка сабаб бўлаётганларини кўриб афсусланади, ўзбек тилини менсимай, форс, араб, татар тилларида ҳужжат ишларини юритаётган, бир–бирлариға хатлар ёзаётган туркистонликларни қаттиқ қоралайди. У бундай ёзади: “Нечунки уламоларимиздин бири бирор ерға хат ёзса ёки бировға берган нарсасини хотира дафтариға ёзса, ўз она тилини қўйиб форс тилида ёзадурлар... ёш ўсмурларимиз бўлсалар ўз ерликларидан бирини зиёфатға чақируб хат ёзсалар ҳам усмонлича ёки татарча ёзадурлар, нега она тилиға ҳурмат шуму?”<sup>97</sup>.

<sup>94</sup> //Ойна, 1914, 11-сон.-Б. 836.

<sup>95</sup> //Садои Фарғона, 1914, 13 апрель.

<sup>96</sup> Шу жойда.

<sup>97</sup> Шу мақолада.

Аслида, Ашурали Зоҳирий ўзга миллат тилларини ўрганишга қарши бўлган эмас. Унинг: “Дуруст, форсча, арабча, ўрусча ва бошқаларни ҳам билайлик, билайликкина эмас, яхши билайлик, лекин ўз она тилимизни ҳаммасидан ортиқ ва зиёда билайлик”<sup>98</sup>, – деган фикрлари ҳам буни тасдиқлайди. Муаллиф она тили тараққиёти масаласини халқ, жамият, давр билан боғлаб текширишга интилади. Унинг фикрича, халқ ва тил бир – бири билан чамбарчас боғлиқдир, бирини иккинчисидан ажратган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий уйғониш маърифатпарварлари адабий танқид, тил софлиги бадиий адабиёт ривожининг муҳим шартларидан эканлиги хусусида шу тариқа мунозара юритдилар, ҳақиқатни юзага чиқаришга интидилар. Қайси адиб ўз асарида бошқа тилдан кирган сўзларни кўп ишлатса, у беаёв танқид қилинди. Ҳатто, ўша даврнинг энг пешқадам адиблари ҳам аяб ўтирилмади. Бу жиҳатдан қўқонлик Расулийнинг “Ойна” 1915 йил 9-сонида чиққан “Шоир ва миллий шеърларимиз” номли мақоласи аҳамиятга моликдир. Мақолада ўзбек шоирлари шеърларининг таъсирчан эмаслиги сабабини “...муҳтарам шоирларимизни(нг) ўз шеvasида шеър ёзмасдан шеърларини(нг) ярмидан кўпроғи усмонлича ва татарчадан кўшилганлигидандур...”<sup>99</sup> – дея изоҳлайди. Муаллиф фикрини исботлаш учун Абдулла Авлоний ижодидан мисол келтиради:

*Чужуқлар тарбиятсиз, илмдан бегонайн сархуш,  
Авомуннос гийбат ҳосили афсонайн сархуш.*

Шу тариқа қатор мисоллар билан ўз фикрини исботлай олган муаллиф “шуаромиз миллат англамайдурғон тилда ёзмоқларидан мақсад нимадур?” дея савол қўяди. Расулий мақолани шоирларга қарата: “....эмди ёзадурғон шеърингизни ўз шевамизда ёзингиз.... миллат шеърингизни ўқиб фойдалансин” – деган фикр билан яқунлайди.

Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ҳожи Муиннинг тилга оид қарашлари бу борадаги мунозаралар моҳиятини тушунишда, айниқса аҳамиятлидир. “Ҳожи Муин 1913 йилнинг охирларига келиб, адабий танқид бўйича мақоласини эълон қилди. Шу

<sup>98</sup> Кўрсатилган манбада.

<sup>99</sup> Расулий. //Ойна, 1915, 9-сон.

пайтдан эътиборан “Ойна” журналида унинг бирорта ҳам форсийда ёзилган мақоласи кўзга чалинмайди. Ваҳоланки, 1914 йилнинг баҳор ва ёз ойларида Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқандда бўлмаган даврда “Ойна”нинг тақдири муҳаррир сифатида Ҳожи Муин ихтиёрига берилган эди. Ҳожи Муин анча тадбиркор бўлгани сабабли икки ҳафтадаёқ журналнинг техник ва таҳририй жиҳатлари анча яхшиланди. Ингеборг Балдауфнинг таъкидлашича, Ҳожи Муин Маҳмудхўжа Бехбудийнинг истагидан бир оз чекиниб, “Ойна”ни соф туркий журналга айлантириб қўйди. Бироқ журнал муқовасидаги “туркий – форсий мусулмон журнали” иборасини ўзгартирмади”<sup>100</sup>.

“Ал-Ислоҳ”да тил хусусида бўлган мунозаралар бу муаммо ҳаёт-мамот масаласи ўлароқ кун тартибига қўйилган бир пайтда, айниқса, муҳим ўрин тутди. Мутахассисларга аён, бу даврда Фитрат бошчилигидаги “Чигатой гурунги” бу масалани янада кенгроқ микёсда кун тартибига қўйган эди. Буни Мўъминжон Муҳаммадҷонов “Турмуш уринишлари” номли китобида мана бу тарзда изоҳлаган: “Бу гурунг”нинг мақсади: ўз тилимизни тузатиш, орасидан арабий, форсий тилларни имкони борича қувлаб чиқариб уларнинг ўрнига ўз тилимиздан топиб қўйиш, бойитиш эски имлони ташлаб мактаб болаларини янги имлога ўргатиш эди”<sup>101</sup>...

Ҳақиқатан ҳам, жамият фаолиятида тил масалалари алоҳида ўрин тутган. “Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир, биласизми?” – дея савол қўйган эди Фитрат “Тилимиз” мақоласида, ва – “Туркча!” деб жавоб бергани ҳолда ўз фикрларига далиллар келтиради: “Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили худ туркчадир. Тилларнинг бахтсизлиги совет ҳукумати чоғинда бўлган бир ишдир, бундан бурун бахтли эдилар деганлар тилимизни ҳолини билмасдан гапуралар... Дунёнинг энг бой тили бўлган туркчамиз ёлғуз арабча кумруқлар билан эмас, форси(й)ча тепкилар билан дахи эзилмишдир. Кўзларимизни тўрт очиб қарайлиқ, дунёнинг энг

<sup>100</sup> Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001.-Б. 44-.

<sup>101</sup> Мўминжон Муҳаммадҷонов. Турмуш уринишлари (Бир мулла боланинг хотира дафтари). – Т.: 1926.-Б. 315.

буюк ҳакими бўлган Ибн Сино туркдир. Иккинчи Арасту аталган Форобий туркдир.”<sup>102</sup> Бу фикрлар “Ал-Ислоҳ”даги мақолаларда давом эттирилди. Миллатнинг шаъни – шарафи, ор – номуси ҳисобланган тил масаласи журналдаги аксарият мақолаларда энг долзарб муаммо ўлароқ зикр этилди.

Миллий адабиёт ва миллий тил ривожини бир-биридан айри тасаввур этиш маҳол. Бу жиҳатдан, адабиёт ва тил ҳақидаги мунозаралар муштарак бир ҳодисанинг ўзига хос талқини эканини таъкидлаш керак.

Бу мунозараларни янги эстетиканинг шаклланиши борасидаги баҳслар деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Бегали Қосимов, Бахтиёр Назаров, Рустам Тожибоев, Узоқ Жўрақулов каби адабиётшунослар кузатувлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Масалан, Бегали Қосимов “Излай – излай топганим” номли китобининг “Янги эстетиканинг шаклланиши” бобида XX аср бошларида ўзбек адиблари ижодида бадиий адабиётга янгича қарашлар пайдо бўлганини кўплаб мисоллар орқали талқин этади<sup>103</sup>. Академик Бахтиёр Назаров “Ўзбек адабий танқидчилиги...”<sup>104</sup> илмий рисоласида ҳамда докторлик диссертациясида<sup>105</sup> XX аср бошларидаги ўзбек танқидчилиги тарихига қисқача тўхталиб, матбуотнинг адабий танқиднинг такомилдаги роли ҳақида аниқ мисоллар билан фикрларини умумлаштирган. Адабий танқиддаги баҳсларни “Ал-Ислоҳ” журналида кечган мунозараларга қиёслайди.

Рустам Тожибоев бу мунозараларга қуйидагича муносабат билдиради: “Ал-Ислоҳ” журналининг чоп этилиши адабиёт ривожига, танқидчилик тараққиётида муҳим ижобий роль ўйнади. Бунга журнал саҳифаларидаги кураш яққол мисол бўла олади”<sup>106</sup> – дейди.

---

<sup>102</sup> Абдурауф Фитрат. Тилимиз. (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Х.Болтабоев). – Т.: Маънавият, 2009, 124-126-бетлар).

<sup>103</sup> Қаранг. Б.Қосимов. Излай-Излай топганим. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.-Б. 42.

<sup>104</sup> Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон. Т.: Фан, 1979.-Б. 46.

<sup>105</sup> Назаров Б. Ўзбек совет адабий танқиди методологик принципларининг шаклланиши ва тараққиёти. ф.ф.док... дисс. Т.: 1983.-Б. 83.

<sup>106</sup> Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. ф.фан. ном. дисс. –Т.: 1993.-Б. 32.

Узоқ Жўракуловнинг “Худудсиз жилва” рисоласида бу мунозаралар эстетик баҳслар тарзида баҳоланади. Жумладан, муаллиф бундай ёзади: “Кўринадики, мавжуд эстетик қарашлардан қоникмаслик (Аҳмад Табибий), бадий асарда давр муаммоларини кўриш истаги (Иброҳим Даврон), бадий асар қимматини янги мазмунда деб билиш (Ҳ.Муъин), адабиёт равнақини жамият, миллат тараққиёти билан бир бутунликда талқин этиш (Чўлпон) янги эстетиканинг илк босқичи учун хос хусусият бўлган. Қисқа фурсатда бундай қарашлар эстетик баҳсларга айланди. Матбуот баҳс майдони вазифасини бажарди”<sup>107</sup>.

Кўришиб турибдики, “Ал-Ислоҳ” муаллифлари адабиётга эмас, миллат ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асарларга эътироз билдирган. “Ал-Ислоҳ”да мунтазам чоп этилган адабиётга оид мунозаралар миллий адабиёт шаклан ва мазмунан янгиланаётган даврда унинг истиқболини белгилашда муҳим ўрин тутди. Бинобарин, энди адабиёт инсон кўнглини тадқиқ этишдан миллатнинг тақдири билан боғлиқ масалаларни тасвирлашга ўтаётган, мақсадга эмас, маърифий воситага айланаётган эди.

Ўтган аср бошидаги қадимчилар ва жаидлар ўртасидаги мунозараларни янгича кўз-қараш асосида баҳоламоқ керак. Бу баҳслар янги адабиёт орзусининг ўзига хос талқинлари эди, дейиш мумкин.

---

<sup>107</sup> Жўракулов У. Худудсиз жилва. Т.: Фан, 2006.-Б. 78.

## САНЪАТГА ДОИР БАҲСЛАР

Миллий уйғониш даври маърифатпарварларининг мусиқа ва театр санъати борасидаги баҳс—мунозаралари ҳам алоҳида ўрганишни тақозо этади. Мусиқа ўзбек халқи ҳаётида ҳар доим ҳам муҳим ўрин тутган. Мусиқанинг тарихи, тўғрироғи, ёзма тарихи анча қадимий. Мутафаккир боболаримиз мусиқа илмига оид кўплаб китоблар ёзган. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Кутбиддин Шерозий, Сафиуддин Абдулмўъмин Урмавий, Абдурауф Фитрат шулар жумласидандир.

Айниқса, XX аср бошларида тараққийпарвар зиёлилар мусиқага оид мунозарага бой мақолалари билан матбуотда фаол иштирок этди. Мусиқага шариатнинг муносабати ҳам ана шундай масалалардандир.

"Ал-Ислох" журналининг 1915 йил 19-сонида Туркистон уламоларидан Мулла Шокир томонидан "Мулла Шокир Алибой ўғли тарафидан саволлар" сарлавҳали мақола эълон қилинган. Муаллиф бутун Туркистон қаламкашларидан бу мақолада билдирилган мулоҳазаларга тезликда жавоб ёзишни сўрайди. Уламо ва зиёлиларнинг тўйларда базм қилиб, ашула айтиб, ўйин-кулги уюштириши тўғрими, деган саволни ўртага ташлаб, анча кескин фикрларни билдиради. Марғилонлик Фазлулваҳҳоб қорининг "Ал-Ислох" журнали 1915 йил 21-сонидаги "19-(сон)даги Мулла Шокир саволига жавоб" номли мақоласида шариатнинг мусиқага муносабати салбий экани уқтирилади.

Мақолада куйидагиларни ўқиймиз: "...Хоҳ танбур ва дутор ва чанг ва рубоб ва қонун ва сурнай ва кўшнаи ва чилдирма ва карнай ва шунга ўхшаган олотлар бирла бўлсун ва овоз бирла абёт ва ошиқона ғазаллар ўқусун. Хоҳ мазкур абётлар арабий ва форсий бўлсун ва хоҳ туркий бўлак нағамотларда бўлсун, шунга ўхшаш беҳуда ўйин-кулги ҳаммаси ҳаромдур ва мазкур нағамотлар бўлгон вақтда сукут айламак ножоиздир"<sup>108</sup>.

Бугунги дунёқараш билан муқояса қилайлик. Бизнинг замонамизда ҳам мусиқа ҳақидаги мазкур фикр-мулоҳазаларга ҳамоҳанг фикрловчилар йўқ эмас. Ваҳоланки, мусиқа миллий

<sup>108</sup> // Ал-Ислох, 1915, 21-сон.



маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган. “Шашмақом”ларни эслайлик. Бир неча асрлик тарихга эга бўлган бу бебаҳо дурдоналарда халқимизнинг ҳаёти, унинг ички олами, буюк орзулари ўзининг бетакрор ифодасини топган. Исломи дини билан бевосита боғлиқ бўлган тасаввуф таълимотида ҳам мусиқага ижобий қаралган. Шу ўринда биргина мисолни келтиришимиз мумкин. Адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов “Нажмиддин Кубро” номли илмий рисоласида етук тасаввуф намояндаси Нажмиддин Кубро ҳаёти ҳақида фикр юритиб, бундай ёзади: “Нажмиддин пир излаб шаҳарма – шаҳар кезиб юриб Дизфул шаҳрига келади... У ерда бетоб бўлиб қолади. Бир одамдан, “бу шаҳарда ғариб ва бетоб кишига раҳм қилиб жой берадиган мусулмон бормикан”, деб сўрайди. У одам: “Шу яқинда бир хонақоҳ бор, шайхи ҳам яхши одам” деб Исмоил Қасрий хонақоҳини кўрсатади. Нажмиддин хонақоҳга борганда, унга дарвешлар супаси рўпарасидаги супадан жой берадилар. Унинг касали анчагача чўзилади. Хонақоҳда ҳар кеча рақсу самоъ мажлислари уюштириларди... Бироқ бир кеча навбатдаги самоъ авжида Шайх Исмоил хушҳол бир суратда Нажмиддиннинг олдига келиб, қўлидан ушлаб ўрнидан турғизади ва мажлис ўртасига олиб бориб, рақс оҳангида айлантиради, кейин олиб бориб деворга суяб қўяди. Нажмиддин аввалида беҳолликдан йиқилиб кетгудай бўлади, аммо бирдан ўзига келиб, худди ҳеч бир дард кўрмагандай ўзини тетик ва саломат ҳис этади<sup>109</sup>.” Кўриниб турибдики, тасаввуф намояндаларининг мусиқага муносабати ижобий бўлган. Чунки инсон қалбидаги ишқи илохийни кўпинча куй, ашула воситасида ифодалаган.

Фазлулваҳҳоб мақоласи бутун Туркистон уламоларини ҳайратга солди. Уламоларнинг муносабат билдирган мақолалари журнал саҳифаларида мунтазам чоп этилиб турди. Журналнинг 1916 йил 2-сонида босилган кўқонлик Ашурали Зоҳирийнинг “Шариати исломия ва мусиқа ёки Фазлулваҳҳоб қорина раддия” номли мақоласи шу жумладандир. Мақолада Ашурали Зоҳирий: “Қори афандининг далиллари ғинонинг мутлақо ҳаромлигига

<sup>109</sup> Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Т.: Абдулла Қодрий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.-Б. 12.

далил бўла олурми?” – деган ўринли саволни Туркистон уламолари муҳокамасига ҳавола этади ва бу борадаги мунозараларни "Ал-Ислоҳ" журналида ёритиб боришни миллат номидан сўрайди. Ўз даврининг закий уламолари қаторида диний ва дунёвий илмларни, тасаввуф намояндалари асарлари ва ҳаётини анча мукамал билган Ашурали Зоҳирий мақолада бундай ёзади: "...Мана бу катта 21-нчи адад "Ал-Ислоҳ" қўлумга тушди, бунда Фазлулваҳҳоб қори имзоси бирла мусиқа ва нағамотни эшитмоқ хусусида (19-нчи ададда Мулла Шокир Алибой ўғли тарафидин сўралмиш саволга) жавоб ёзилган экан, бундоғ жавобларни (мужиб ким бўлса бўлсун) таҳқиқ, тафтиш этуб, баъд оmodасига санад қилуб келтурғон далилларини ҳам ровий тақиқлаб, ҳамда дунёвий фиғондан лаззат ёки анга машғулот бекордур, деб тасаввуф йўлига ғут урғон кишиларнинг асарларидан далил ахтармай, маъруф ҳадис китобларидан ҳам ислом уламоларининг асарларидин санадлар ахтармоқ лозимдур. Агар бундоқ қилинмаса, уммати исломияни ҳозирги ҳолидан ҳам ёмонроқ ва ботқоқроқ тарафга бошлаб судраган бўлину<sup>110</sup>...".

Аслида Ашурали Зоҳирий таъкидлаган "маъруф ҳадис китоблари ва ислом уламолари асарлари"да ҳам мусиқага муносабат ижобий бўлган. Фитрат асарлари ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Жумладан, мутафаккир "Оила" асари "Ибо" бобида мусиқанинг шаръий жиҳатдан жоиз экани хусусида сўз юритади ва бу фикрни "Саҳиҳи Бухорий"дан Биби Ойшадан ривоят қилинган ҳадисни келтириш орқали исботлайди. Ҳадисда Муҳаммад пайғамбар ашула айтаётган канизақларни Абу Бакр ғазабидан ҳимоя қилгани ҳақида зикр этилган. Фитрат танлаган ҳадислардан яна бир нечасида пайғамбаримиз оилалари билан рақс томоша қилганлари, мусиқа тинглаганлари ҳақида ҳикоя қилинган. Юқорида келтирилган биринчи ҳадис XVI асрнинг II ярмида яшаб ижод этган мусиқашунос, оҳангсоз ва шоир Дарвеш Али Чангий асарида ҳам келтирилган. Ораларида тўрт юз йиллик масофа бўлган икки муаллиф бир

---

<sup>110</sup> Ашурали Зоҳирий. //Ал-Ислоҳ, 1916, 2-сон. – Б. 45.

манбага мурожаат этган. Шу давр мобайнида мусиқа аҳлига, санъатга муносабат ўзгармагани эътиборга моликдир<sup>111</sup>.

Миллий уйғониш даврининг таниқли уламози туркистонлик Мулла Носир ибн Саид Камолхўжа ал-Косоний “Ал-Ислох”нинг 1916 йил 2-сонида “Диний муборак мажаллаи исломия “Ислох”имиздан тубандоғи икки-уч калима сўзга жой берсалар” номли мақоласи чоп этилган. Мақола Абдурауф Фитрат қарашларига ҳамоҳанг экани билан аҳамиятлидир.

Мақолада ёзилишича: “...баъзи фозилларимиз жавоблари “Ислох” мажалласида манзуримиз ўлди. Тангри таоло амсолларини гулгуна вужудлари бирла ғурбатзада ислом гулистонина зийнат берсун, аммо кутуби мутадовила муктазосинча олоти тараб ва нағма бўлмай, фақат абёти фасихатомиз, маоънийи ғайри машруадин бири бўлса, агарчи кондаи мусиқий ҳам бўлса мужавваз, ва никоҳ тўйларида бўлса, эълон учун баъзи олот бирла бўлса ҳам дурустлиги назарға тушди.<sup>112</sup>”

Мақолада ал-Косоний ҳар қандай масалада халқни қаноатлантира оладиган жавоб бериш замон олимларининг бурчи эканини, аммо ҳар қандай жавоб Қуръон ва ҳадислар билан асосланган бўлиши кераклигини, худди шу жиҳатдан қаралса, мусиқа шариатда ҳалол эканини таъкидлайди.

Муҳаммад Расулulloҳнинг (с.а.в) муборак ҳадисларига мурожаат қиладиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида мусиқа, куй ва оҳангнинг ҳалол эканлиги тасдиқланганини кўрамиз. Ҳазрати ал – Бухорий тузган ҳадислар тўпламининг учинчи жилдидаги “Никоҳ китоби” қисмида ҳам шариатнинг мусиқага муносабати ижобий эканлиги талқин этилган. Ойша онамизнинг ривоят қилишларича, ҳазрат Расулulloҳ (с.а.в) шундай деганлар: “Никоҳни (халққа) эълон қилинглр ва уни масжидда бажаринглр, сўнгра доира чалинглр”. Кўриниб турибдики, пайғамбаримиз никоҳ тўйларни, фарзандга ақиқа қилишни, тўйда эса базм қилиб, доира чалиб кўшиқ айтишни буюрганлар.

<sup>111</sup> Бу ҳақда қаранг: Рашидова Д. Жадидлар меросида мусиқа. Жадидчилик, ислоҳат, янгилик, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам №1. – Т.: Университет, 1999. – Б. 85.

<sup>112</sup> Ал-Косоний. Диний муборак мажаллаи исломия. “Ислох”имиздан тубандоғи икки-уч калима сўзга жой берсалар. //Ал-Ислох, 1916, 2-сон. – Б. 50.

Демак, ҳайит, байрам, шодиёна кунлари яхшиликка даъват қилувчи ашулалар айтилса, ҳеч қандай зарари йўқ экан. Шунинг учун азалдан Ислому оламида мусиқа санъати тараққий этган. Ҳадислар мусиқа санъатининг бир жойда тўхтаб қолмай, тараққий этиб туришига даъват этиб турган.

Муайян давр мусиқасида, кўшиқ санъатида ўша давр руҳи ифодаланади. Профессор Шариф Юсупов “Санъат ва ҳайрат” номли китобида бу ҳақда шундай ёзади: “Халқнинг дилига йўл топган, унинг шодлигига ҳам, дардига ҳам шерик бўлган хонанда, созанда, бастакор ўз халқига ҳеч қачон арзон-гаров “йиғи-сиғи” билан хизмат қилмайди. У замон жарчиси эканини, замон ғояларининг тарғиботчиси эканини ёдда тутаяди, тингловчиларда соғлом жўшқин кайфият пайдо қилишга, уларнинг талабчанлигини оширишга, дидини оширишга ҳаракат қилади<sup>113</sup>”.

Айрим уламолар мусиқани “мувоҳ” деб кўрсатадилар, яъни, уларнинг фикрича, мусиқа ҳалол ҳам, ҳаром ҳам эмас. Имом Ғаззолийнинг таъкидлашларича, “Аллоҳ таоло бандаларига кўриш учун кўз берди, ҳид билиш учун бурун ато қилди, қўл ва оёқ берди. Кўз ҳам, кулоқ ҳам дунёдаги неъматлардан фойдаланади, кулоқнинг роҳати эса гўзал оҳанглар, яхши нағмалар, яхши ашулалардир. Шундай экан, нима учун биз мусиқани ҳаром деб ҳисоблаймиз?” Буюк алломанинг ушбу сўзлари ҳам мусиқани ҳаромга чиқариш асоссиз эканини кўрсатиб турибди<sup>114</sup>.

“Ал-Ислох”даги мақолаларда ҳам худди шундай фикрлар бор. Мусиқа масаласи ҳақидаги баҳсларда фаол иштирок этган Ашурали Зоҳирий журналнинг 1916 йил 3-сонида “Шариати исломия ва мусиқа бақияси” мақоласида мунозарага қуйидагича муносабат билдиради: “...ғинонинг масодики олияси кўпдур. Оз жумла, мазмунлик шеърларни яхши овоз бирла баён этганини эшитмоқ кўнгилни тирилтирур, инсонни руҳландурур. Аммо жамодот ва ҳайвонотларнинг ҳуш садоларини эшитмоқ, бул ҳам қувваи сомеъани тарбия қилуб лаззатландурур.

<sup>113</sup> Юсупов Ш. Санъат ва ҳайрат. – Т.: Маънавият, 1997. – Б. 14.

<sup>114</sup> Қаранг: Зуннунов Н. Ислому ва мусиқа // Нур, 2006 йил 25 май.

Яхши овоз. Яхшилиги важҳидин они эшитмоқ ҳаром бўлиши дуруст эмас, балки ҳалолдур. Чунки инсонда ақлнинг ёнида яна беш хавоси мударрика бордурки, онларнинг ҳар қайсиларини ўзи лаззатланадурғон нарсалар билан тарбияси инсонға лозимдур... маърифат билан – ақл, оқин сув, чиройлик ранглардан – кўз, хуш бўйлардан – бурун, яхши овоз ва мусикадин – руҳ ва булбул садолари билан қулоқ тарбияланадур<sup>115</sup>...”.

Мусиканинг аҳамияти, “кўнгилни тирилтириши, инсонни руҳлантириши” ҳақидаги мазкур фикрлар санъатнинг бу тури наинки жоизлиги, бениҳоя зарур экани исботидир. Муаллиф фикрича, мусикадан бебаҳра инсон бамисоли куриган дарахт кабидир.

Ашурали Зоҳирӣ мақолада ҳазрати Имом Ғаззолий сўзларидан қуйидаги иқтибосни келтиради: "Мусика кўнгилни ҳаракатлантириб, аксар вақт ҳаяжонга сабаб бўлиши нуқтаи назариндин қаралганда, нағамоти мавзуна билан руҳ орасинда жаноби Ҳақнинг сирри бордур. Ҳаттоки нағамот руҳда ажойиб таъсирлар турғузурлар, баъзи овозлар одамни фараҳландурур, баъзиси хафаландурур, баъзиси ухлатур, баъзиси кулдуруб севундурур ва баъзиси аъзолардан қўл, оёқ ва бошларни ўзиға келишдуруб ҳаракатландуруб юборур. Бу ҳаракатларни ўқулғон шеърнинг таъсири деб гумон қилмоқ дуруст эмасдур. Балки, бундоғ таъсирлар дутор, сеторлар чолғанда ҳам бўлур, ҳатто баъзилар нағамот сабабли биҳори (баҳри-дили маъносидаги сўзнинг кўплиги – П.Қ.) гулланмаса, ул одамнинг мизожи бузукдурки, анга асло илож йўқдур, демишлар. Шул ўрунда Ғаззолий ҳазратлари яна нағамот ва хуш садолардин бешиқдаги гўдақлар таъсирлануб йиғламоқдин тўхтаганлари, тевалар бўйнидаги кўнғироқнинг довушидин лаззатлануб устидаги юкнинг оғирлиқини билмай чарчамағонликларини ҳамда Довуд аллайҳиссалом Тавротини шариф ўқиғондаги овозларини эшитган қушлар асарлануб, учмай тўхтаб қолганларини зикр қилуб, ани эшитмоқдин инсон асарлануб лаззатланмоғи нечун ҳаром бўлсун экан?<sup>116</sup>", – дея таъкидлайди.

<sup>115</sup> А.Зоҳирӣ. Шариати исломия ва мусика бақияси. //Ал-Ислох, 1916, 3-сон. – Б. 75.

<sup>116</sup> Шу жойда.

Ашурали Зоҳирӣ ўша давр нуқтаи назаридан бутун Туркистон халқига мусиқанинг шариатда жоиз эканлигини матбуот орқали тушунтиришга ҳаракат қилди. Табиийки, бу мақолалар эътиборга тушди, эътироф қозонди. Журналнинг 1916 йил 4-сонида Мулла Холмуҳаммад Тўрақулининг “Дафъи иштибоҳ” сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Мақолада муаллиф мусиқа ҳақида фикр юритиб, шариатда мусиқанинг тўрт ҳолати мавжуд эканлигини айтиб ўтади: “1-чи ҳаром маҳз, 2-чи макруҳ, 3-чи мубоҳ, 4-чи мустаҳаб”<sup>117</sup>. Биринчи ҳолатида одамлар дунёнинг лаззатидан баҳра олиши учун ҳаддан ташқари мусиқага берилиб, барча нарсани унутиши, иккинчи ҳолатида эса сўфийларнинг мусиқага таом пайтида одатланиши мисол қилинган. Учинчи ҳолатида ҳайитларда мусофир ва камбағалларнинг кўнгилларини кўтариш учун кушлар сайрашини ва мусиқа тинглашини, тўртинчи ҳолатида эса мусиқий оҳангдаги қироатни назарда тутилган.

Журналнинг айна сонидаги Ашурали Зоҳирийнинг “Мусиқа ва нағамот бақияси” сарлавҳали мақоласида ўтган замонлардаги уламоларнинг фикҳий асарларидан мусиқага оид далиллар келтирилиб, таҳлил этилган. Ашурали Зоҳирӣ Фазлулваҳҳоб далилларини танқид остига олади. Фазлулваҳҳоб қорининг арабий, фикҳий китоблар маъноларига тушунмаганини, фақат туркий китоблар асосида хулоса чиқарганини айтади. Ва бир қанча фақиҳларнинг исмларини санаб, уларнинг мусиқа ҳақидаги фикрларини келтиради: “Ибн ал-Навҳий “Умдо”да саҳоба ва тобеиндин ушбу кишилар ғинони эшитганини зикр этадур. Саҳобалардан: Ҳазрат Умар, Ҳазрат Усмон, Абу Убайдо бин ал-Жарроҳ, Усома бин Зайд, Ҳамза, Ибн Умар, Бароа бин Молик, Абдуллоҳ бин Жаъфар, Абдуллоҳ бин ал-Зубайр, Ҳисон бин Собит, Абдуллоҳ бин Умар, Кузта бин Каъб, Рабоҳ ал-Муътариф, Муғйра бин Шаъба, Амр бин ал-Ос, Ойша, Раъби ва бошқалар.

Тобеинлардан: Сайид бин Ал-Мусиб, Салим бин Амр бин Ҳисон, Ҳорижа бин Зайд, Шарих ал-қози Саид бин ал-Жубайр, Умар Ашъабий, Абдуллоҳ бин Абу Атийқ, Ато бин Абу Рабоҳ,

---

<sup>117</sup> //Ал – Ислох, 1916, 4-сон.



Умар бин Абдулазиз, Муҳаммад бин Шаҳоб Аз-Заҳрийдур. Бул ерга ёзуб келганларимиздин “самоъ”нинг ибoҳати маълум бўлгон бўлса керак. Ҳатто ўйин ва нағомот довушлари баъзи вақтларда чунончи: тўй, ҳайитларда, мусофирларни истиқболлағонда ва бошқа, шунингдек, хурсандлик вақтларда хурсандликни изҳори таъкиди учун мандуб ва мустаҳаб эканлиги ҳам англашулгон бўлса керак”<sup>118</sup>. Табиийки, бундай ишончли далилларга эътироз билдириш, уларни рад этиш имконсиз эди. Шунинг учун ҳам “Ал-Ислоҳ” саҳифаларида Ашурали Зоҳирий фикрларини қўллаб-қувватловчи мақолалар кетма-кет эълон қилинганини кўрамиз.

Журналнинг ўша йилги 5-сонидан нашр қилинган мударрис Аҳмадхўжа Эшоннинг “Мазҳабда матонат ёхуд ифротдин иъроз” сарлавҳали мақоласи айни шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Муаллиф Ашурали Зоҳирийнинг саҳобаларга оид далилларини, Имом Ғаззолий сўзларига таяниб айтган фикрларини маъқуллайди. Ашурали Зоҳирий келтирган арабий далилларнинг асосли эканини таъкидлайди. Мақолада куйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Муҳтарам Мулла Ашурали Хўқандий “Ал-Ислоҳ”нинг 2-3-4-саҳифасида Фазлулваҳҳоб қори жанобларининг гино ва самоъ хурматида доир ёзгон мақолаларина раддиян эътирозан муфассал ва мутаввал ёзгон мақолалари манзуримиз ўлуб мамнун бўлдик...”<sup>119</sup>

Туркистоннинг нуфузли уламоларидан Мулла Ортиқ қорининг “Самоъ бобида хўқандлик Мулла Ашурали Зоҳирий раддияларига бир назар” сарлавҳали мақоласида эса тамомила бошқача нуқтаи назарга дуч келамиз. Муаллиф: “Одамларнинг ҳаддан ташқари мусиқага берилиши намозларига таъсир қилмайдими?” – деган савол қўяди ҳамда барча уламо ва қаламкашлардан мусиқа ҳақида мақола ёзишни тўхтатишни сўрайди, “...Биз каминаларга гино ва самоъни ҳалол деб ёзилгон экан, сўнгра баъзи аҳли савод одамлар ...доимо гинога машғул бўлуб, ҳатто намоз ўрнига ҳам гино эшитмасму?” – деб ёзади у<sup>120</sup>.

<sup>118</sup> Ўша манба.

<sup>119</sup> // Ал – Ислоҳ, 1916, 5-сон.

<sup>120</sup> // Ал – Ислоҳ, 1916, 9-сон.

Кўриниб турибдики, қарашлар турлича, фикрлар ихтилофли. “Ҳақиқат баҳсларда туғилади” деган машҳур нақл эланса, бу мунозаралар бефойда бўлмагани англашилади. Биргина “Ал-Ислоҳ”да эмас, XX аср бошидаги бошқа нуфузли журнал ва газеталарда ҳам мусиқага доир мақолалар босилган. “Ойна”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” каби нашрлар ҳам бу баҳсларга бефарқ бўлган эмас. Адабиётшунос олим Шухрат Ризаев бу баҳслар ҳақида шундай ёзади: “...Бехбудий Васлийнинг “Шариати исломия” мақоласига жавобан “Ойна”нинг 1915 йил 5-сонида “Театр, мусиқа, шеър” мақоласини эълон қилди. Унда мударрис жанобларининг “...ҳар навъ луббат ва ўйун ҳаром” деган сўзларина мунозара қилиб, уларнинг баъзи қисми ҳаром, баъзиси ҳатто “шаръан лозиму савобдур” дейди... Бехбудий Васлий фикрларини унинг ўз талаби бўйича ҳадис, диний ривоят ва пайғамбаримиз ҳаётларидан иқтибослар келтириб инкор этди. Масалан, нағма ҳаромлиги ҳақидаги Васлий даъвосига жавобан Бехбудий Муҳаммад алайҳиссаломнинг Абу Бакр билан Биби Ойшанинг ҳузурига кириб, доира чалаётганлари устидан чиққанини ва Абу Бакрнинг норозилигини: “қўйинг, Абу Бакр, зероки, айёми ийддур” деган сўзлари билан изоҳлайди”<sup>121</sup>.

Зиёлилар худди мусиқа санъати борасидаги баҳслар сингари театр санъати масаласида ҳам мунозаралар олиб борди. Маълумки, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Тадаркуш” драмаси 1914 йил 27 февралда Туркистонда биринчи бор сахнага кўйилди<sup>122</sup>.

Уламолар бу санъат турини халқни бузуқликка чақирувчи омил сифатида талқин этдилар. Улар театрни тубан масхарабозлик деб атадилар. Қолаверса, бу иш билан зиёли кишилар шуғулланаётганидан чўчиб, фикрларини матбуотда баён қилдилар. Бу масала юзасидан Абдулла Авлоний ўз таржимаи ҳолида бундай ёзади: “1915 йилда маҳалла халқи, “домламитиз “театрчи бўлди”, “масхарабоз бўлди”, деб мени мактабдан қувиб, Миробод маҳалласидаги бошланғич мактабни ёпдилар”<sup>123</sup>. Ёш

<sup>121</sup> Ризаев Ш. Жадид драмаси. –Т., Шарк, 1997. – Б. 98.

<sup>122</sup> Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002. – Б. 352.

<sup>123</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. II жилд, -Т.: Маънавият, 1998. – Б. 289.

авлоднинг таълим-тарбиясини ҳаёт-мамот масаласи деб билган, янги-усул мактаблари учун дарсликлар ёзган, “Турон труппа” сига асос солиб, ўзбек театр санъатига катта ҳисса қўшган Абдулла Авлонийнинг бу сўзлари фақат матбуотда билдирилибгина қолмай, амалиётда ҳам намоён бўлганини кўрсатади.

Уламолар театр санъати ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади, улар томошадан ўрнак олиб бемаъни ишлар билан шуғулланади, деган ғояни илгари сурди. “Театр санъати масаласига “Қуръон”нинг қарашини нотўғри англамоқ ва уламоларда бўлгон таассуб мусулмонлар орасида театр санъатининг такомилига зўр зиёнлар берди”<sup>124</sup>.

Бу мунозаралар нафақат Тошкентда, балки Туркистоннинг бошқа жойларида ҳам давом этди. Хусусан, Мўъминжон Муҳаммаджонов ўз хотираларида бу ҳақда қуйдагиларни ёзади: “Уламолар, ҳатто бизларга “Падаркушлар” деб ном ҳам қўйган эди. Ўша кунлари халқ орасида “падаркушлар” ҳукумат томонидан қамалар эмиш, деган гаплар тарқалди... Наманганда театр ўйнаган ёшларга баққоллар ва бошқа дўқондорлар ҳеч нарса сотмасинлар, сартарошлар сочларини олмасинлар, деган мазмунда масжидларда фотиҳа олди”<sup>125</sup>, - деб ёзади у.

Театр миллат маданияти ва санъатининг тараққиёти учун, халқнинг умуммаърифий савияси юксалмоғи, ижтимоий онги ривож топмоғи учун буюк аҳамиятга молик ҳодиса эди. Авлоний эътироф этганидек, “бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам, ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди”<sup>126</sup>. Бу миллат аҳволини ўзларига кўзгу сингари тутганлари – театр воситаси билан ўзлигини танишлари ва мудраб ётган буюк куч – эрк ва озодлик туйғуларини уйғотиб юборишини ўйлаган бир миллат зиёлисининг фикрлари эди. Бундай мунозаралар маънавий-мафкуравий қатламда кўпроқ намоён бўлди. Саидахмад Васлий ва Маҳмудхўжа Бехбудий ўртасидаги баҳс, айниқса аҳамиятлидир.

<sup>124</sup> Имзосиз. // Инқилоб, журнали, 1927 йил 3 – сон. – Б. 36.

<sup>125</sup> Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари (бир мулла боланинг хотира дафтари). –Т.: 1926. – Б. 215.

<sup>126</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. II жилд, -Т.: Маънавият, 1998. – Б. 290.

Адабиётшунос Ш. Ризаев аср бошидаги ихтилоfli тортишувларга қуйидагича муносабат билдиради: “Мударрис Саидахмад Васлий бу ақидани мутлақо инкор этади. У “Садои Фарғона” газетаси 1914 йил 83 – сониди “Шариати исломия” мақоласида ва “Ойна” журналига йўллаган мактубида (1915 йил 7-сон) театр “анвойи ўйун ва лўбатлар” каби “ҳаромдур”, деган фикрда собит. Унингча, “театр кўп замондан бери Миср каби Исломи шаҳарларинда ривож топмоқда” бўлса ҳам, бирор исломий фикр китобларида ҳалоллигини исбот қилувчи далолат йўқ. У “Вақт ва умрни беҳуда ўтказиб, вазоифи башариядан” чалғитувчи “исрофи молдек бало ва жафолар”дан бўлак нарса эмас... Уни “мақтаб, одоб ном қўйиб, ҳалол этиқод қилиб ривож бермақлари” ҳаёлпарастликдир. Агар театр ибрат бўлса, ибрат сотилурми?”<sup>127</sup>

Васлий фикрини тасдиқловчи уламолар ҳам бу масалага бефарқ қарамадилар. Жумладан, мулло Холмуҳаммад Тўракули бу баҳсларга қўшилиб, “Ал – Ислох”нинг 1915 йил 11-сониди “Талаби ислох” номли мақоласида ёш авлод таълим-тарбиясига жиддий аҳамият қаратиш зарурлигини, театр санъати таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлайди: “Ҳаммани ғофил ва жоҳил, нодонликка нисбат бериб, теётрларда ажнабийлар билан суҳбат қуруб юрган бебокларни фикри солим ва кўзлари очиқ ибрат олган зиёлилар деб мадҳ қилмоқ нодурустдур”<sup>128</sup>.

Худди шундай фикрлар асосидаги имзосиз мақолалар “Ал – Ислох”да кетма-кет чиқиб турди. Бундай мақолаларда ҳам театрнинг жамият ҳаётига таъсири масалалари кенг муҳокама қилинди. Хусусан, журналнинг 1915 йил 12-сониди “Нажот ва хулоса нимада?” деган мақолада шундай фикр юритилган: “Аммо жадидларнинг маслағи шулки, беҳаёлик, бешармлик, беибодатлик, теётр, нағма, рўмонхонлик, умури динияни қилиб турғучи фуқаҳо, уламоларимизни душман тутмоқ қайси тариқа бўлса – хоҳ ҳалол ва хоҳ ҳаром – пул топмоқдан иборатдур. Беним фикрим ва этиқодим миллати исломияда”<sup>129</sup>.

<sup>127</sup> Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 96.

<sup>128</sup> // Ал – Ислох, 1915, 11-сон. – Б. 338.

<sup>129</sup> // Ал-Ислох, 1915, 12-сон. – Б. 378.

Бу масала юзасидан муфти Маҳмудхўжа Бехбудий жиддий мунозарага киришиб, “Ойна”нинг 1915 йил 5-сонида жавоб – мақола билан чиқди. Унда Васлий фикрларини диний ривоятлар ва ҳадислар асосида рад этди. Васлийнинг “Ибрат сотилурму?” саволига “дарс, фатво, таълим, имомат ва эшонлик учун пул олинурму?”<sup>130</sup> – дея янада киноялироқ савол билан жавоб қайтарди. Бехбудий мунозара сўнгида ўзининг “Теётр надур?” мақоласидаги назарий қарашларни бундай ифодалайди: “бизча, теётр ўйин эмас, балки мажлиси ваъз ва дарсхонаи ибратдур. Теётр бир ойнадурки, жамиятга оид бўлгон ноқису одатларни мужассам кўрсатур...”<sup>131</sup>

Жадидлар бу баҳсларга қарамай, театрнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида ижобий фикрлар билдирди. Мунавварқори Абдурашидхонов ҳам бу масаладан бефарқ қолмади, илк ўзбек драмасининг саҳнага қўйилиш маросимида сўзга чиқиб, театрни “ибратхона” ёки “улуғлар мактаби” деган сўзлар билан ифодалади. Мунавварқори “театр саҳнасига чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига кирган зотлар гўёки табиби ҳозиқ мисолидадир” деб артист ва режиссёрлар фаолиятига юксак баҳо беради. Ёшлиқдан Исломи дини қонуни ва кўрсатмалари билан озиқланган, ундан руҳланган кишининг театр санъатига бундай катта баҳо бериши бу ҳақда мунозара кетаётган ўша замон учун улкан воқеа эди<sup>132</sup>.

Бу мунозараларга холис баҳо берувчи маърифатпарварлар ҳам бор эди. Шундай инсонлардан бири тараққийпарвар Мулло Ҳошим Ҳайратийдир. У ўлкада кечаётган жадид-қадим мунозараларига холис баҳо беради. Унингча, бу икки тоифа ўртасидаги баҳс-мунозараларни тўхтатиш керак, миллат жаҳолат ботқоғига чўкаётган, таназзул аламини чекаётган бир пайтда зиёлиларнинг иттифоқ бўлиб яшашини орзу қилиб, “Ал - Ислох”нинг 1917 йил 5-сонида “Инсоф ва истинсоф” сарлавҳали шеърида бундай ёзади:

<sup>130</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Теётр, мусика, шеър // Ойна, 1915, 5 – сон.

<sup>131</sup> // Ойна, 1915, 7 – сон.

<sup>132</sup> Қаранг: Аҳмедов С. Мунавварқори Абдурашидхонов (танланган асарлар). Т.: Маънавият, 2003. – Б. 36.

*Ажабки, янги била эскиликнинг даъвоси,  
Муравваж қилди ана ушбуларни савдоси.  
Менумча иккиси бир дин китобини ўқутур,  
Қай ўрунда экан янгиларни бажоси.*

Кўриниб турибдики, шоир бу мисраларда қарама-қарши турган миллатдошларини огохликка чорламоқда. Энди бундай келишмовчиликка чек қўйиш, миллат тарақийёт юксаклигига чиқиши керак, дея куйиниб ёзади у.

Имзосиз “Туркистон муслмонлариға” деб номланган мақолада ҳам шундай фикрлар бор. Муаллиф бир-бирини қоралаётган уламо ва зиёлиларнинг бир миллатнинг фарзандлари эканлиги, қолаверса иккиси ҳам эски усул мадрасаларидан чиққанлигини таъкидлаб, бундай ёзади: “Эҳтиром ила арз қилинурки, биз ҳаммамиз бир ватан кишисимиз ва бир онанинг боласимиз ва бир Худонинг бандасимиз ва бир пайғамбарнинг умматимиз..., отамиз муслмон, онамиз муслмондир.... Ўз орамизда шуҳрат топмиш жаид хаёли, қадим хаёли, янги фикру эски фикр демиш сўзларни ўртадан кўтарайлик. Ўзимизнинг тамом ишларимизни хоҳ диний бўлсун, хоҳ дунёвий бўлсун бажарайлик...”<sup>133</sup>

Умуман, “Ал-Ислоҳ”даги санъатга доир баҳслар миллатни яқдил кўриш, уни юксак тараққий этган даражага кўтариш орзусини ифодалагани билан алоҳида аҳамиятга эга. “Ал-Ислоҳ”даги мусиқа ва театр ҳақидаги баҳсларда санъатнинг бу турлари тарихига оид муҳим факт ва далиллар келтирилган ҳамда ислом шариатининг мазкур санъат турларига муносабати масаласи илмий ечимини топган.

“Ал-Ислоҳ” журналида чоп этилган санъатга доир баҳслар, гарчи зоҳиран икки тоифа шахслар орасидаги баҳслардек кўринса-да, аслида умуммиллий муаммолар ечимига қаратилган. Ўтган аср бошидаги бу мунозараларни ўрганиш миллат тараққийётининг бугунги даражасига осонлик билан келмаганлигини, тафаккурни, дунёқарашни ўзгартириш, тарбиялаш нечоғлик мушкул эканини англаш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

<sup>133</sup> Имзосиз. // Ал-Ислоҳ, 1915, 2- сон. – Б. 62.



## МАЪРИФАТ ВА ЖАҲОЛАТ ТАЛҚИНИ

Жадидларнинг Туркистон халқига маърифат тарқатишдаги хизматлари беқиёсдир. Улар маънавий-маърифий руҳдаги, ўткир публицистик мақолалари билан миллатни уйғотишга, жаҳолат исканжасидан маърифат юксаклигига олиб чиқишга интилди. Ёшлар тарбиясига, мактабларни ислоҳ қилишга катта аҳамият қаратди. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш” драмасида илмсизлик оқибати хорлик экани ғоясини илгари сурди. Мунавварқори Абдурашидхонов эса 1903 йилдан жадид мактаблари очиб дарс бериш боробарида “Адиби аввал” (1907), “Адиби соний” дарсликларини ёзди. Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” (1909), “Иккинчи муаллим” (1912) номли дарсликлари, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” каби қўлланмалари ҳам айна мактаб ислоҳига қаратилган эди.

Шубҳасиз, бизга манба бўлиб хизмат қилаётган “Ал-Ислоҳ” журнали ҳам бу вазифадан четда турган эмас. “Ал-Ислоҳ” саҳифаларида таълим ислоҳи мавзуида ва маърифатга тарғиб этувчи туркум мақолалар, шеърий ва насрий асарлар эълон қилинган. Жумладан, Маҳмуд Ализода Тошкандийнинг “Миллий алоқа” (1916 йил 3-сон) шеърида бундай ёзилган:

*Бизда кўп жаҳлу ғазаб, арбоби ғафлат ичра биз,  
Маърифат илму фунун айлаб киром ислоҳ қил...  
Тўй учун сарф айлағаймиз неча юз динорлар,  
Русум деб исрофлар минг-минг дирам ислоҳ қил.  
Масжиду мактаб мадорис сори қилгил назар,  
Онлари илму одобда мунтазам ислоҳ қил.*

Шоирнинг ушбу мисраларида Туркистон халқи ҳаётидаги қоқоқликларни, маърифатсизликни ислоҳ қилиш ғояси мужассам. Тўйларни ортиқча харажатлар билан дабдабали ўтказишга зўр берилаётгани, яна бунинг урф-одат дея талқин этилаётгани унинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади. Бу ҳол

мутафаккир жадидларнинг барчасини ҳам ташвишга солган, ўйлантирган.<sup>134</sup>

Адабиётшунос Нурбой Абдулҳаким Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз гафлат уйқусидан очиб, атрофимизга назар солмагимиз лозимдир. Ҳар миллат ўз саодати ҳол ва истиқболини (нг) муҳофазатига биринчи восита илм ўлмакига қаноат ҳосил қилиб, илму маорифга ортиқ даражада кўшиш (ҳаракат) қилган бу замонда бизлар бу гафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб, ҳама оламга масҳара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир” деган сўзларини келтирар экан, бундай ёзади: “Жаҳолат деганлари қачондир тарихда бўй кўрсатгану энди қайтиб келмаслиги аниқ бўлган ҳодиса эмас. Таассуфлар бўлсинки, у ҳар бир замонда қайсидир кўринишларда намоён бўлаверади. Миллатни ич-ичидан емиради. Тараққиётдан неча юз йиллар орқада қолишига сабаб бўлади. Таназзул гирдобига тортади. Бинобарин, ҳар бир миллатни, унинг вакилларини жаҳолатдан қутқаргувчи ягона восита –илм ва маорифдир. Кимки илм ва маорифга муносиб даражада эътибор берса, шубҳасиз, саодатга эришади”.<sup>135</sup>

“Ал-Ислоҳ”да ҳам бу масала кескин қўйилган. Маҳмуд Ализода Тошкандийнинг юқорида зикр этилган шеърида мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш зарурати ҳақида бонг урилгани сабаби ҳам шунда.

Маърифат тарғиби, мактаблар ислоҳи муаммоси Саидахмад Васлий ижодида ҳам алоҳида ўрин тутади. Жумладан, “Ал-Ислоҳ” журналининг 1916 йил 5-сонида олимнинг “Ҳар мусулмоннинг араб тилига ошно бўлиши зарур” номли мақоласи эълон қилинган. Мақолада Туркистон аҳолисининг араб тилини ўрганиши, Қуръон ва ҳадис маъноларини тушуниши, ота-боболаримизнинг бу тилда ёзилган китобларини ўқиб, маърифат ҳосил қилиши зарурати таъкидланади. У бундай ёзади: “Катта-катта шаҳарларимизда, буюк-буюк

<sup>134</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдулҳаким Нурбой. Биз қандай миллатмиз? // Тафаккур. – Тошкент, 2005, 2-сон. – Б. 10-17; шу муаллиф. Маърифат нимадир, жаҳолат надир? // Тафаккур, 2005, 3-сон. – Б. 10-15.

<sup>135</sup> Абдулҳаким Н. Маърифат нимадир, жаҳолат надир? // Тафаккур, 2005, 3-сон. – Б. 14-15.

мадрасаларимизда хийли талабалар камоли ихлослари илан сарфи умру сарфи ақча қилуб, охир қасд этуб таҳсил қиладурғон дарсларидин ва ўқуб юрган илмларидин бир дурустроқ нимарса ҳосил қилмасдан, кўнгиллари қораюб, хафаликларидин икки уч йил баъдалида бошқа бир иш ихтиёр қилурлар...<sup>136</sup>

Муаллиф ёш авлоднинг азиз вақтини беҳуда ўтказиб, кўча чангитиб, от чоптириб юришидан, бойларнинг фарзандлари мактаб ва мадрасаларни пора бериб тамомлашидан, оқибатда ўз оиласига фожиа келтиришидан изтиробга тушади. Васлий биргина диний билимлар билан чегараланиб қолмай, дунёвий билимларни ҳам ўрганиш зарурлигини уқтиради. Жаҳолатда қолган “қора халқнинг оқариши”да бирдан-бир восита маърифат эканини алоҳида таъкидлайди. Васлийнинг “Ал-Ислох” журнали 1915 йил 17-сонида чоп этилган “Ислоҳи тадрис ҳақинда” сарлавҳали мусаддаси бу жихатдан диққатга сазовордир.

Шеърда дарс ислоҳи дину шариат жисмига жон бағишлаши, дарс “кўнгиллар ичра тоза руҳ ҳосил айлаши” ҳақидаги теран фикр бетакрор бадиият билан ифодаланади. «Дарс ислоҳ ўлмаса, ўлмас биза файзу футуҳ» дея ўша вақтда Туркистонда таълим тизими замон талабларига жавоб бермай қолганидан изтироб чекади. Айниқса, шоирнинг “Бу замонда олим ўлмоқға керакдур умру Нух” деган сўзлари бу изтиробнинг нақадар чўнг эканини кўрсатади. Васлий куйиниш билангина чекланмайди. Бу ҳолатдан чиқиш чораларини излайди. Натижада, “Осмони илм учундир нардбон ислоҳи дарс” деган хулосага келади:

*Неча толибларни кўрдим – ўзлари асҳоби илм,  
Бўлмашилар саъйу кўшиши айлабон арбоби илм,  
Минг ташаккурлар қилурдим ҳар на бу туллоби илм,  
Бу каби толибларадур, иззу шаън ислоҳи дарс,  
Осмони илм учундур нардбон ислоҳи дарс.*

Бошқа жадид боболаримиз каби Васлий Самарқандий ҳам Туркистоннинг ўша даврдаги ҳолатига танкидий назар билан қарайди. “Ишлари дарсхоналарда “ийоб ила зиҳоб” – келмағу

<sup>136</sup> С.Васлий. //Ал-Ислох, 1916, 5-сон. – Б. 123.

кетмақдангина иборат бўлган, асосий вазифасини – билмагу билдирмакни унутган толиби илмларни кўриб, уларнинг ҳолига ачинади. “Айласак ислоҳи тадрис, эй гуруҳи мустабоб, Бўлмас эрди ҳолати авлодимиз бўйла хароб” дея таассуф қилади. Жаҳолатдан нажот топмоқнинг ягона чораси дарсни – таълим тизимини ислоҳ қилиш эканини таъкидлайди.

Мусаддаснинг сўнги бандида шоир илм – маърифат йўлида беғараз хизмат қилаётган таҳамтанлар – паҳлавонлар борлиги учун шукр айтади. Ислоҳи дарс икки дунё нафъига хизмат қилишини айтиб, шунга даъват этади:

*Ори-ори бор эрур юздан бири аҳли камол,  
Айлаюр хизмат шариятнинг йўлида қадри ҳол,  
Шу таҳамтанлар бақои шаръ учун айлар хаёл,  
Бу шарафлик фикр илан, ислома ёндошмаз завол.  
Алғараз ислом учундур пуштбон ислоҳи дарс,  
Икки дунё нафъигадур баҳри кон ислоҳи дарс.*

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ал-Ислоҳ” журналида таълим ислоҳи масаласида энг фаол эштирок этган муаллиф Васлийдир. Унинг “Ал-Ислоҳ” 1915 йил 13-сонида “Ҳиммат ур-ражо” номли мақоласи эълон қилинган. У мақолада мактаб ва мадрасаларнинг қурилиш режа лойиҳасидан тортиб, дарс хоналарининг ички жиҳоз ускуналаригача, дарс неча йил бўлиши керак, бир кунда неча фан ўқитилиши зарур, талабаларнинг дарсларни ўзлаштириши ва имтиҳон олиш усули қандай бўлмоғи лозимлиги ҳақида батафсил тўхталади. Туркистон зиёли ва уламоларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади:

1. Муддати таҳсил неча сана бўлмоғи керак?
2. Ҳар санада неча ой таҳсил айёми бўлур?
3. Ҳар ҳафтада неча кун дарс ўқилур?
4. Ҳар таҳсил кунлари неча дарс ўқилса нофиъ бўлур?
5. Бир сана ўқитилмиш китобнинг неча дарсга тақсим бўлмоғи лозим?
6. Ҳар дарснинг миқдори неча сатру ва ёки неча саҳифа бўлмоқ вожиб?
7. Шогирдларнинг тушунмаклари лозимму? Ёки дарсхонага кириб чиқса бўлурми?

8. Мадрасаларга жаҳд ила шогирдни маълумотли қилмаклари вожибму? Ёки кун ўтқаруб, шогирдларни бошқа ишларга мардикор қилсалар жоизму?

9. Ижозат олиб хатмкарда бўлмак учун русумий дарсларни билмак, улум ва фунунга олим бўлмак лозимму? Ёки бир вақти жамоага шерик ал-дарс бўлиб, келиб-кетиб, уч-тўрт сўм бериб, муллажалоли жавон бўлса кифоями?

10. Ҳар ким ўз бошича умр кечуруб, вақфларни еб, мударрис мен деб юрса бўлурму? Ёки улуғ уламоларнинг ҳукумат тарафларидан назорат ва таҳқиқи фарзми?"<sup>137</sup>

Саидахмад Васлийнинг саволлари ёш авлод камоли, миллат истиқболи билан боғлиқ экани аён кўриниб турибди. “Ал-Ислох” бу муаммога асосий эътиборни қаратганини таъкидлаш керак.

Бу масалага бошқа уламолар ҳам бефарқ қараган эмас. Улар ҳам муҳокама ва мунозарада фаол иштирок этди. Айнан юқоридаги Васлий саволларига жавобан бухоролик Зиёвуддин қори журналнинг 1915 йил 17-сонида “Инсоннинг бир неча вазифаси ва саодати” сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Муаллиф фикрича, таҳсил ўн беш йилга мўлжалланган бўлиб, йигирма бир хил дарсни кўзда тутди. Бир йилда тўққиз ой ўқиш, ҳафтасига беш кун, ҳар куни икки фан ўқилишини таъкидлайди. Яъни иқтидорли талабалар таълимни ўн икки йилда яқунлашини уқтиради. У ёзади: “Саидахмад Васлий жаноблари бир мақола ёзиб, омманинг саъйу ғайратини ва ҳам фикрларини “Ал-Ислох” воситаси ила майдонга қўймоқларина ражо этмишдур..... Биз ҳам фикримизни баён эдуб, баъзи саволларина жавоб берамиз, лекин бизнинг фикримиз ҳаммадан аввал жадвал бўйладур:

№	Пешиндан аввал	Пешиндан сўнг
1.	Биринчи йил – сарф	Одоби таълим ва мунозара
2.	Иккинчи йил – наҳв	Тарихи умумий
3.	Учинчи йил – наҳв	Тарихи умумий
4.	Тўртинчи йил – мантиқ	Ҳисоб
5.	Бешинчи йил – мантиқ	Ҳандаса

<sup>137</sup> С.Васлий. //Ал-Ислох, 1915, 13-сон.

6.	Олтинчи йил – ҳикмат	Ҳаёт
7.	Еттинчи йил – ҳикмат	Нужум
8.	Саккизинчи йил – балоғат	Аруз
9.	Тўққизинчи йил – балоғат	Қофия
10.	Ўнинчи йил – усул	Фарз ул- ашара
11.	Ўн биринчи йил – усул	Илми кироат
12.	Ўн иккинчи йил – ақоид	Фикҳ
13.	Ўн учинчи йил – ақоид	Фикҳ
14.	Ўн тўртинчи йил – тафсир	Ҳадис
15.	Ўн бешинчи йил – тафсир	Ҳадис” <sup>138</sup>

Шу каби таълим олиш жараёнини жадвал асосида кўрсатади. Мақола сўнгида Туркистон уламоларига хитоб қилиб, мактаб ва мадрасаларнинг аянчли ахволига куйиниб, куйидагича бонг уради: “Эй! Устоз ва уламолар, энди вақтни зоеъ этмангиз, бизларнинг ва ўзларингизнинг мозий (ўтган замон) ва истикболимизни тушунингиз: ким эдук, на ўлдук, на ўлажағмиз, фикр эйтингиз! Ватан ва миллат авлодининг таълим-тарбияти сизларнинг ҳамият ва ғайратингизга боғлидур”<sup>139</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ёш авлод таълим-тарбияси масаласида уламоларнинг фикрлари турлича бўлган. Баъзилари эски усул боробарида янги усул жадид мактабларининг ҳам тарафдори эди. Айримлари эса жадид мактабларига танқидий фикр билдирган. Бу тоифа Европа маданияти мусулмон болаларига салбий таъсир кўрсатишидан сақланмоқ зарур, деб ҳисоблаган. Саидахмад Васлий “Садои Фарғона” газетасида чоп этилган “Усули жадид” мақоласида янги усули эски ўқитиш тизимидан афзал эканлигини содда ва тушунарли қилиб куйидагича баён этади: “Эмди янги тартибда ўқитмоқни маъноси шулки, мактабга кирган болага сабоқ бериш билан бир вақтда харфларни ёзиб кўрсатур. Янги тартибда ўқиган бола 4-5 ойда ўқимоқ ва ёзмоқни ўрганур...”

Васлий ушбу мақоласида 10-12 йил ўқиган муллалар энг муҳим илмлардан беҳабар қолганликларини таъкидлаш билан

<sup>138</sup> Зиёвуддинхўжа. Инсоннинг бир неча вазифаси ва саодати. //Ал-Ислох, 1915, 17-сон. – Б. 516.

<sup>139</sup> Шу жойда.



бирга, уларнинг мадрасаларда ўрганган билимлари амалий ҳаёт эҳтиёжларидан жуда узоқ бўлганлиги ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилмай, амалиётдан ажралиб қолгани ҳақида муҳим ижтимоий – сиёсий масалани ҳам илгари сурган эди.”<sup>140</sup>

“Ал-Ислоҳ”нинг 1915 йил 8-сонида чоп этилган мулла Абдулғаффорхўжанинг “Ўқув ва ёзувларнинг ҳақиқий боислари” номли мақоласи ҳам таълим-тарбия масаласига бағишланган. Мақолада инсонларнинг таълим-тарбия олиши нечоғлик муҳим эканлиги таъкидланади. Талабаларнинг юқори даражада ўқув ва ёзув салоҳиятига эга бўлиб, камолотга эришиши зарурлигини фалсафий фикрлар билан тушунтиради. Онг, ақл ва илм инсонлар билан ҳайвонни бир-биридан ажралиб туришини, илмли ва илмсиз кишининг турмушидаги яшаш шароити мисолида сўз юритиб бундай ёзади: “Ўқув ва ёзувларнинг инсонларга зарур эканлиги ҳар кимга маълумдур, на учунким, ўқув ва ёзув билган одам ила билмаган одам мийонасида ҳар важдин осмон ила ерча фарқ бордур...”<sup>141</sup> - деб ниҳоятда асосли сўзларни келтириб ёзади у.

Журналда худди шу мазмундаги мақолалар кетма-кет чоп этилган. Журналнинг 1915 йилги 13-сонида нашр қилинган Зухриддин Фатҳиддинзоданинг “Мусулмонларга ражо” сарлавҳали мақоласида ҳам ўлкада кечаётган жадид ва қадимчилар мунозаралари ҳақида сўз боради. Мақоладан билинадикки, муаллиф масалага холис ёндашган. Унингча, зиёли ва уламолар иттифоқ бўлиб иш тутиши, бир-бири билан яхши муносабатни тиклаб, ёшлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиши зарур. Ватан ва миллат истиқболи шуни тақозо этади.

Тўғри, жадид ва қадимчилар ўртасида кескин мунозаралар бўлганлиги маълум. “... агар виждон, инсоф ила муҳокама қилсак, таваққуфсиз ва тараддудсиз эски мактабларимизни асосларидан йиқиб, жойларига тартиб ва интизом билан янги усул домлаларининг ҳимоясида бўлган мактаблар бино этмак лозимдир. Эски мактабдорларимизни деҳқончилик ҳунарларига саҳв этмак мувофиқи ҳақиқатдир. Бу жаноби муллаларга ва

<sup>140</sup> Абдуазизова Н. Туркистон маъбуоти тарихи. Т: Академия, 2000. – Б. 166.

<sup>141</sup> // Ал-Ислоҳ, 1915, 8-сон. – Б. 234.

эски-янги домлаларимизга охирги сўзим”<sup>142</sup>. Исҳокхон Ибратнинг бу фикрларидан адабиётшунос олим У.Долимов шундай хулоса чиқаради: “У (Ибрат – таъкид муаллифники.) усули ҳижо методига асосланган эски мактабларни тузатиш ёки ислох қилиш шиори билан эмас, аксинча уларни таг-туғи билан тугатиш ва бундай мактаблар ўрнига янги, давр талабларига жавоб бера оладиган замонавий илмлар ўргатадиган усули савтия методига асосланган мактаблар шиори билан чиқди. Эски мактабдорлар, усули қадим тарафдорлари Исҳокхон Ибратни “кофир”, янги усули савтия мактабларини “кофирлар мактаби” деб эълон қилди”<sup>143</sup>.

Мирмуҳсин Шермухамедов хусусида ҳам худди шундай мунозаралар бўлиб ўтган эди. Ўша кезларда у ўз ижод намуналари ва мақолалари билан тез-тез вақтли матбуотда кўришиб турар эди. Лекин бу узоққа чўзилмади. “Ойна” журналининг 1915 йил 15-сонида “Мирмуҳсин жанобларига” номли мақола-муурожаатда (“Идора” (яъни, таҳририят) томонидан чиқарилган) унинг мазкур журналга юборган мақолаларида ислом асосига зид фикрлар борлиги сабабли улар нашр этилмаслиги билдирилган эди. Бу мақолаларни “Ал-Ислох” журнали ҳам рад этди<sup>144</sup>. Шундан сўнг у уламолардан қочиб “1916 йилнинг эрта кузида Уфага “Олия” мадрасасига ўқишга кетади. Ўқишни тугатгач, 1917 йилнинг эрта баҳорида Тошкентга қайтади. Кўп ўтмай, Авлонийнинг “Турон” газетасида “Тарихий икки воқеа” (2-сон) мақоласи босилади. Мақола феврал инқилоби муносабати билан ёзилган бўлиб, унда “Азиз миллат болаларин рангларин сап-сарик сомон қилгон, чочларин белларига туширгон, очликдан тишларин кирларин сўрдиргон Бухоро ва Хивадаги даҳшатли, қоронғу зах зиндонлар”, “маориф душмани судрама чопон жонли тегирмонлар”, “қози-калон, кушбеги, офтобачи – тагин нима балолар исми ила шуҳратлангон бухорони микроблари ” – деб аёвсиз танқид қилинган эди”<sup>145</sup>. Мақола катта жанжалга сабаб

<sup>142</sup> Долимов У. Авлоний – методист олим // Миллий уйғониш. –Т.: Университет, 1993. – Б.

<sup>143</sup> Ўша манба.

<sup>144</sup> Идора. Ўзтироз // Ал-Ислох 1915, 6-сон. – Б. 234.

<sup>145</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002. – Б. 383.

бўлди. Уламолар мажлисида Мирмуҳсин ва Авлоний масаласи кўрилди. Мирмуҳсин қочиб яширинди. Авлонийни эса тавба-тазарру қилишга, газетанинг 3-сонида “Эътизор” мақоласи билан чиқишга ва матбуот орқали узр сўрашга мажбур этдилар. Авлонийдан газета чиқармаслик ҳақида тилхат олинди. Мирмуҳсин сазойи қилинди, калтакланди. Оренбургда чиқадиغان “Шўро” журнали унга ўз саҳифаларидан кенг ўрин берди ва Мирмуҳсинни ҳимоя қилиб чиқди, - деб ёзади профессор Бегали Қосимов. Мирмуҳсиннинг рафиқаси ва замондошлари билан суҳбат материаллари асосида<sup>146</sup>.

Мирмуҳсин масаласи ўша пайт нуқтаи назаридан деярли барча матбуот нашрларида ёритилган. Лекин биронтасида ҳам унга ижобий фикр билдирилган эмас. Бу масала “Ал-Ислох” журналида ҳам муҳокама қилинди. Журналнинг 1917-йил 14-сонида мулла Холмуҳаммад Тўрақулининг “Уламои киромлардан ражо” номли мақоласида Мирмуҳсиннинг уламолар томонидан калтакланиши, уни кофир деб эълон қилиниши ҳақида сўз юритилган. Муаллиф Мирмуҳсиннинг кофир дейилишини асоссиз деб ҳисоблайди ва бундай ёзади: “Мирмуҳсинни кофирга ҳукм этмоқлари неча важҳдин шариатга муҳолифдур. Биринчи, Мирмуҳсинни айтган сўзидин они иродасин англамоқ лозим эди, агарда ирода бошқа маънода бўлиб, лафзи хатоға кетса кофир ўлмас. Иккинчи, Мирмуҳсинни узри мавжуд ўла туриб, кофирға ҳукм этмоқ хатодир. Учинчи, илми наҳвни таҳқир этмоқ билан кофирға ҳукми дуруст эмас...”<sup>147</sup>

Ўша мураккаб ва зиддиятли шароитда Мирмуҳсин ҳақида бундай фикр билдириш жасорат эди. Холмуҳаммад Тўрақули бу мунозараларга холис баҳо беради. У мақола сўнгида уламоларга насиҳат қилиб, ўзларининг нуқсонлари, хатолари борлиги ҳақида ҳам айтиб, бир-бири билан иттифоқ бўлишга даъват этади: “Муҳтарам уламолар жадидчиларни айбин тажасси эдиюрлар. Аммо ўз тарафларидаги нуқсонни икмол этмоқни хаёлиға-да келтирмаслар, балки ўзлари-да асло нуқсонини тасаввур этмазлар... Матбуотларда мулоийм насиҳатлар билан аларға танбеҳ этмоқ бу васила билан диний ислоҳларни уламои

<sup>146</sup> Кўрсатилган манба. – Б. 385.

<sup>147</sup> //Ал-Ислох, 1917 йил, 14-сон. – Б. 328.

киромлар ўз қўлларида тутуб, дунёвий ислохларни ёшларга топшуруб, иттифоқ ила иш кўрмоқ лозимдур...”<sup>148</sup> Бундай мақолалар таҳлилида биз шу нарсани билиб олишимиз мумкинки, айрим мутаассиб уламолар жадидларга ҳам, қадимчиларга ҳам бир ёқлама қараган. Натижада ихтилофлар кескинлашган, зиддият тобора чуқурлашиб борган.

Бундай қарашлар Мулло Ҳошим Ҳайратий асарларига ҳам хосдир. У журналнинг 1917 йил 14-сонида чоп этилган “Муносиб замон” номли шеърида бундай ёзади:

*Қайда раҳмат бизни Туркистонни бу кирдорига,  
Доимо қўйгай қадам бир-бирларин озорига,  
Гина молин келтирур нафсоният бозорига,  
Иттифоқ ўлмай диёрин бердилар агёрига,  
То бу дам воқиф эмас бу қиссани асрорига.*

*Бу адоват бизга кимдин ирс ила ўтган экан,  
Қайси бобомиз вафо занжирин узган экан,  
Мазраъи дилга кудурат тухмин ўтқизган экан,  
Яхшилик авроқи бизда сарбасар куйган экан,  
Баъзи тугённи йиғармиз гинани анборига*<sup>149</sup>.

Шоир иттифоқ ҳақида фикр билдирар экан, мустамлакачилик даврида бу ишда муваффақиятларга эришишнинг бирдан-бир йўли ўлкада ўзаро ихтилофларга барҳам бериб, аҳиллик билан илм-фанни ривожлантириш эканини айтади. Халқнинг иттифоқсизлиги натижаси ўлароқ, миллатнинг шундай аянчли аҳволга, мустамлакачилик гирдобига тушиб қолганини таъкидлайди. Бу жиҳатдан Васлийнинг “Иттифоқ хусусинда” деб номланган шеъри ҳам диққатга молик:

*Нафъи шахсий айлади доим паршон ҳолингиз,  
Бу сабабдин кетди сиздин давлату иқболингиз,  
Бўлмади нафъи умумий гояи сўмолингиз,  
Бас эмасму ушбу урушу жанжолингиз,*<sup>150</sup>

<sup>148</sup> Кўрсатилган манба. – Б. 329.

<sup>149</sup> //Ал-Ислох, 1917 йил, 14-сон. – Б. 331.

<sup>150</sup> Васлий. //Ал-Ислох, 1917, 20-сон.

Васлийнинг фикри ҳам юқоридаги қарашларга мутаносиб. Унингча ҳам, ҳукумат бошқа миллат кўлига ўтишининг бош сабаби – иттифоқсизлик. Қачон миллат иттифоқ бўлиб иш кўрсагина, ёш авлодни тарбиялаш, миллатни уйғотиш, Ватанни озод қилиш, халқ маънавиятини юксалтириш, турмушини фаровонлаштириш мумкин, деган фикрни илгари сурди.

Журналда маърифатга чорлов руҳида ёзилган насрий ва шеърий асарлар мунтазам эълон қилиб борилган. Бу асарларда миллатнинг маърифатга, умуминсоний қадриятларни тиклашга, тўғри йўл топишга даъват этилган. Хамзанинг “Таассуф” деб номланган шеъри бу жихатдан айниқса, диққатга сазовор. Муаллиф бундай жаҳолат даврида “Ал-Ислоҳ” журналининг маърифат ўчоғи бўлишини, жамиятдаги барча бидъат ва хурофотларни ислоҳ этишга умид билан қарайди. Ҳамда яқиндагина чиқиб турган матбуот нашрларини тилга олади:

*“Ойна”ю “Ислоҳ”у бизда “Толиби ирфон” қани?*

*“Тужэжор”у “Шухрат”, “Тараққий”, “Хуришид”у, “Турон” қани?*

*Ҳам “Самарқанд”у, “Бухоро”, “Фаргона”, “Туркистон” қани?*

*Боиси қатъию дўст бўлди маслак то дуранг.*

*“Маъслаҳи” ва ал-қулуб” чиқди – шифо еткузмади.*

*Ноби ирфондин аҳолига тўла еткузмади,*

*Чархи гардун жаҳолат даврига еткузмади,*

*Ҳар бири умрин ақалли беш-олти йил ўткузмади,*

*Доим “Ислоҳ”дин шояд тузалгай энди яранг.*

*Ойнайи марҳам бўлинг “Ислоҳ”и Лукмони жароб,*

*Олдингиз туртманг, сўкиб ўзбекни билмас деб араб,*

*Ҳар замоннинг ўз элин қонуни таъбига қараб,*

*Янгини сочин силаб, эскини соқолин тараб,*

*Эски-янгини баробар заҳри болига қаранг<sup>151</sup>.*

Шеърдан билинадики, Ҳамза ҳам “Ал-Ислоҳ”нинг узок йиллар давом этишини истади. У Туркистон халқини иттифоқликка чакириб, “қадим”, “жадид” деган сўзларни ташлаб, бирдамликда яшашини орзу қилди ва шунга даъват этди.

<sup>151</sup> //Ал – Ислоҳ, 1915 йил, 20 – сон. – Б. 619.

“Ал-Ислоҳ” саҳифаларида татар матбуоти нашрларидаги Туркистон билан боғлиқ масалалар ҳам талқин этилган. Жумладан, “Ал-Ислоҳ”нинг 1916 йил 3-сонида таҳририят томонидан “1915 йилда миллий ҳаётимиз” номли мақола чоп этилган. Унда XX аср бошларида Туркистонда кўзга кўринган журналист Кабир Бакирнинг “Вақт” газетасидаги мақоласи ҳақида фикр юритади. Мақолада Кабир Бакир Туркистон аҳолисининг ҳуқуқсизлиги, аянчли аҳволдан изтироб чекади. Одамларни “Ал-Ислоҳ”ни мунтазам ўқиб боришга ва ундаги барча инсон фазилатларига оид одоб-ахлоққа тарғиб этувчи мақолалар билан ҳамнафас бўлишга даъват қилади. Шулар қатори яқиндагина чиқиб турган “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон”, “Ойна” каби матбуот нашрларининг чиқмай қолгани сабаби ҳақида фикр юритиб, бундай ёзади: “...Бир неча маротоба газета чиқарила бошлаб-да давом эта олмағон Туркистон шаҳарларинда 1914 йилда нашр этила бошлагон “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газеталари ила “Ойна” мажмуаси ўзларин таъмин этарлик муштарий жалб эта олмов сабабли тўқталдилар, ҳозир Туркистонда чиқарила бошлагон “Ал-Ислоҳ” исминда ёлғиз диний бир мажалла қолди. Тошкент уламози исминда бу мажаллада замон ва аҳвол иқтисосина мувофиқ бир маслак таъқиб эта олмоғиндин туркистонлилар учун онинг бори билан йўғи орасинда оюрма йўқдур. Бу ерда муҳтарам Кабир-Бакир афанди 1914 йилда нашр этила бошлагон “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Ойна” мажмуасининг тўхталувина таъмин этарлик муштарий жалб эта олмовларин сабаб эйтуб кетмишдур”.<sup>152</sup>

Ҳақиқатан ҳам, матбуот нашрлари миллат учун нечоғлик зарур эканлиги кенг муҳокама қилинди. Уларда ёритилаётган масалалар халқни нодонлик, ғафлат уйқусидан уйғонишга, замон билан ҳам нафас бўлишга чорлади. Шу нуқтаи назардан ҳам, ҳар бир нашр этилаётган мақола миллат маънавияти юксалишига ижобий таъсир кўрсатиши қайта-қайта таъкидланди. Мақолаларда матбуот нашрларининг тўхталишига зиёли ва уламоларнинг ўзлари, яъни ўртадаги беҳуда баҳс-мунозаралар

<sup>152</sup> Идора. 1915 йилда миллий ҳаётимиз. // Ал-Ислоҳ, 1916, 3-сон. – Б. 67.



сабаб бўлгани уқтирилади. Журналнинг 1915 йилги 16-сонида босилган Мулла Толибжон Тошкандийнинг “Миллат, миллат, миллат” номли мақоласи ҳам буни тасдиқлайди. Муаллиф бундай ёзади: “Биз туркистонлилар “Тараққий”, “Хуршид” исмли бир неча газеталарнинг нашр қилинувлариндин... мамнун ўлмиш эдук, охири эдики умидларимиз акс натижа бағишлаб 73 фирқанинг нојисиндин (муваффақият) саналмиш биз туркистонлиларни эски фирқа ва янги фирқа исмда икки фирқага айирувида эди, бизларда ул замондан бери турли-турли исмлар, номлару лақаблар ила чақирилуб газета ва журнал каби нарсаларда мутанофир (нафратланувчи) бўлиб қолмуш эдук”<sup>153</sup>.

Таъкидлаш жоизки, “Ал-Ислоҳ ”даги барча мақола ва шеърларда замоннинг долзарб муаммолари ифодаланган. Бундай қараш Тўлаган Хўжамёров Тавалло асарларига ҳам хосдир. “Ал-Ислоҳ”нинг 1918 йил 2-сонида чоп этилган “Бахтсиз миллат” мухаммаси ана шу жиҳатдан характерлидир:

*Қутулгайму ёронлар, бахтсиз миллат мусибатдан,  
Чекар тинмай акамлар кунда юз хил оҳ-гурбатдан,  
Қаҳатлик бир тарафдан, бир тараф боби ҳукуматдан,  
Эзилди кўкраги, олди тани хоки мазаллатдан,  
Дуо айланг, чиқайлик биз ҳам эмди кунјиси узлатдан.*

*Йўлиқди миллатимиз тўда ваҳший рўдаполарга,  
Асар йўқ номусиндин бир ажойиб беҳаёларга,  
Дучор ўлду недандур, билмадим, мундоғ балоларга,  
Шифо вер, эй Худо, сен ушбу дарди бедаволарга,  
Юраклар боғлади қон бўйла армон ила диққатдан.*

*Қилиб жой қарга-қузғун бургуту лочин уёсига,  
Кўринг, йўлатмаюр ўз мулкени, бас ўз эгасига.  
Солур зулмат, ёронлар, партави олам зиёсига,  
Қилинғизлар дуоқим, етмасунлар муддаосига,  
Худоё, сақлагил бечораи миллатни тухматдан.*<sup>154</sup>

Таваллонинг нуқтаи назари аниқ. У мамлакатда ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиб борганини, боз устига ўша йиллари

<sup>153</sup> Мулла Толибжон Тошкандий . Миллат, миллат, миллат // Ал-Ислоҳ, 1915, 16-сон. – Б. 502.

<sup>154</sup> Тавалло. Бахтсиз миллат. // Ал-Ислоҳ , 1918, 2-сон. – Б. 39.

ҳосил деярли битмай қурғоқчилик келгани, озик-овқат танқислиги бутун Русиядаги сингари Туркистонда ҳам қахатчилик юз берганлигини тасвирлайди. Шоир миллатни озодликка чорлайди, “Йўлиқди миллатимиз тўда ваҳший рўдаполарға” дея таассуф қилади. Ватанни босқинчилардан озод қилиш учун ўзини, ўзлигини таниган, гурурли кишилар, юртнинг чинакам эгалари тарбияланиши кераклигини таъкидлайди.

Нодонлик ва ғафлат уйқусида ётиш, яъни ўз аҳволига бепарволик, тараққиётнинг омили бўлмиш илмга интилмаслик оғир дард эканини уқтиради. Шеърда миллатни лоқайдлик тўшагидан туришга, жисмини саводсизлик деб аталмиш касалликдан қутултиришга ундайди. Шундай қилсагина маърифат юксаклигига чиқиш мумкин деган фикрни таъсирчан ифодалайди. Истибдод гирдобиди қолган, балоларга дучор бўлган Туркистон халқини бахтсиз миллат деб атайди. Фақат бугина эмас. Таваллонинг “Ибрат боғинда” деб номланган шеърида ҳам мустамлака Туркистон аҳолисининг аянчли аҳволи акс этган. Шоир бу асариди бўрттириш усулидан фойдаланиб, халқининг маданий қолоқлигидан изтироб чекади. Асардан келиб чиқадиган ғоя халқни маданиятли, маърифатли бўлишга даъват этишдир:

*Ёз фасли оқ баданлар оқ кийимлар кийсалар,  
Пахталикни ташламай елкага чиққан ёғимиз.  
Уч қабот камзули устида яна бир каттакон,  
Боғлабон маҳкам қилиб саккиз қулоч белбоғимиз.*

*Тўғри юрмай туртиниб босдук оёгин нечани,  
Русча “лен”, тотарча “Ялқов”, туркча “малтоғимиз”<sup>155</sup>*

Шоир истироҳат боғида сайр этаркан, икки хил манзарани кўради. Шу маънода ушбу “томоша боғ” аслида ибрат боғидир. Ана, бир гуруҳ “Чаман булбуллари” боғда “товус” каби “хиром” қилмоқдалар, “ёз фасли оқ баданларига ” “оқ кийимлар” кийган, “искамейка”ларда “роҳат қилиб” дам олмоқдалар. Бу — инсоннинг ўз инсоний шаънини кадрламоғидир. Энди иккинчи манзарага кўз ташланг. Йўл устида тўпланиб, қарғалардек

<sup>155</sup> Жалолов А. Ўзбек маърифатпарвар — демократик адабиёти. — Т.: Фан, 1978. — Б. 100.

қўнқайиб олган кишилар. Ана, бирови “кафши”нинг “лойи билан” “искамейка”га чўзилган. Ё бўлмаса, “ёз фасли” бўлишига қарамай, “пахталиқ”ни ташламасдан “елкага ёғини чиқариб” бунинг устига, “уч қабот камзул” устидан “саккиз кулоч белбоғ” боғлаб олган миллатдошларимиз...! Нега бировлар озода кийиниб, чиройли бўлиб, хузур-ҳаловат кўраркан, биз “пайпоғимиз судраб” кўча чангитиб юрамиз, деб изтироб чекáди шоир. Шеърдан шундай хулоса чиқади: наҳотки бу ўша давруғи жаҳон Туркистон? Наҳотки бу шўринг қурғурлар дунёга қанчадан-қанча даҳоларни етказиб берган, Амир Темурдай жаҳоний зотлари билан ярим жаҳонга эгалик қилган, инсониятга инсонларча яшашни ўргатган, асрлар давомида куч-қудрат, ақл-шижоат тимсоли бўлиб келган юртнинг фарзандларидирлар.

Аслида, шоир демокчи бўлган гап ҳам шу.<sup>156</sup>

Бундай маърифатсизликдан изтироб ифодаси Мубашширхон асарларида ҳам намоён бўлади. Журналнинг 1916 йил 6-сонида чоп этилган мухаммасида шоир ҳайрон: нега бизнинг миллатимиз ғафлат уйқусини бунчалар суяди, ваҳшийликдан, илмсизликдан не яхшилик кўрди эканки, ажралгиси келмайди:

*Зиллат эрмасму санга бир иттибоъинг бўлмаса,  
Суннати пайгамбара бир амсолинг бўлмаса,  
Вожиботи нафсинга бир иҳтизоринг бўлмаса,  
Доимо бидъатни истаб имтиноъинг бўлмаса,  
Эй замона зиллатинг жам ўлди, кам ўлгонча йўқ.*

Мубашширхоннинг жаҳолат, қоронғулик қурбони бўлган Туркистон халқига юрагидан ачиниб уларни уйғотишга, яъни жамиятда ўзининг муносиб ўринларини топишга, илм олишга, тараққийга ундаб ёзган бу шеъри ўша курашли йилларнинг маршидек жаранглайди:

*Қодир Оллоҳ сенга верди сен анго ҳеч бермадинг,  
Густарилди санго роҳинг сен анго ҳеч кирмадинг,  
Дунёвий тахвиф ила оғоҳланаринг билмадинг,  
Охират саҳросида сарсон ўлоринг билмадинг,  
Эй замона зиллатинг жам ўлди, кам ўлгонча йўқ.<sup>157</sup>*

<sup>156</sup> Қаранг: Қосимов Б, Юсупов Ш, Долимов У., Жабборов Н., ва бошқалар. Миллий ўйғониш даври ўзбек адабиёти дарслиги, – Т.: Маънавият 2004. – Б. 315.

Шоир давр ҳаётида юз бераётган воқеаларни маърифатпарварлик ғояларни шеърият ойнасида ҳаққоний акс эттирди, давр ва шароит тақозо этган талабларни кўтаринки руҳда, шиор-чақириқлар воситасида кенг оммага ёйишга ҳаракат қилди. “Дунёвий тахвиф ила огоҳланиринг билмадинг” дея у фақат илм фанни ўрганиш йўли билангина жаҳолату худбинликдан қутулиш мумкин, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам халқни, аввало ёшларни китоб-журнал ўқиб, илм чўққиларини эгаллаб, дунё воқеаларидан воқиф бўлишга ундайди.

Журналда фаол иштирок этган муаллифлардан яна бири мулла Ҳошим Ҳайратийдир. Унинг асарларида ҳам миллат ғами учун куйиниб ёзилган маърифатпарварлик ғоялари салмоқли ўринни эгаллайди. Шоирнинг “Танбеҳ” сарлавҳали шеъри ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

*Ағниё мағрури давлатким, эшитгай ушбу дод,  
Қилмаюр олим кироҳи ваъз ила бизларни шод,  
Ташласак нафсоният ихвони қилмасдин жиҳод,  
Иттиҳод айлаб макотибларни гар билсак кушод,  
Бўлгаймиз кўп жаҳолат ўзгалар ўртосида.*

*Суйсангиз авлодингиз, илм ўргатинг, топсун виқор,  
Тарбиятга сизни то вақл айлади парвардигор,  
Гарчи мискинзода бўлсун, илм ила бўлгай кибор,  
Илм ила Ҳаққа етушгай, хоҳласа зар ҳам топар,  
Авжи ғайратга етар ул маснади воласида<sup>158</sup>.*

Ҳайратий халқ руҳини жуда яхши ҳис қилди. Бир томондан, асрий қолоқлик ва жаҳолат. Иккинчи томондан, тутқунлик асорат. Ҳам иқтисодий, ҳам маънавий қашшоқликка маҳкум қилинган элнинг, юртнинг ғамини ким ёйди? Унинг ҳақ-ҳуқуқини чор маъмурларидан ким ҳимоя қилади?! Шоирни шулар ўйлантиради. Ҳайратий маърифат, тараққиёт куйчиси, янгилик тарафдори сифатида ўз давридаги ижтимоий тенгсизликка қарши курашди. Унинг ижоди бутунича жаҳолатга зид, илм-маърифатни куйловчи, миллатнинг тараққиётга илдам қадам ташлашини истовчи, гумроҳу мудроқ

<sup>157</sup> Мубашширхон. // Ал-Ислох, 1916, 6-сон, 186-бет.

<sup>158</sup> Ҳайратий. // Ал-Ислох, 1917, 5-сон.

Туркистонни асрий уйкудан уйғотишга қаратилган фикрлар билан йўғрилган. Шу ўринда журналнинг 1917 йил 20-сонида чоп этилган “Бемувофиқ замон” номли шеърида Туркистоннинг оғир иқтисодий аҳволи, ўша йиллари ҳосил битмай, қурғоқчилик бутун ўлкага зарар етказгани тасвирланади. Халқнинг ночор аҳволи, турмушидаги қийинчилик, етишмовчиликлар уни изтиробга солади:

*Мунча қаттиглик бўлур деб ҳеч ким билган эмас,  
Хоҳ фақиру агниёдур, дафъини қилган эмас,  
Охири арзон бўлур деб кўзига илган эмас,  
Ушбу қимматликни, бил, олам ўзи кўрган эмас,  
Ризқ учун бечора мазлум қомати ҳамга қаранг<sup>159</sup>.*

Жадидлар томонидан ташкил этилган жамиятлар миллат болалари таълим-тарбиясини янгича асосга қуриш учун хизмат қилди. Айниқса, Андижонда ташкил этилган “Ҳаваскорони маориф жамияти” шундайлардан эди. Жамиятнинг мақсад ва вазифалари кенг муҳокама қилинди, таъсисчилар хайрия тариқасида иқтисодий ёрдам бериб боришни миллатдан сўради. Халқни тўйлар ва бошқа тадбирларга ноўрин пул сарфлаш ўрнига “Ҳаваскорони маориф жамияти”га моддий жиҳатдан ёрдам беришга ундади. Эски усул мактабларини ислоҳ қилишнинг истиқболлари белгиланди. Журналнинг 1917 йил 8-сонида идора томонидан чоп этилган “Ҳаваскорони маориф жамияти” мақоласида бундай фикр билдирилган: “Мактаб-мадрасаларимизни тараққий қиладурғон замони келди, иншооллоҳ тараққий ва маданий миллат бўлуб яшармиз. Ҳозир Андижонда ёш тараққийпарвар зиёли мусулмонлар (жадидлар) тарафиндин “Ҳаваскорони маориф” исминда бир жамият очилди, бу жамиятни мақсади Туркистон мусулмонларини тараққий, маданий миллат бўлиб яшамоклиги учун саъй-кўшиш, ижтиҳод айлаб, жамият тарафиндин хусусий мактаблар очиб, шул мактабларда ғариб бечора болаларни тарбия қилуб, овқатларини беруб, ўқитуви, умумий одамлар фойдаланмоғи учун кироатхона очуб, ҳар турли рисолалар китоблар нашр қилур... Мадрасаларда ётмиш мустаҳиқ (муносиб, ҳақли, лойиқ)

<sup>159</sup> Шу муаллиф. // Ал-Ислох, 1917, 20-сон.

ғариб бечора шогирдларга ушбу жамият тарафиндин моддий ва маънавий ёрдам етказилур. Саховатлу афандиларимиздин ўтулуб илтимос қилурмизки, шул ёки тараққийпарварлар очмиш “Ҳаваскорони маориф” жамиятина мумкин қадар моддий ва маънавий ёрдамда бўлсалар эди... Миллатга ҳеч бир фойдаси йўқ, фақат беҳуда исрофдан иборат баъзи тўйларда фарз, вожиб қаторида одатланмиш карнай-сурнай, бачча ўйнатиш, улоқ ва мунга ўхшаш исрофотларга кўнгиљдан чиқармиш ақчаларни, муҳтарам тўй соҳиблари шунга ўхшаш миллатга фойдали, манфаатли жамиятларга сарф қилса, нақадар савоб бўлур эди”<sup>160</sup>.

Илғор зиёли ва уламолар мамлакатни ободонлаштириш, эски минора, мадраса, масжидларни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берди. Айниқса, даврдан-даврга ўтиб келаётган мўътабар мадрасаларни авайлаб, кўз қорачиғидек асрашга одамларни даъват этди. Журналнинг 1917 йил 20-сонида ўшлик Абдулқодир Исоққон тарафидан “Ҳаққоният йўлинда” деб номланган мақолада шулар ҳақида фикр юритилган.

Журналда сиёсий мақолаларга кенг ўрин берилди. Масалан, 1917 йилги хуррият ҳақидаги мақолалар бунинг далилидир. Журнал муаллифлари 1917 йилги инқилобни завқ-шавқ билан кутиб олди. Айниқса мардикорликка кетган ўзбек ўғлонларининг ўз юртларига қайтиши уларни чексиз қувонтирди. Энди замон тинч, осойишта бўлишига умид боғладилар. Даврнинг илғор маърифатпарварлари ўзларининг туркум насрий ва шеърий асарларида хурриятни улуғладилар. Масалан, Саидахмад Васлий, Мулла Ҳошим Ҳайратий, Иброҳим Тоҳирий, Зафархон Жавҳарий, Абдушокир Қори шулар жумласидандир. Журналнинг 1917 йилги 7-сонида Абдушокир Қорининг “Хуррият ҳақида” номли шеъри чоп этилган:

*Очилди бахтимизга ушбу кун абвоби хуррият,  
Ҳама ислом эли тобе бўлиб аҳбоби хуррият,  
Ўқурлар шодлиғидин тинмайин алқоби хуррият,  
Эдурлар саъй эмди тузмакка асбоби хуррият,  
“Аё миллат” эдуб қўшиши бўлинг арбоби хуррият,  
Биза чўғ лутф этиб Ҳақ айлади асҳоби хуррият.*

<sup>160</sup> Идора. // Ал – Ислох. 1917 йил, 8 – сон.



Шулар қатори журналда мардикорлик воқеалари тасвири ҳам берилган. Бу воқеанинг туб моҳияти маълум: “1916 йилнинг 25-июнида 2-Николай “Империядаги ғайрирус аҳолининг эркакларини ҳаракатдаги армия турган районларда мудофаа иншоотларини ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ишларига, худди шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга сафарбар қилиш тўғрисида” фармон берди. Туркистондан 19-ёшдан 43-ёшгача бўлган 250 минг ишчи олинадиган бўлди. Маҳаллий халқ орасида норозилик бошланди. Норозилик ўлка ижтимоий ҳаракатчилик тарихида муҳим бир босқич бўлиб қолган “Мардикорлик воқеалари”ни келтириб чиқарди”<sup>161</sup>.

Даврнинг илғор маърифатпарварлари ўз асарларида бу воқеаларни акс эттирди. Бу ҳақда профессор Бегали Қосимов шундай ёзади: “Ҳозирча мардикорлик воқеаларига бағишланган ўнга яқин шеърӣ тўплам босилиб чиққанлиги маълум. Булар орасида Ҳамзанинг машҳур “Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар мажмуаси”нинг 7- бўлими – “Сафсар гул” ( Қўқон, 1917), Муҳиддин Иброҳимов тузган “Лошмон” (Наманган, 1916), Авлонийнинг “Мардикорлар ашувласи” (Тошкент, 1917), Акбарӣ Тошкандийнинг “Ватанга хизмат” (Тошкент, 1917), Сидқийнинг “Рабо(т)чилар намоӣиши” (Тошкент, 1917), шунингдек, Баҳриддин Азмийнинг “Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт” (Тошкент, 1917) каби асарларида ҳам мардикорлик воқеалари тасвири учрайди”<sup>162</sup>.

Худди шулар қатори Зафархон Жавҳарӣ асрларида ҳам мардикорлик воқеалари тасвири намоён бўлади. “Ал-Ислох”нинг 1917 йил 10-сонида “Шукр дар баҳори хуррият” деб номланган шеърӣда у бундай ёзади:

*Биз мусулмонлардин ўн олтинчи йилда ҳукм ила,  
Борди аскар хизматиға неча юз минг мардикор,  
Вермакин жойи турктоз жавр ила ўлди хароб,  
Қолди истибдоду зулм остида чўқ шахру диёр.*

<sup>161</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 143.

<sup>162</sup> Кўрсатилган китоб. – Б. 146.

Ҳақсизлик биргина юрт бошига мардикорлик савдоси тушиб, ман-ман деган йигитларнинг олис томонларга олиб кетилаётганлигидагина эмас эди. Шўрлик камбағалнинг гирибонидан тутган қимматчилик, минг бир машаққат билан рўзғор тебратаётган оила суянчиғининг мардикорликка олиниб, хонадоннинг қўл-оёқсиз қолиши шоирни изтиробга солади.

Зиёли ва уламоларнинг “Шўройи исломия” жамиятини ташкил қилиши алоҳида эътиборга молик. Бу жамият аъзолари ўртасидаги зиддиятлар натижасида соф уламоларга тоби “Шўройи уламо” жамияти тузилди. Бундай тарафкашликлар илғор тараққийпарварларнинг ғазаб туйғуларини келтириб чиқарди. Журналнинг 1917 йил 17-сонида Баҳриддин Азмийнинг “Мухтарам умумий Шўройи ислом идораларидин илтимос” номли шеърида шу ҳақда сўз боради. Шоир Туркистон уламоларига хитоб қилиб, бундай ёзади:

*Сиза арз айларам, эй мухтарам Шўройи исломий,  
Эдингиз жон-дил ила ҳому ижрои аҳкоми,*

*Керакким динимиз бул кун чиқарса ғайр аро номи,  
Тараққий савқин айлангиз сиз олмай лаҳза ороми,*

*Орангиздин таассуб-ла тажоҳул тухмини ташланг,  
Ҳому бирга туғушгандек нифоқни пешангиз айланг,*

Шоир миллатни “бир тан”у “бир жон” бўлишга чорлайди. “Шўройи исломия” жамиятидан бу ишни амалга оширишни илтижо қилади. Шоир олис тарих мисолида ўзаро низо ва жанжалларнинг Ватан ва миллат тақдиридаги фожиали оқибатларини кўрсатиб беради. Миллатнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган шундай маъсул бир пайтда иттифоқнинг сув ва ҳаводек зарур эканлиги ҳақида бонг уради. Аслида бу ғоя ўлмасдир. У мамлакатимиз истиқлолини қўлга киритган бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турибди. Умуман, журналдаги маърифат ва жаҳолатга доир барча мақолалар, шеърий асарлар жаҳолат зулматидаги халқни маърифат зиёсидан баҳраманд этишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

XX аср бошларидаги маърифатчилик ҳаракати жамият ҳаётини ислоҳ қилиш масаласини кун тартибига кўяр экан, бунда маърифат ва жаҳолат зиддияти асосий муаммо даражасига кўтарилди. “Ал-Ислоҳ”даги публицистик мақолалар айна шу муаммо ечимига қаратилгани ҳам бунинг тасдиғидир. Саидахмад Васлийнинг “Ислоҳи тадрис ҳақида”, Мулла Абдулғаффорхўжанинг “Ўқув ва ёзувларнинг ҳақиқий боислари”, Зиёвуддин қорининг “Инсоннинг бир неча вазифаси ва саодати”, Ҳамзанинг “Таассуф”, Холмуҳаммад Тўрақулининг “Уламои киромлардан ражо” каби шеър ва мақолалари тараққиёт кушандаси – жаҳолат ҳамда миллат равнақининг калити – маърифат тадқиқига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда “Ал-Ислоҳ” ўзига хос маърифат минбари сифатида миллий маънавият ва тафаккур ривожига муҳим ўрин тутди.

## ДИНИЙ - МАРИФИЙ МАВЗУЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

“Ал-Ислоҳ” ўз номи билан миллат ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Зеро, бу даврдаги бошқа матбуот нашрлари сингари “Ал-Ислоҳ” ҳам Туркистоннинг ижтимоий-маънавий ҳаётидаги янгилианишнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида намоён бўлди ва миллатнинг уйғонишида муҳим рол ўйнади, бу рол динга оид қотиб қолган қарашларни ислоҳ этиш ва диний масалаларни акс эттиришда ҳам яққол намоён бўлди.

Журналда эълон қилинган диний мавзуга бағишланган мақолаларнинг аксар қисми фикҳий масалаларга бағишланган. Унда асосан ўша даврнинг илғор уламолари ўз фикр – мулоҳозалари билан фаол қатнашган. Журналда савол-жавоб рукини ташкил этилган бўлиб, ҳар-бир вилоятдан келган савол тариқасидаги мақолалар журнал саҳифаларида мунтазам чоп этилган. Айрим масалалар қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Масжидларга имом сайлаш ана шундай масалалардан эди. Чунки имом мусулмон жамоасининг раҳбари саналган. Айниқса, миллат ҳаётида уйғониш, қизғин зиддиятлар кечаётган бир замонда бу масала алоҳида долзарблик касб этган. Бинобарин, элни маърифатга чақирадиган, жаҳолат гирдобидан олиб чиқадиган маърифатпарварларга эҳтиёж катта эди. Журналнинг 1917 йил 16-сонида тошкентлик мулла Исохон Аълам мударрис томонидан бу мавзудаги саволга куйидагича жавоб берилган: “Ушбу масоилларга қарағонда, лозим ва муносиб шулки, имом тўғрисиға мусоҳила қилмасдин, ҳар хил одамлар бепарво ва беилм ва дунёпарастларни ихтиёр қилмасдин, олими покиза ва қории диндорни хоҳламоқлари токи меҳнат билан қилган ибодатлари зоеъ бўлмасдин ва ўқиган намозлари бенуқсон бўлуб, индаллоҳи ажри азим ва савоби жасим ҳосил ўлғой...”

Кўриниб турибдики, мақола муаллифи инсоний фазилатлари ва дин илмини қанчалик мукамал эгаллаганига қараб кишиларни имомликка сайлашни тавсия этади.

Унинг фикрича, мусулмон жамоасига бепарво, беилм ва дунёпараст киши раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Миллатни маърифатга чорлаши учун имом олими покиза ва кории диндор бўлмоғи зарур.

Оила қуриш ва уни мустаҳкамлаш – муҳим ижтимоий масала, шариат нуқтаи назаридан бениҳоя эътиборга молик бир иш.

Чунки, “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларини заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади.”<sup>163</sup>

Фитрат алоҳида таъкидлаган ана шу интизом қай даражада эканини белгилашда миллат оилаларида талоқ масаласига бўлган муносабат ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. “Ал-Ислоҳ”нинг 1916 йил 4-сонида Наманган уламолари томонидан “Наманган шахридин қилинмиш савол” номли мақолада бундай савол берилган: “Бир мусулмон жаҳл устида ўз хотинига айтсаки: “Агарда мендан беижозат эшикдин ташқариға қадам қўйсанг, сен менга минг талоқсен” деса, сўнгра ушбу айтган сўзига пушаймон қилиб: “Жаҳл устида айтган сўзимдин қайтгим” – деса, ушбу иккисидин қайси бири эътиборга олинадур? Агарда кейинги сўзи эътиборга олинмаса, жаҳл устида айтган шарти ўрнига келса, нима иш қилса бўлур?”

Журналнинг айни шу сонида “Сарёмлик Мулла Исмоил тарафидан саволлар” деб номланган мақолада бундай савол берилган: “Бир одам хотунини бир талоқи боин қўйди, никоҳлаб олди, бир йил умргузорлик қилди яна бир талоқи боин қўйди, боз никоҳлаб олди, яна бир йил умргузорлик қилди, ҳоказо учга етди, ҳалола лозим бўлурму ? Ё йўқму ?”.

Бу саволларга журналнинг 1916 йил 7-сонида ўз даврининг таниқли уламози тошкентлик Мулла Зухриддин бундай жавоб беради: “Ушбу тариқада талоқ қилмоқ бизим Тошканд

<sup>163</sup> Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. IV жилд. – Т.: Маънавият, 2006. – Б. 215.

аҳолиларининг миёналарида ҳам шойиъдур. Баъзи бир маҳалла имомлари, билотафтиш, мазкур бўлгон талоқдек бир-бирдин учга етса ҳам ҳалола лозим бўлмағига мулоҳаза этмаюб, будун ҳалола никоҳлаб кўйурлар. Бинобарин, мазкур саволнинг “Ислоҳ” саҳифасига дарж бўлғони ниҳоят даражада маъкул кўрунуб хайрул қалом қалла ва далла муфодинча жавоб ёзмакни муносиб кўрдим. Чунончи жами кутуби фикҳийларда баён қилинганларки, талоқ ал-ҳарратас салосата вал амата, яъни озод хотуннинг талоқи учдур, ва чўри хотуннинг талоқи иккидур, хоҳ бир-бирдан учга етган бўлсун ва хоҳ якбора уч талоқ кўйилгон бўлсун”.

Умуман, талоқ масаласи, Фитрат таъбири билан айтганда, “миллат оилаларининг интизоми” билан боғлиқ муҳим бир муаммодир. Шу боис “Ал-Ислоҳ” бу масалага жиддий эътибор қаратган. Оилаларнинг мустаҳкам бўлишини таъминлашга ҳаракат қилган. Жаҳолатни қоралаш фикҳий масалалар мисолида ҳам “Ал-Ислоҳ”нинг етакчи мавзуи бўлган. Чунки маърифатпарварларимиз жаҳолатнинг ҳар қандай тури миллатни инқирозга олиб келади, деб ҳисоблаган. Журналнинг 1916 йил 5-сонида Мубашширхон томонидан чоп этилган “Жаҳолатимизга бир назар” сарлавҳали мақола бунинг ёрқин далилидир. Мақолада вафот этган кишига қариндош эркак ва хотин-қизларининг мозорга бориб дод-фарёд солиши ва умуман, аёлларнинг мозорга бориши масаласи таҳлил этилган. Муаллиф бундай ёзади: “... овози баланд бирлан йиғламак ва навҳа қилмак ҳеч бир эркак ва ё хотунга жоиз эмасдур, ... навҳа ва сайҳа қилмак эркак ва хотун(ғ)а ҳаромдур...” Буни жаҳолатнинг кўриниши сифатида қоралаган мақола муаллифи овоз чиқариб йиғлаш натижасида маййитга озор етишини алоҳида таъкидлайди. Балого, мусибатга сабрли бўлиш зарурлигини қайд этади.<sup>164</sup>

“Ал-Ислоҳ” ва “Ойна” журналлари муаллифларининг ўзаро баҳс-мунозаралари ўша даврнинг долзарб муаммоларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, Бехбудий билан уламолар ўртасидаги мунозаралар кескин бўлган.

<sup>164</sup> Мубашширхон. //Ал-Ислоҳ, 1916йил, 5-сон.



Беҳбудий халқ маърифатига катта аҳамият берган ва бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқни олиб ташлашга уринган. Маърифатпарварнинг “Ойна” журнали 1915 йил 10-сониданашр этилган “Таҳсил ва сафар замони ва таом” мақоласи, айниқса, кескин баҳсларга сабаб бўлди. У бундай ёзади: “Ҳазрат Али афандимиз (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу) жаноблари буюрадиларки ...Эй мусулмонлар, болаларингизга келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни Худои таоло халқ этди сизни замонингиздин бошқа, яъни келар замон учун. Юқоридаги сўз шундай бир қимматбаҳо ва пурмаъно ва кераклик сўздурки, ёлғуз анинг ила биз мусулмонлар омил бўлса эдук, бутун дунёю охиратимиз обод бўлур эди”<sup>165</sup>.

Беҳбудий илм олиш фазилатларини Куръон оятлари ва ҳадисларга асосланиб таърифлайди. Машҳур ҳадисга таяниб, илм Хитойда бўлса ҳам, бориб ўзлаштириш зарурлигини таъкидлайди. Беҳбудий бу ҳадисни бежиз келтирмайди. Зеро, Хитойдан ислом маърифатини ўрганиб бўлмаслиги аён эди. Бунда миллатни тараққиётга элтувчи дунёвий илмларни ўрганишга ишора қилинган. Мақолада муаллифнинг “Оллоҳ ақл берсун! Ҳазрат пайғамбаримиз котиби ваҳий бўлган ҳазрат Зайдни яҳудийга бориб ўқимокға буюрдилар. Ва ҳам ул киши бориб ўқиди”<sup>166</sup>, деган фикрлари ҳам буни тасдиқлайди.

Беҳбудий таҳсилнинг замона талаби эканлигига бир қанча мисоллар келтиради ва ёшларга тўғридан-тўғри бундай мурожаат қилади: “Бизни Туркистоннинг маҳаллий ҳукумат маҳкамаларинда, касалхона ва дорухоналарда, темир йўллар идорасинда ва барча банклар, тижорат кўнтур ва корхоналаринда, сиз муҳтарам ёшлар, диққат этиб қарасангиз, асл русийлардин нақадар ўзга жинсий кишиларни кўрасизки, катта ойлиқлар ила хизмат этарлар. Масалан, сиз ёшлардин бири даллоллик ва ё таржимонлик ва ё молфурушлик хизматида ойинда бир неча юз сўмлаб вазифа олур... Бунинг ҳикмати надур? Албатта, ҳикмати анинг отаси ўз боласини замонага мувофиқ тарбия ва таълим этганидур”<sup>167</sup>.

<sup>165</sup> Беҳбудий. // Ойна 1915, 10-сон.

<sup>166</sup> Шу жойда.

<sup>167</sup> Кўрсатилган манба. – Б. 244.

Бехбудий замонавий илм-фандан бахраманд бўлишнинг афзаллигини ҳам дин ва замон талаби нуқтаи назаридан талқин этади.<sup>168</sup>

Шундай экан, замона илмини ўзлаштиришни нимадан бошламоқ ва нималарга риоя этмоқ керак? Бехбудий бу ҳақда ҳам батафсил тўхталади: “Шаҳар мактаби, яъни “городской училище”га кирмоқ учун бола русча ўқуб ёзмоғи ва озгина ҳисоб билмоғи керакки, мунга бир болани 8-10 ой рус қўлига бериб тарбия қилдирулса, бу имтиҳонни бериб кирар”<sup>169</sup>.

Мақолада Бехбудий Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларида таҳсил кўрган талабалар, уларга рўпара келган қийинчиликлар ҳақида фикр билдиради. Унда кўтарилган асосий муаммолардан бири таом масаласидир. Бинобарин, ўша пайтлари расмий дин уламоларининг аксарияти ғайримусулмонлар томонидан сўйилган гўштнинг мусулмон аҳли томонидан истеъмол қилинишини ножоиз ҳисоблаган. Бехбудий эса ўз диндошларини Россия давлати берган ўқиш имкониятидан тўлиқ фойдаланишга даъват этади. Бироқ бу талабалар учун маъқул таом бўлмаган муҳитида улар қандай яшашлари мумкин?

Бехбудий бир ҳадисни эслатиб, уни бундай талқин этади: “Пайғамбардан унинг саҳобалари: “Ғайридин кўшнилар (мушрик) сўйган гўштни мусулмон аҳли истеъмол қилиши жоизми?” – деб сўраганларида, у ҳазрат мумсулмонларга бу таомни ейишдан олдин “бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” деб истеъмол қилишга даъват этган. Бехбудийнинг талқинича, истеъмол қилиш жоиз бўлмаган таомдан мусулмон аҳли ана шу “басмала” воситасида фойдаланиши мумкин.

Бехбудий фикрларига танқидий муносабат билдирилган мақолалар ўзи муҳаррирлик қилаётган “Ойна” журнали ва “Ал-Ислоҳ”да кетма-кет босилди. Жумладан, “Ал-Ислоҳ”нинг 1915 йил 9-сонида Садриддинхон маҳзум томонидан “Қутилмаган талқин” номли танқидий мақола чоп этилган. Мақолада муаллиф Бехбудий фикрларини танқид қилиб, мусулмон

<sup>168</sup> Қаранг: Нишонов Г. Бехбудий мухталиф бўлганми? // Филология масалалари, 2005, №1(8). – Б. 72.

<sup>169</sup> Шу жойда. – Б. 246.

талабаларни 8-10 ёшида рус оиласига бериб, уларнинг таомидан истемол қилишини шариатда ножоиз билиб, бундай ёзади: “Адабий, иқтисодий, диний бўлмиш “Ойна” мажалласининг 10-сонидаги мундарижаларин мутолаа қилиб турганимда “Таҳсил ва сафари замон ва таом” сарлавҳали мақолага кўзим тушди. Унда дарж қилинган сатрларда демишки: болани 8-10 ой рус оиласига бериб таълим қилинса, шаҳар мактабига кирмоқ имтиҳонини берур эмиш. Албатта, ёдинғизга келурки, русларни таомидан болани емоғи қандоқ эди?” Садриддинхон фикрларига ҳамоҳанг Муҳаммадрасул Расулий томонидан “Ал-Ислоҳ”нинг 1915 йил 10-сонида “Қутилмаган талқин”нинг бақияси” номли мақола эълон қилинди. Унда муаллиф кескин фикр билдиради. Унингча, Беҳбудий ўша ҳадисни нотўғри талқин қилган ва ноҳолис мулоҳаза юритган.

Юқорида таъкидланганидек, биргина “Ал-Ислоҳ”да эмас “Ойна” журналида ҳам шундай танқидий фикрлар билдирилган. Масалан, журналнинг 1915 йил 15-сонида Аҳмадхўжа эшон “Дафъи таъриз ва шубҳа ажнабий таом ҳақида” сарлавҳали мақола эълон қилган. Мақола бундай эътироз билан бошланади: “Ойна журналининг муҳаррири ва ношири самарқандлик Маҳмудхўжа – бутун Туркистонда ислом оламини илм нури ила зиёлантурмак даъвосинда бўлмиш кўзи жуда катта очик киши ижтиҳод қилиб, мушрикнинг сўйгани ҳалол деб фатво берди – қўйди. Хийла чаққон экан, ҳадис маъносини ҳам кўп моҳири экан. Бу мусулмонликми?”<sup>170</sup>

Аҳмадхўжа Эшон “Ойна” журнали билан кифояланмади, бу сингари фикрларини “Ал-Ислоҳ”да ҳам давом эттирди. Жумладан, “Ал-Ислоҳ”нинг 1915 йил 12-сонида “Дафъи таъризга эътироз” номли мақоласида масалага бундай муносабат билдиради: “...муфти жаноблари “мушрик забиҳаси ҳалол” дебдурлар. Биз айтурмизки – ҳаромдир, хато қилибдурлар. Муфти айтурларки: “Ҳалоллиғина ушбу мен зикр қилдигим ҳадис далолат қилур”. Биз айтурмизки, далолат қилмас, ҳадис маъносини яхши фикр қилсунлар ва билсунлар ва билгон кишидин сўрасунлар...”<sup>171</sup>

<sup>170</sup> Аҳмадхўжа эшон. // Ойна, 1915, 15-сон. – Б. 320.

<sup>171</sup> Шу муаллиф // Ал-Ислоҳ, 1915, 12-сон. – Б. 385.

Жадидчилик бўйича эътироф этилган мутахассислардан Ингеборг Болдауф бу баҳслар хусусида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: “Бехбудий ўз миллатининг тараққиётини кўзлаб, бошқа эътиқоддаги миллатларнинг анъаналарига мослашиш, яъни бошқа эътиқод вакиллари сўйган гўшти истеъмол қилиш масаласида анчагина эркинлик берувчи йўлни танлади. Бу билан у “ижтиҳод” сари қадам қўйган эди. Ана шу қарашлари учун ҳам у диний анъанага содиқ кишилар томонидан танқид остига олинган. 1915 йил шароитида “ижтиҳод”га чақириш ҳуқуқини талаб қилганликда айбланиш Ўрта Осиё мусулмонлари муҳитида хавфли бир ҳол саналган: ҳаттоки энг содиқ жадидлар ҳам бу ишдан ўзларини тийиб турганлар, чунки оммавий тарзда ижтиҳодга даъват қилиш Абу Ҳанифа шаръий қонунчилик мактаби таълимотини инкор этиш билан тенглаштирилиши мумкин эди”<sup>172</sup>.

Шариатнинг таом масаласига муносабат Холмуҳаммад Тўракули мақолаларида ҳам ёритилган. “Ал-Ислоҳ”нинг 1916 йил 4-сонида “Маркидин муҳтарам Мулла Холмуҳаммад Тўракули тарафидин савол” номли мақола чоп этилган бўлиб, унда бир қўйнинг (одатдаги қўйларга нисбатан бошқачароқ) ҳалол ё текширилганда, қўйнинг барча аломатлари чўчқани эслатишини, унинг чўчқадан тарқатилганини алоҳида таъкидлайди. Ҳатто “Оқ сув” деган маҳалланинг имоми ҳаром деб фатво бергани ва бу қўйни сўйган қассобдан гўшт олмаслиги ҳақида фикр юритилган. Бу масала ҳам Марки уламолари ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани учун “Ал-Ислоҳ” журнаliga ҳавола этилиб, Туркистон уламолари томонидан ойдинлик киритилиши сўралган. Савол қуйидаги тарзда қўйилган: “Ватандошимиз ўлан Русия жамоалари орасида бир тоифа қўй бор: қуйруғи узун, ўз орамизда мустаъмал қўйлара ўхшамаюр, муни ушбу қўйларни ҳалол ва ҳаром деган масала одамлар орасида шоеъ бўлуб, ҳатто “Оқ сув” деган мавзенинг имоми Мулла Шох Абдурасул ҳаром деб ҳукм қилуб, “Оқ сув”да сўйдурмас эканлар, ҳар ким уйида шул қўйдин сўйса, ул одамнинг таомидан емасга, агар қассоб сўйса,

<sup>172</sup> Ингеборг Болдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 13.

ул қассобни айблик қилуб, гўштини олмасга фатво қилубдурлар. ...уламои киромлар ушбу масаланинг жавоб ва савобини тасрих (очиқ ойдин) қилиб “Ислоҳ” воситаси ила нашр этсалар, ҳамма мусулмонлар шак ва шариф фатвоси ила амал қилсалар, дини мутааййин учун бир улуғ хизмат қилғон бўлур эдилар”.<sup>173</sup>

Бу саволга кўп ўтмай журналнинг 1916 йил 7-сонида Ҳамза Муҳаммад Амин ал-Ҳамидий томонидан “Ал-жавоб” номли мақола чоп этилган. Унда Холмуҳаммад Тўрақули мақоласини синчиклаб тадқиқ этиб, “Маъруф ҳадис китоблар” асосида яъни, муътабар “Дурр ул-мухтор” китобининг саҳифасидан далил келтиради. Унинг келтирган далилида кўйнинг онаси эътиборга олиниб, отасиға алоқаси йўқлиги таъкидланади. Шу жиҳатдан ҳам ушбу кўйнинг шариатда ҳалол эканлигини эътироф этади. У бундай ёзади: “Мазкур кўйлар ҳалолдур, чунки эътибор кўйнинг онасинадур, отасина эътибор йўқдур... ул кўйнинг чўчқага мушобиҳатинда эътибор йўқдур.... Фуқаҳои аъзам ҳайвоннинг ҳалол ва ҳаром ўлмоқлиғинда фақат онаға эътибор этмишлар, отасина эътибор этмамишлар”<sup>174</sup>.

“Ал-Ислоҳ” саҳифаларида кечган баҳс-мунозаралардан яна бири кийимлар масаласи эди. Уламолар мусулмон болаларининг европача кийинишини танқид қилди. Шу боис мактаб домлалари ва ота-оналарга мурожаат қилиб, ёшларнинг кийиниш масаласига жиддий эътибор бериш зарурлигини уқтирди. Бу масала ҳам “Ал-Ислоҳ” ва “Ойна” журналларида кенг муҳокама қилинди. Жумладан, “Ал-Ислоҳ”нинг 1915 йил 15-сонида идора номидан “Қиёфат ва кийимлар масаласи” деб номланган мақола чоп этилган бўлиб, унда ўзбек миллий кийимларининг европа кийимлари таъсирида йўқолиб бориши танқид қилинди ва Туркистон уламоларига қуйидагича савол билан мурожаат этилди: “Мана бу кунда эътибор кўзи ила қарасак, кийим масаласини кўриб ҳайрон бўлурмиз. Авваллари ҳар миллат ўзининг умумий кийимидин бошқасини қабул этмагани ҳолда юрур эди. Бу кунда эса бир миллат у ёқда турсин, бир одам юз хил қиёфатларға моликдур. Кийим ва қиёфат масаласи атрофлича текширилиб, мактабларимизда

<sup>173</sup> Холмуҳаммад Тўрақули. // Ал-Ислоҳ, 1916, 4-сон. – Б. 98.

<sup>174</sup> Ҳамза Муҳаммад Амин ал-Ҳамидий. // Ал-Ислоҳ, 1916, 7-сон. – Б. 195.

ўкутилмас, динимиз, исломиятимизнинг кийим ва қиёфат тарадудлари тўғрисида кўрсатган усул ва қоидалари ўргатулмас”?

Ўз даврининг зукко уламолари қаторида диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаган бухоролик Абдурахмон Муфтизода журналнинг шу йилги 17-сонида “Кийим ва қиёфат масаласига жавоб ” номли мақола чоп эттирди. Муаллиф Миср муфтиси Муҳаммад Абдуҳнинг бу масалага оид фатвоси ва диний манбаларга таяниб, Муҳаммад пайғамбарнинг румликлар жандасини ва таиланд кийимларини кийганликларини мисол келтириб, бу йўлда Пайғамбарга эргашиш кераклигини таъкидлайди.

“Ойна” таҳририяти ҳам бу масалага бефарқ қараган эмас. Кийим масаласидаги баҳсларда фаол иштирок этган Маҳмудхўжа Бехбудий “Ойна”нинг 1914 йил 34-сонида “Кийим ва ташаббуҳ масаласи” номли мақоласини чоп эттирган. Бехбудий мусулмон кишисининг диёнатини ташқи кўриниш билан эмас, балки унинг эътиқоди билан боғлайди ва бундай ёзади: “Бир неча йилдан бери баъзи мажлисларда русча фурма киймак ва ташаббуҳлар масаласи хусусида узун-узун мубоҳасалар бўлиб, бу мубоҳасалар мунозара ила тамом бўлур. Икфор (кофир) ҳукмларини аксар вақт муҳтарам уламомиз оғизларидан эшитармиз. Фурма кийган нари турсун, ҳатто уйининг тагини “пол” ва устини ту누ка қилганларни ёки уйи ичига устол, устул ва сурат каби нарса қўйганларни икфор қилинур... Чунончи, биз бу кун ўғлимизни шаҳар мактаби ва гимназияга қўймоқчи бўлсак, ёки бир неча йилдан сўнг Туркистон мусулмонларидан аскар олинса, ул ҳолда албатта русча фурма – шапка киймоқ мажбурий бўлур. Ҳозирда бу икки ҳолнинг аввалгисини кўриб ҳам мажбурий суратда қабул қилиб турибмиз. Замони келганда иккисини ҳам қабул қилсак керак”<sup>175</sup>.

Агар европалик билан ташқи ўхшашликка эга бўлгани учун кофир деб ҳисобланса, унда ер юзида биронта мусулмон қолмаслиги керак, деган кескин фикрларни билдиради муаллиф.

<sup>175</sup> Бехбудий. // Ойна, 1914, 34 сон.



Бехбудий фикрича, замонлар ўтса ҳам, айрим урф-одат ва анъаналар ўзгармайди, шу боис ёмон урф-одатлар (бидъати саййиа)ни йўқотиб, яхшилари (бидъати ҳасана)ни такомиллаштириш керак<sup>176</sup>.

Бехбудий ўз мулоҳозаларида мусулмон оламида хурмат қозонган дин арбобларининг фикрларига таянади. Миср муфтиси Муҳаммад Абдуҳнинг мусулмонлар орасида обрўси жуда катта бўлган. Шу боис унинг фатволарига тез-тез муурожаат қилиб турган. Муҳаммад Абдуҳ, Бехбудий хотирлашича, фатволаридан бирида айтган эканки, шляпа, шапка ёки бошқа европача либослар кийиш шариатга умуман зид эмас, кимки буни рад этса, демак, ислом ва сунна тарихини билмайди. Бехбудий ҳам европача кийимлар кийилишини шариатда жоиз деб эътироф этади.

Бехбудий икфор, яъни кофирлик айбномасининг ноўринлигини таъкидласа-да, уламолар наздидаги “икфор”нинг асл келиб чиқишини мустамлакачилик сиёсатининг мажбуриятларидан бири сифатида талқин этади. Тадқиқотчи Гулнора Нишонова “Ойна” журнали материаллари тадқиқи мисолида бундай ёзади: “Бехбудий қадимчи уламоларни ашаддий “синфий душман” деб билмаган, кези келса, улар билан итиффоқликда иш кўришни маъқул кўрган. Оллоҳдан уларга инсоф сўраган. Зеро, миллатнинг икки фирқага ажралиб, бўлиниб муҳолифатда бўлишини катта фожиа деб билган. Н. Остроумовнинг “Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил” шиорини назарга олинса, рус мустабидларига бу муҳолифат жуда маъқул эди. “Эшони қози ҳазратларини мактаб, жариди ва “Ойна” муҳаррири ҳақидаги сўзлари ажойибдур. Чунончи, мусулмон мажлисларинда мактаб бидъат ва “Ойна”нинг муҳаррири русларни яхши деб ёзгувчи ва халқни руслаштирувчи “махражидин” деб шикоят қиладурлар. Ҳукуматга бўлса, мактаб ва газетчилар “ҳукумат хилофига сўзлагувчи” деганлари маълум”. Бундай мунофиқликка қарши Бехбудий муносиб жавоб беради: “Биз халқни рус ва насоро қилмоқчи эмас ва дини мубини исломни хароб қилдурмоқчи эмас, балки

<sup>176</sup> Қаранг : Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.

мухтарам аҳли динимизни моддиятан таракқий этдурмоқчи ва дини шарифимизга маҳкам туриб Русияда яшамоқчимиз”. Яна бир ўринда Бехбудий куйидагича ёзади: “...Бир-биримизни ҳукуматга саъй этуб, халқ орасида душманлик ва тафриқа солмоқға саъй этармиз... Биз мусулмонлар душманларимизни кулдириб дўстларимизни йиғлататурган бир ҳолдамиз. Оллох барчамизга инсоф ва басират берсун”<sup>177</sup>.

Таъкидлаш жоизки, кийим масаласига доир баҳс-мунозараларда татар уламолари ҳам иштирок этган. Шу боис “Дин ва маишат” журнали 27-сонида босилган Содиқ Усмон исмли муаллифнинг бу масалага оид мақоласи Аҳмадхўжа Эшон томонидан “Ал-Ислоҳ”нинг” 1915 йил 20-сонида нашр этилган.

Мақолада Содиқ Усмон дини исломда эътибор қозонган татар маърифатпарвари Ризоуддин ибн Фахриддин сўзларига таянган ҳолда фикр юритган. Кийимлар узоқ тарих давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани таъкидланиб, европа кийимларини мусулмон кишиларининг кийиши шариатда жоиз деб эътироф этилган. Шу нуқтаи назардан ҳам Аҳмадхўжа Эшон ушбу мақолани Туркистон уламолари эътиборига ҳавола қилиб, чоп эттирган. “... Либос ва кийум хусусиндаги жавобга (радиян)” “Дин ва маишат”даги Содиқ Усмоннинг жавобини ёзмак муносиб кўрилди” деб номланган эди мақола. Шунингдек, мақолада яна бундай дейилган: “...Ризоуддин қози либос ва кийум ҳақинда айтадурки, либос ва кийумлар ҳақинда мусулмон кийуми ва мусулмонча кийум бўладурғон бўлса, анинг тарихи Расулуллоҳ ҳазратлари ва халифалари ва ҳам саҳобалардин бошлануви ва шул тартибнинг отадан болаға мерос қолиб келуви ҳеч бир замонда бошқа бўлмай туташиб келмаки лозимдур. Агарда шул русча кийум либос тартиблари майдонда бўлса, анго мусулмон либоси мусулмонча либос, демак дуруст бўлур. Лекин ўртада шул русча борму, ислом дини мусулмонлар учун махсус тартибларда кийум киймакға таклиф этмади.”<sup>178</sup>

<sup>177</sup> Нишоновна Г. Бехбудий муждаҳид бўлганми? // Филология масалалари, 2005, 1(8)-сон. – Б. 73. // Ойна, 1914, 44-сон.

<sup>178</sup> Аҳмадхўжа Эшон.// Ал-Ислоҳ, 1915, 20 сон. – Б. 623.

Кўриниб турибдики, Аҳмадхўжа Эшон мулоҳазалари ҳам Абдурахмон Муфтизода ва Маҳмудхўжа Бехбудий фикрларига мутаносиб. Шундай жавоблардан кейин журналда кийимлар масаласидаги баҳс-мунозара интиҳо топган.

“Ал-Ислох”да кечган баҳслардан яна бири хотин-қизлар масаласига бағишланган. Бу масалада ҳам уламолар ва зиёлилар ўртасида кескин мунозаралар кечган. Уламолар “Қуръон”даги “Нисо”(Аёл) сурасининг тафсири бўйича хотин-қизларни ҳижобда (парда) сақлаш керак, деган фикрда мустаҳкам турди. Даврнинг илғор маърифатпарварлари уламолар фикрига зид хотин-қизларни очиқлик, яъни маърифатли бўлишга, эркаклар қатори илм-фанни эгаллаб баркамол авлодни тарбиялашга чорлади. Жумладан, “Ал-Ислох”нинг 1915 йил 24-сонида Идора номидан “Абдулваҳҳоб Муродийдин “Шўро”нинг ўн иккинчи нўмири 659-саҳифасина бир назар” сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда Муродийнинг “Шўро” журналида босилган хотин-қизлар масаласига доир танқидий мақоласи ҳақида гап боради. Муродий Туркистон хотин-қизларининг маърифатсизлиги, уларнинг маърифатли бўлиши учун шароит йўқлиги, яъни, уламолар тўсқинлик қилаётганидан шикоят қилади. Муродий хотин-қизларнинг зиёли бўлиши ва фарзанд тарбиясида илмнинг нечоғлик зарур эканлигини эътироф этади. Мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: “Бизим Туркистонда тараққий асарлари кўрила бошлагонга бир оз вақтлар бўлди. Замон таъсири ила бизда тараққий этган нарса фақат эрлар учун ибтидоий мактаблар яратилди... Аммо миллатнинг онаси бўлгон қизлар мактабина келсак, эски тартибда мактаб учрамаз. ...миллатнинг тараққийси учун энг ва аввал қизлар мактабларини кўпайтув бурч эди. Лекин бизда ул ҳолларнинг асари ҳам йўқ. Ўн миллион Туркистон аҳолиси ичинда биргина бўлсун қизларга хос тарбиятли бир ибтидоий мактаб..”<sup>179</sup>

Бу мақола Туркистон уламоларининг ғазабини кўзғатди. “Ал-Ислох”нинг бир неча сонларида Абдулваҳҳоб Муродий ҳақида танқидий мақолалар босилгани ҳам буни тасдиқлайди. Масалан, бухоролик Муфтизода “Муродийнинг зорланишина

<sup>179</sup> Идора.// Ал-Ислох, 1915, 24 - сон.

жавоб” (1915, 24-сон), Эшонхон “Ўринсиз ифтиро ва ҳаёсизлик натижаси – жаҳолат самараси” (1916, 3-сон) каби танқидий мақолалар билан чиқди. Бундай қараш Саидахмад Васлий асарларига ҳам хосдир. Унинг “Ал-Ислоҳ” 1915 йил 18-сонида босилган “Тасаттири нисвон ҳақинда” шеъри айна шу масалага қаратилган. Шеърда мусулмон аёли қандай бўлиши кераклиги масаласи кўтарилган. Хотин-қизларнинг ҳижоб тутиши янгилик бўлмай, бир қанча замонлардан буён давом этиб келаётганини таъкидлаган шоир бундай ёзади:

*Хотуну қизлар учундур чўқ гўзал давлат ҳижоб,  
Ору номусинг юзига пардаи исмат ҳижоб,  
Дафъи ошуби зинога ҳусни амнийят ҳижоб,  
Қатъи шўру фитна этмакда било ҳожат ҳижоб.  
Тангри кўндурган нисолар ҳаққига раҳмат ҳижоб,  
Муслимот ҳазратларига мислсиз неъмат ҳижоб,*

Ҳатто муаллиф шеърнинг кейинги мисраларида:

*Қайси хотунким, очиқ юздур, бале фоҳишадур,  
Пардалик қадрин билур ҳар кимки хуш идрокдур,  
Пардасиз элнинг юроги гул каби юз чокдур,  
Қизу хотунинг ўлурулар пардасизлик бирла гар,  
Эй диёнатсиз, тушунким, ҳосили оят ҳижоб.  
Яъни билким, маънийи Қуръону суннат ҳижоб,*

Бу масалада хотин-қизлар озодлиги ҳақида гапиришни хуш кўрадиган либерал матбуот сукут сақлади. Васлий “Қуръон”даги “Нисо” сураси тафсирига таяниб мулоҳаза билдирди. Унга муносиб жавоб беришга ҳеч ким журъат қилолмади. Лекин кўп ўтмай, бир шеър пайдо бўлди ва қисқа муддатда Тошкентнинг бутун тўрт даҳасига ёйилди. Унда шундай сатрлар бор эди:

*Етар, баским, биза беҳад бало санги насиб ўлди,  
“Заифу нотавон”лар деб, биза қуллик насиб ўлди,  
Ки ул зулматни тимсоли чодир-чиммат насиб ўлди,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидан уйгонинг!..  
Етар бўҳтону ҳақорат биз “заифу нотавон”ларга,  
Жавоби лойиқи берсак, анингдек бедаволарга,  
Илмдин, бас, қанот айлаб, қилиб парвоз ҳаволарга,  
Асрлар элтгон ул гафлат уйқусидин уйгонинг!*

Ўшандай мудҳиш замонда “заифу нотавон”лар ҳуқуқини бу қадар дадил ҳимоя қилиб чиққан, уни таҳқир этувчиларга кескин жавоб берган ушбу шеър муаллифи бешёғочлик Нозимахоним эди.<sup>180</sup>

Нозимахоним ўзбек мумтоз шоирлари мактабининг кенжа вакилларида. У Туркистон эрк ва ҳуқуқини таниб, ғафлатдан уйғона бошлаган бир даврда яшаб ижод этди. Ушбу жараёнга ўз улушини кўша олди. 10-йиллардаёқ шеър ва мақолалари билан мустақиллик, хотин-қизлар озодлиги масалаларини кўтариб чиқди. У яна бир шеърда бундай ёзади:

*Очиб юз маърифат сори, этинг барбод хурофотни,*

*Билинг, ул уфалик дугоналар енгмуш жаҳолатни.*

*Олиб эркин нафас, онлар қилиб дафъи залолатни,<sup>181</sup>*

деб бошланади. Нозимахонимнинг “уфалик дугоналар енгмуш жаҳолатни” деган фикрида ҳам жон бор.

Таъкидлаш жоизки, ўша даврда татар уламолари ҳам хотин-қизлар масаласида баҳс-мунозаралар олиб борган. Ҳатто, “Вақт” газетасида аёлларнинг ҳижобда юриши ножоизлиги ҳақида мақола ҳам эълон қилинган эди. Бу мақола татар уламоларининг ғазабини уйғотди ва тезликда бунинг олдини олиш мақсадида “Дин ва Маишат” журналида ушбу масалага Куръон ва ҳадислар асосида жавоб берилди. Бу шов-шув хабар Туркистон уламоларига ҳам етган эди. Жумладан, “Ал-Ислох”нинг 1915 йил 11-сонида Мулла Искандаршоҳ Акбар ўғли томонидан қуйидагича савол берилган: “Вақт” газетасида шу йили бир фатвони ўқудук: Уфа уламолари хотун-қизларни масжидга юрувлари, юз-кўллари очуб, эркаклар ила сўзлашуб юрувлари дуруст, ислом дини бул ишларга монёъ бўлмайди, деб фатво бермишлар. Татарларни хотин-қизларни очиб юрувлари дуруст деб бермиш фатволари дурустму?”

Бу саволларга Аҳмадхўжа эшон зудлик билан журналнинг ўша сонидаяқ мақола нашр эттирди. Ўз фикрларига далил

<sup>180</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш : жасорат , маърифат , фидойилик Т.: Маънавият, 2002. – Б. 211.

<sup>181</sup> Бу ҳақда қаранг: Жалолов Т. Аёл маҳқумалар. Ўзбек шоирлари.Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 218.

сифатида “Саҳиҳи Бухорий”дан Биби Ойша онамиздан ривоят қилинган ҳадисни келтирди.

Бу ҳадисда Ойша онамиз ухлаб ётганларида номаҳрам бир бегона эркак келиб, юзини кўриб уйғотганлиги ва бундан кейин у ҳижоб тутушни буюрганлиги зикр этилган.

Масалага худди шундай ёндашув Шамсиддин Хоиб асарларида ҳам акс этган. У ҳам аёллар ҳижобда юришини отабоболаримиздан ўтиб келаётган урф-одати дея талқин этади. Ва ўзининг бу масала тарафдори эканлигини кўрсатади. Жумладан, “Ал-Ислоҳ”нинг 1915 йил 24-сонида “Очиқлик” деб номланган шеърида бундай ёзади:

*Очиқлик миллати ислом аро феъли қабоҳатдур,  
Очиқлик боиси ранжу алам, бугзу адоватдур,  
Очиқлик дину иймон хонасин таҳқиқ эдар бир боб,  
Очиқ боис зиллати обу аммо жаҳолатдур.  
Очиқлик диллари парво айлаюр турли ҳавас бирла,  
Очиқлик пардаи исматни чок айлар жиноятдур.<sup>182</sup>*

Кўриниб турибдики, ҳижоб масаласига турлича муносабат билдирилган. Масалан, Тавалло Хўжамёров ижодида бу масалага ўзгача фикр билдирилгани кузатилади. Шоир “Ал-Ислоҳ”нинг 1916-йил 6-сонида босилган “Ҳижоб хусусинда” сарлавҳали шеърида бундай ёзади:

*Олдим қаламни ёзгали мен ҳам ҳижобдан,  
Чўқ-чўқ ёзилди демадим асло бу бобдан.  
Чўқ йўллар изладим кечаю тонгни отдуруб,  
Ҳеч бир очарга кўрмадим оят китобдан...  
Минглаб Наби рафиқаси оламдан ўтдилар,  
Ҳеч бир замонда чиқтиму онлар ниқобдан.  
Яъни Худони дўсти Муҳаммадни уммати,  
Қолди ҳадис бизга у Зоти маобдин.<sup>183</sup>*

Таваллонинг яна бир шеърида бошқача фикрга дуч келамиз. У ўзбек хотин-қизларининг бахт-саодати, қадр қиммати фақат ташқи гўзалликда эмас, балки уларнинг илм-маърифатга, санъат-хунарга эга бўлишида деб билди. У аёллар тилидан,

<sup>182</sup> Шамсиддин Хоиб. Очиқлик. // Ал-Ислоҳ, 1915, 24-сон. Б. – Б. 733.

<sup>183</sup> Тавалло. // Ал-Ислоҳ, 1916, 6-сон. – Б. 180.



уларнинг илмга бўлган ташналикларини содда иборалар орқали бундай ифодалайди:

*Дуо айланг, оналар, эмди бидъатлар қуриб кетсин,  
Биз учун сизни қилгон мол сандуқда чируб кетсун,  
Оталар раҳм этуб, мактаб солуб бизларни ўқутсун,  
Агар ўқитмаса, Лут қавмидек бизларни ер ютсун,  
Ўлум бизларга ортуқ илмсиз дунёда роҳатдан.<sup>184</sup>*

Маълум бўладики, “Ал-Ислоҳ” журналидаги фикхий баҳсларда иштирок этган муаллифлар нафақат миллатнинг тараққийпарвар вакиллари, балки комил ва маърифатли мусулмонлар ҳам эди. Ундаги мунозаралар хурофоту мутаассиблик, маърифату тараққийпарварлик борасидаги баҳслар эди.

“Ал-Ислоҳ” журнали диний масалаларни ёритишда ҳам миллат ҳаёти учун бениҳоя долзарб муаммоларга эътибор қаратди. Шунинг баробарида, журнал бир қадар демократик позицияда турганини, қарама-қарши, бир-бирига зид қарашларни саҳифаларида ёритганини алоҳида таъкидлаш керак.

“Ал-Ислоҳ” да оила, мусулмонларнинг ўзларига имом – раҳбар сайланишлари, таом, кийиниш, хотин-қизлар масалаларига шариатнинг муносабати масаласидаги баҳс-мунозаралар муттасил нашр этилган. Бу мунозаралар миллатнинг ўша замондаги маърифий даражасини кўрсатиши баробарида, матбуотнинг фикр тарбиясидаги ролини кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

---

<sup>184</sup> Тавалло. Равнакул – ислом. (Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Қосимов Б). – Т.: Фан, 1993.

## ХОТИМА

Миллий уйғониш давридаги бошқа нашрлар сингари “Ал-Ислох” журнали ҳам XX аср бошидаги адабий муҳит ва ижтимоий ҳаёт ҳақида қимматли маълумотларни бериши билан аҳамиятлидир. Эътиборга молик жиҳати шундаки, журналда ўтган юзйиллик аввалида яшаб ижод этган кўплаб ижодкорларнинг шу пайтгача жамоатчиликка маълум бўлмаган турли жанрларга оид асарлари чоп этилган. Улар орасида миллий уйғониш адабиётининг Каримбек Камий, Исҳоқхон Ибрат, Саидахмад Васлий, Сидқий Хондайлиқий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби машҳур намояндаларидан Баҳриддин Азми, Шамсиддин Хоиб, Маҳмуд Ализода Тошкандий, Зухриддин Эшонхон, Аҳмадхўжа Эшон, Мулла Саййид Мубашширхон сингари адабий мероси деярли ўрганилмаган ижодкорларнинг асарлари бор. Бу ҳол журналнинг адабий манба сифатидаги қимматини кўрсатувчи ёрқин далилдир. “Ал-Ислох”даги материалларнинг мавзулари моҳиятан “Ойна”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” нашрларидаги мақолаларники билан уйғун эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. XX аср бошидаги адабиётнинг жамият ҳаётига таъсири масалаларига бағишланган мунозараларнинг журналда ёритилиши ижтимоий воқеликда муайян из қолдирди. Бу мунозаралар адабиётнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини, мақсад ва вазифасини белгилашга доир бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, журнал ўзбек матбуотидагина эмас, балки миллий адабиётимиз тарихида ҳам алоҳида мавқега эга бўлган.

Журнал 1915-1918 йиллари ойида икки мартадан нашр этилган бўлиб, жами 77 та сони чиққан. Шу давр мобайнида “Ал-Ислох”да 606 та материал босилган бўлиб, уларни жанр ва мавзуларга кўра назмий ва насрий асарлар, адабий танқид, тарих, таълим-тарбия, ижтимоий-сиёсий мақолалар тарзида тасниф этиш мумкин. Журналдаги назмий асарлар мавзу жиҳатидан маърифий, диний, ижтимоий-сиёсий шеърларга бўлинади. Булар орасида аксарияти маърифий мавзуда эканини таъкидлаш керак. Шеърлар асосан ғазал, мухаммас, мусаддас, марсия, таърих жанрларига мансуб. Булар орасида ғазаллар сон жиҳатидан устувордир. Бундан ташқари, “Ал-Ислох”да ахлоқий

мавзудаги ва дин тарихига оид ҳикоятлар, адабиёт назарияси ва адабий танқидга оид мақолалар ҳам бериб борилган.

“Ал-Ислох” журналидаги адабиётга оид мунозаралар миллий адабиётимиз равнақиға хизмат қилгани билан алоҳида аҳамиятга эға. Журналнинг машҳур шоирлар Муқимий, Фурқат, Завқий, Камий, Нозил Хўжандийлар ижодидаги мувашшаҳ битиш, ишқий ғазаллар ёзиш анъанасини танқид қилишдан мақсади адабиётнинг етук ахлоқ тарғибиға, таназзул гирдобида қолган миллатнинг нурли истиқболиға хизмат қилишиға эришмоқ эди. Гўзалларнинг кўзу қошиға эмас, маърифатға муҳаббат изҳор этиш тавсияси ҳам бунинг далилидир. Таъкидлаш жоизки, бадиий адабиётнинг ижтимоий функциясини торайтиришға уринишдан иборат бу қарашларда қадимчиларнинг фикрлари устуворлик қилганини сезиш мумкин. Шунға қарамай, бу мунозаралар янги адабиётнинг, янгича адабий-эстетик қарашларнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этди.

Журнал саҳифаларида миллий тил софлиги учун кураш мавзуида ҳам бир қанча мақолалар эълон қилинган. Жумладан, Иброҳим Тоҳирийнинг “Ал-Ислох”да босилган “Матбуот ва ислох” мақоласи “Ойна”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” каби нашрларда ҳам акс-садо берди. Бу мавзудаги мақолалар “ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти” (Авлоний таъбири) ҳисобланган тил ва адабиёт равнақи йўлида куйинчаклик билан ёзилгани жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Мутахассислар яқдил эътироф этганларидек, бу мунозаралар адабиёт ривожида, танқидчилик тараққиётида муҳим ижобий роль ўйнади.

“Ал-Ислох”даги мусиқаға оид баҳслар миллий мусиқа тарихиға оид муҳим факт ва далиллар ўртаға ташлангани, ислом шариатининг мусиқаға муносабати масаласи илмий ечимини топгани билан алоҳида аҳамиятга эға. Турлича қарашлар, ихтилофли мулоҳазалар ҳақиқатни ойдинлаштиришға, шариат мусиқа илмини нафақат жоиз деб ҳисоблагани, ҳатто унинг ривожини учун зарур шароит ҳам яратгани ҳақидаги хулосаға келиш имконини беради. Бу борадаги баҳс-мунозаралар ўз даврида миллий тафаккурнинг ривожини учун муайян туртки

бўлди, дейиш мумкин. Журналда нашр қилинган мусиқа ва театр санъатига оид баҳслар жадид-қадим муносабатларини янгича идрок этишга асос бериши билан ҳам қимматлидир. Бинобарин, жадидлар ва қадимчилар муносабатини муросасиз икки рақиб муносабати деб қараш тўғри эмас. Ҳар иккала тараф ҳам миллатнинг ёруғ истиқболини орзу қилган. Фақат уларнинг бу борадаги қарашлари тафовутли бўлган, холос. “Ал-Ислоҳ”даги Ҳолмуҳаммад Тўрақулининг “Ислоҳи талаб”, имзосиз чоп этилган “Нажот ва хулоса нимада?” сарлавҳали мақолаларнинг таҳлили шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар ҳам журналдан кенг ўрин олган. Ўлкада кечаётган сиёсий воқеалар хабари, Туркистон халқининг мардикорликка олинishi, 1917 йилги инқилоб тўғрисидаги мақолалар шулар жумласидандир. Бу мавзудаги мақолалар таҳлили “Ал-Ислоҳ” муаллифларининг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараённинг фаол иштирокчиси бўлганини ҳамда журнал ўша даврнинг нуфузли нашрларидан эканини кўрсатади. Таназул гирдобига тушган ўлка ва унинг халқи дунёқарашида ўзгаришлар пайдо қилиш, юртни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, бунинг учун ўз таъсир доирасини кенгайтириш, узоқ асрлар давомида халқ эътиқод қилиб келаётган ислом дини қонун-қоидаларини замона талаблари билан уйғунлаштириш, миллат маърифатини юксалтириш – журналда нашр этилган адабий асарлардан, ижтимоий-сиёсий ва маърифий мақолалардан кўзланган асл муддао шу эди. “Ал-Ислоҳ” ўз номи билан жамият ҳаётини ислоҳ этиш, қотиб қолган қарашларни янгилаш мақсадини кўзда тутган, журналнинг бутун фаолияти шунга қаратилган эди.

Маърифат ва жаҳолат талқини – “Ал-Ислоҳ”да эълон қилинган материаллар ана шу масала атрофида мужассам бўлади. Журналда мазкур мавзуда чоп этилган шеър ва мақолалар миллатни жаҳолат зулматига тортаётган иллатлар танқиди ва нурли истиқболга олиб борувчи куч – маърифат тарғибига бағишлангани билан алоҳида ажралиб туради.

“Ал-Ислоҳ”да нашр қилинган фикҳий баҳслардан кўзланган бош мақсад ислом ва замонавий билимлар, ислом ва

дунёвий тараққиёт масалаларини янгича идрок этиш, исломий маърифат замон тараққиётининг барча талабларига жавоб бериши, бу динга эътиқод ва амал қилиш таназзулга эмас, маънавий-ахлоқий комилликка сабаб бўлишини Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар, фақиҳ олимларнинг ижтиҳодлари мисолида исбот этиш бўлган. Журналда нашр этилган имзосиз “Иймон надур?”, Фазлулваҳҳоб қорининг “Зарурий саволлар”, Мулла Олимхон томонидан “Мулла Ҳошим саволига жавоб” каби бир қанча мақолалар таҳлили шундай илмий хулосага олиб келади.

Умуман, “Ал-Ислоҳ” журнали миллий уйғониш даврининг бошқа нашрлари қатори миллатни асрий жаҳолат гирдобидан олиб чиқиш, тараққий этган миллатлар даражасига кўтарилиши каби замоннинг энг долзарб ва ҳеч қачон эскирмайдиган вазифаси йўлида хизмат қилди. Бу журнал фаолиятининг ўрганилиши ўзбек миллий уйғониш даври адабиёти ва унинг таркибий қисми бўлган адабий манбашунослик ва матншунослик ҳамда миллий журналистика соҳалари ривожига муайян ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## Сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.-Б. 592.

2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

3. Мирзиёев Ш.М. “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2995-сонли қарори, 2017 йил 24 май.

4. Мирзиёев Ш.М. “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2789-сонли қарори, 2017 йил 17 февраль.

5. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ–5850-сонли фармони, 2019 йил 21 октябрь.

## Монографиялар, тўпламлар, дарсликлар

6. Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917).- Т.: Академия, 2000. - 372 б.

7. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Т.: Академия, 2002.- 410 б.

8. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Икки жилдлик. Биринчи жилд. –Т.: Шарқ, 2008.-384 б.

9. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.- 210 б.

10. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб.-Т.: Ўқитувчи, 1980. -346 б.

11. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси.-Т.: Фан, 1976. – 430 б. Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат.-Т.: Фан, 1977. – 278 б.



12. Адабиёт назарияси. 1-том.-Т.: Фан, 1978. – 416 б.
13. Адабиётшунослик терминлари луғати.-Т.: Ўқитувчи, 1970. – 300 б.
14. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика (тузувчи У. Тўйчиев).-Т.: Фан, 1992. – 235 б.
15. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 – 256 б.
16. Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуот тарихи: Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. (Нашрга тайёрловчи Шухрат Ризаев).-Т.: Мерос, 1993.- 246 б.
17. Абдулла Қодирий замондошлар хотирасида.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – 169 б.
18. Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Улуғ октябрь социалистик революциясининг арафаси ва граждандар уруши даврида ўзбек поэзияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат университетининг асарлари, янги серия. - Самарқанд.: ЎзДУ, 1958. – 489 б.
19. Баранов Х. К. Арабско-русский словарь.-М.: Русский язык, 1984. – 942 б.
20. Баранов Х. К. Арабско-русский словарь.-М.: Русский язык, 1990. – 854 б.
21. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари (тасаввуф назарияси ва тарихи).-Т.: Ўқитувчи, 2005. – 397 б.
22. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 286 б. – 64 б.
23. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар.-Т.: Маънавият, 2001. – 64 б
24. Бобохонов А. Ўзбек матбааси тарихидан.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 355 б.
25. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. Т.: Университет, 2006.
26. Долимов У. Исоқхон Ибрат.-Т.: Маънавият, 1994. – 139 б.
27. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т.: Фафур Ғулом нашриёти, 2009. – 378.

28. Дўстқораев Б. Ўзбек совет танқидчилиги тарихи.- Т.: 1989. – 410 б.
29. Жалолов А. XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти.-Т.: Фан, 1991. – 410 б.
30. Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли.-Т.: Фан, 1993. – 410 б.
31. Жўраев Қ. XX аср драматургияси.-Т.: Университет, 2000. – 436 б.
32. Жўрақулов У. Худудсиз жилва.-Т.: Фан, 2006. – 204 б.
33. Жалилов Б. Ўзбек драматургияси поэтикаси масалалари - Т.: Фан, 1984. – 250 б.
34. Жалолов Т. Ўзбек шоиралари.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – 370 б.
35. Завқий. Танланган асарлар.-Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – 112 б.
36. Зокиржон Фуркат. Мақолалар тўплами. - Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 152 б.
37. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан.-Т.: Ўздабийнашр, 1961-520 б.
38. Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. Танланган асарлар(нашрга тайёрловчи Шерали Турдиев).-Т.: Ўзбекистон, 1974. – 280б.
39. Имомов Б., Жўраев Қ., Ҳақимова Ҳ. Ўзбек драматургияси тарихи.-Т.: Ўқитувчи, 1995. – 233 б.
40. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси.-Т.: Фан, 1983.
41. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги.-Т.: Фан, 2006. – 119 б.
42. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз.-Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 167 б.
43. Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Олим Тўлабоев).-Т.: Маънавият, 1998. – 159 б.
44. Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб.-Т.: Ўқитувчи, 1966.
45. Каримов Ф. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан. – Ўрта Осийё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек адабиёти. – Т.: САГУ нашриёти, 1957. – 360 б

46. Комилов Н. Нажмиддин Кубро.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1995. – 32 б.
47. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб.-Т.: Ёзувчи,
48. Каримов Б. Жаид мунаққиди.-Т.: Университет, 2000. – 103 б.
49. Каримов Н. Чўлпон учун кишан.-Т.: Фан ва турмуш, 1991.
50. Лихачёв Д. С. Текстология.-М.: Наука, 1964. – 102 б.
51. Мадаминов А. Завқий. Т.: Шарқ, 2003. – 190 б.
52. Мўминжон Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. (Бир мулла боланинг хотира дафтари). Т.: 1926. – 310 б.
53. Муқимий асарлар тўплами. Икки томлик (нашрга тайёрловчи Ф. Каримов) .- Т.: Бадиий адабиёт, 1960. – 574 б.
54. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон. - Т.: Фан, 1979. – 155 б.
55. Норматов У. Ўткан кунлар хайрати.-Т.: Ўқитувчи, 1966. – 80 б.
56. Ризаев Ш. Жаид драмаси. - Т.: Шарқ, 1997. – 315 б.
57. Раззоқов Ҳ. Завқий ҳаёти ва ижоди. - Т.: Ўздавнашр, 1955. – 94 б.
58. Раҳмонов Н. Ўзбек мумтоз адабиёти мажмуаси. 1-жилд.-Т.: Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти, 1995.
59. Рашидова Д., ва бошқалар. Жаидчилик, ислохат, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўлам. №1.-Т.: Университет, 1999.- 540 б.
60. Раҷобов З. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа. Сталинабад, 1951. – С. 345.
61. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. – М.: Изд-во МГУ, 2005. – 435 б.
62. Сўфи Оллоёр. Сабот-ул ожизин. -Т.: Меҳнат, 1991. – 95 б.
63. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011. - Б.326.
64. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т., 2011. - Б.220.

65. Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги кирралари. – Т.: Академнашр, 2015. - Б.128.
66. Сирожиддинов Ш., Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.127.
67. Фурқат. Танланган асарлар. Икки томлик. 1-том. - Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1959. – 188 б.
68. Фурқат ижодиёти. Мақолалар тўплами.-Т.: Фан, 1990. – 196 б.
69. Холид Расул. Зокиржон Фурқат ижоди.-Т.: 1954. - 136 б.
70. Холид Расул. Фурқат. Танқидий-биографик очерк.-Т.: 1959. – 127 б.
71. Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари.-Т.: Университет, 1995. – 145 б.
72. Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси – Т.: Университет, 2001. - 204 б.
73. Шукуров Н. Бу олам саҳнида... Адабий танқидий мақолалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 215 б.
74. Эрназаров Т. Ўзбекистонда вақтли матбуот (1970-1924). - Т.: 1959.
75. Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1970-1925). Уч. Пособие, Т.: Ўқитувчи, 1976.
76. Эркинов С. Лутфий ҳаёти ва ижоди.-Т.: Фан, 1965. – 128 б.
77. Эркинов А. Ўзбек мумтоз адабиётини ўқитиш ва адабий манбашунослик // Ўзбек мумтоз адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммолари: материаллар.Т.: Университет, 1997. – 84 б.
78. Юсупов Ш. Хуфия қатламлар.-Т.: Маънавият, 1999. – 144 б.
79. Юсупов Ш. Худоёхон ва Фурқат.- Т.: Шарқ, 1995. – 93 б.
80. Юсупов Ш. Санъат ва ҳайрат.-Т.: Маънавият, 1997. – 1256 б.
81. Юсупов Ж. Машраб девони.- Т: 2006.
82. Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. -Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1959. – 464 б.
83. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том.-Т.: Фан, 1977. – 328 б.
84. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том.-Т.: Фан, 1977. – 460 б.
85. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-том.-Т.: Фан, 1978. – 380 б.

86. Ўзбек адабиёти тарихи. 4-том.-Т.: Фан, 1978. – 444 б.
87. Ўзбек адабиёти тарихи. 5-том.-Т.: Фан, 1980. – 420 б.
88. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.-Т.: Шарқ, 2000. – 463 б.
89. Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. Уч жилд.-Т.: ЎзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёти, 1998. – 128 б.
90. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити.-Т.: Фан, 1961. – 361 б.
91. Қаюмов А. Шеърят жилолари.-Т.: Ўқитувчи, 1996. – 128 б.
92. Қаюмов Л. Инқилоб ва ижод.-Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1964. – 343 б.
93. Қосимов Б. Маслақдошлар: Бехбудий, Ажзий, Фитрат.-Т.: Шарқ, 1994. – 155 б.
94. Қосимов Б. Излай-излай топганим.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – 272 б.
95. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Т.: Маънавият, 2002. – 396 б.
96. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти дарслиги. -Т.: Маънавият, 2004. – 461 б.
97. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.: Чўлпон, 1992. – 672 б.
98. Ҳадис. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Тўрт жилдлик. 4-жилд.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 528 б.

### Мақолалар

1. Ахророва З. Жадиждлар маърифати. // Сино. – Тошкент, 2006. - №2.
